

Исҳоқжон  
НИШОНОВ

ХХІ АСР ДЕТЕКТИВИ

КОРА ЧАЁН

1



Книга должна быть  
возвращена не позже  
указанного здесь срока

Количество предыдущих  
выдач \_\_\_\_\_

2950

2000с

Исҳоқжон НИШОНОВ

# Қорғачаёж

1

Роман



«Наманган» нашриёти  
2011

Азиз ўқувчи, муаллиф Исҳоқжон Нишоновнинг ушбу асарида тинчликсевар халқларнинг осойишта турмушига раҳна солаётган қора күчлар - террорчилар ва наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий гурӯҳ аъзоларининг аянчли қисмати ҳақида баён этилади. Роман қаҳрамонлари Она Ватани, халқи учун ўз жонларини аямайдилар, бадниятли кишиларнинг муқаддас юртга ифлос қадами билан кириб келишининг олдини олиш учун керак бўлса ажал билан олишадилар.

Асар ўткир сюжетларга бой ва воқеалар кетма-кетлиги ўқувчини қисса ниҳоясига етаклайди.

НГ 858-2378-1451175 2011  
859-(11,5)-(05)

ISBN-978-9943-371-92-7

© “Наманган” нашриёти, 2011.

© Исҳоқжон Нишонов.

## АФГОНИСТОН

Қуёш борлиқни тандирдек қиздираётган бўлса-да, уйи бузилган чумолилардек ҳар ён сочилиб, бир-бирининг устига қашқирдек ташланаётган жангари-ларнинг қийқириқлари момақалдироқдек гумбирлаб борлиқни ларзага келтирганди. Уларни очлик ва ташналик ҳолсизлантирган бўлса-да, ўзларининг олти ой олган билимларини йўлбошли олдида намо-йиш қилишарди. Шу сабабли ҳеч нарсага аҳамият беришмасди. Жон-жаҳдлари ила автоматлардан тоғу тошларга қаратса ўқ ёғдиришарди. Ўқлар чийиллаб, тирноқдек тошни кӯчириб ташларди. Жангарилар тишларини гижирилатиб, бир-бирларини гажиб ташлагудек олишардилар. Бирорни бирор аямасди. Ҳеч ким оғриқни ҳис этмасди. Бугунги имтиҳондан ўтганлар жонларига тегиб кетган, дўзахни эслатувчи бу жойни тарк этишларини ҳамма биларди. Аввал ваъда қилинган юртларга жўнаш, шоҳона ҳаёт, банклардаги катта миқдордаги пулларга эгалик қилиш иштиёки уларнинг қалбидаги эзгуликни, юртга, халққа, ота-онага бўлган меҳр-муҳаббатни зулукдек суреб олганди. Уларнинг кучига куч қўшаётган нарса ҳам мана шу бойлик эди. Қора терга ботган жангарилар ора-сира лагерь томонга қараб қўйишарди. Чодир тепасидаги оқ байроқнинг туширилишини кутишарди.

Раҳнамо дурбинга қўзларини қадаганча маш-гулот майдонидан нигоҳ узмасди. Назарида, ишлаб чиқилган дастурга биноан машқлар бекаму-кўст адo этилаётганди. Шундай бўлса-да, меҳмоннинг кўнглида андак доғ пайдо бўлганди. Йигитларнинг ҳаракатларида нимадир этишмайтгандек, аниқроғи, олишаётганданда бир-бирларини аяшаётгандек туюларди. Саид Мустафо меҳмоннинг гоҳи-гоҳида бош силкитиб қўйишидан шуни пайқади. У йигитларига қаттиқ

ишонарди. Назариди, улар нүқсонсиз харакат қилишаётганди. Сайд Мустафо олти ой давомида жангариларни айғоқчилликка, күпорувчиликка, хуфёна ишларга, одамларни қийнаб, азоблаб ўлдиришга ўргатди. Ҳар бир йигит билан алоҳида ишлади. Ӯзини кўрсатган йигитларни саралаб олди.

Ниҳоят, меҳмон ўридан турди. Унинг япалоқ юзи иссиқдан бўғриқиб кетганди. Лагерь бошлиги ортида турган ёрдамчисига ишора қилди. Байроқ пастга туширилди.

- Кўриниб турибди-ки, сен бутун эътиборни ўқ отиш қуролларидан фойдаланишга қаратгансан. Бу биз учун унчалик муҳим эмас. Қурол билан одамларни бўйсундириш замони аллақачон ўтиб кетган. Фоя ҳар қандай қуролдан кучли эканлигини унутма. Одамларимиз бизнинг гояларимизни ўзгаларнинг онтига сингдеришда ўта абжир ва билимдон бўлишлари керак. Бунинг учун, аввало, йигитларнинг онгини, дунёқарашини ўзгартириш керак.

- Аммо, раҳнамоларнинг кўрсатмасига асосан...

Сайд Мустафо айтмоқчи бўлган гап бўғзида қолди. Меҳмон лагерь бошлигининг қизарган юзига боқди ва унинг сўзини бўлди.

- Бундан хабарим бор. Раҳнамоларимиз шу йўлни танлаб катта хато қилишган. Бу ҳакда уларга кўп бор таъкидладим, афсуски, улар мени тушунишни исташмади. Ишончим комилки, вақти келиб ўз хатоларини англаб етишади.

- Унгача биз кўп нарсаларни бой беришимиз мумкин! - Сайд Мустафо меҳмоннинг фикрига қўшилдию, аммо бир нарсага ақли калталик қилди. Миллионлаб маблаг сарф қилаётган кимсалар нега қурол етказиб беришга аҳамият беришяпти? Ахир бу йигитлар лагердаги тайёргарликни ўтаб бўлганларидан сўнг ўз юртларига қурол билан жўнашмайди-ку? Меҳмон айтмоқчи, бу йигитлар аввало ўз гояларини тарғиб қилишлари шарт.

Меҳмон лагерь бошлигининг кўнглидан кечётган

Үйдан хабардордек:

- Тұғри, қурол білан ҳам ишлашни үрганиш лозим. Лекін биз йигитлар сиғини гоя билан бойит-саккина асл мақсадимизга етищимиз мүмкін. Буни асло унутмаслик керак. Яна бир бор айтаманки, бизнинг эңг ишончли қуролимиз бу - гоя! - деди.

- Унда биз үтказаётган машгулотлар бесамар экан-да, - мақсадини айтди Саид Мустафо. - Меннимча, қурол ҳукмрон бұлған жойда одамлар құрқувда яшайды. Инсониятни құрқитишнинг бирдан бир йўли бу - қурол.

Меҳмон толиққан ва ҳориган бўлса-да, лагерь бошлиғи билан мунозарани давом эттириш мақсадида унинг елкасига қўл ташлади.

- Сен шуну унутмагинки, биз тайёрлаётган йигитларнинг қўллари қон бўлса-да, тиллари ширин бўлиши керак. Тиллар үзгаларни илон мисоли аврашга хизмат қиласин. Кўзларида меҳр учқуни ёниб турсин-у, аммо шу «меҳр», деб аталувчи учқун истаган пайтда ғанимларни ёндирысин.

- Йигитларимни қайта тарбияламоқчимисиз?  
- сўради Саид Мустафо. Меҳмон саволга жавоб қайтаришга шошилмади. У дим ҳаво анқиб турган чодир ичидә юрар экан, туйнук ёнига келиб тўхтади.

- Одамларни тарбиялаш ва мақсадимиз йулидаги хайрли ишга сафарбар қилишга шошилмаслик лозим, бўтам. Биз ишни қанчалик пухта қилсак, мақсадимизга эришиш йўлида ҳаракатимиз ҳам шунчалик осон кўчади. Йигитларингнинг тайёргарлиги менга маъқул. Улардан кўнглим тўлди!

Саид Мустафонинг қоронғу кўнгли ёришди. Устозининг ёнига келди.

- Демак, мен бу ердан кетишига тайёргарлик кўраверсан бўлади.

Меҳмон лагерь бошлигининг юзига тикилди. Ичичига ботиб кетган кўзларидан зерикканлигини, олдиндан ваъда берилган юртга кетиш истагида

шошилаётганлигини билиш мумкин эди. Ахир аҳдлашувга асосан уни олти ойга таклиғ қишлишганди. Айтилган муддат тугади. Ишониб топширган одамларни «тарбиялади», яна ундан нимани талаб қилиш мумкин? Меҳмон тасдиқ маъносидаги бош иргаб қўйди. Ташқаридаги гала-ғовур ичкарига эшитилиб турарди. Ҳориб, толиқкан жангарилар машғулот майдонидан қайтишганди.

- Менга еттинчи ракамли йигитингни чақирсанг, - деди меҳмон ўртага чўккан жимликни бузиб. - Кўзимга анча чаққон ва абжир кўринди. Қўлидан кўп иш келадиганга ўхшайди.

- Адашмадингиз, ишончли, вафодор одамларимиздан. - Сайд Мустафо Қорачаённинг қиёфасини кўз олдига келтирди. - Бирор маротаба дакки-дашном эшитмади. Бундан ташқари, шериклари ўртасида бўлиб турадиган гап-сўзлардан бизни хабардор қилиб туради. Кошишга уринган тўрт нафар бузғунчини аниқлаган.

- Сенинг қўлингга қандай тушиб қолган? - кутилмаганда меҳмон Қорачаённинг ўтмиши билан қизиқди.

- Уни ярадорлар орасидан топиб олишган. Отишма пайтида форга яшириниб олган экан, ўз ихтиёри билан бизга таслим бўлган.

- Бу ҳақда унинг раҳбарлари хабардорми?

- Командирлари жангда ҳалок бўлган, деб ўйлашган.

- Уйидагилар-чи?

- Одамларимизнинг хабар қилишича, қишлоққа темир тобут борган. Командирлар тобутни очмасдан кўмдиришган. Ҳатто уни қаҳрамонга чиқариб қўйишган. Ҳукумат «Жасорат» ордени билан тақдирлаган.

- Айни муддао, офарин!

- Қуллуқ, устоз!

- Қорачаённинг ёнида нимаики нарса бўлса, ҳатто ота-онасининг сурати бўлса ҳам ёқиб ташланглар!

Уни кўрганда юрагида Ватан соғинчи уйғонмасин. Шерикларига ҳам огоҳ бўлинглар. Бирортаси қоча кўрмасин. Акс ҳолда оғизларидан гуллаб қўйишади.

- Оғзи бўшлар тупроқ остида ётибди, устоз. Ишончимизни қозонмаганларни Қорачаённинг ўзи тинчитган.

Лагерь бошлиги темир сандикни очди. Ичидан чарм муқовали альбомни олди. Бир даста суратларни устозига узатди. Мехмон дикқат билан уларни кўздан кечирди. Қўл-оёғи боғланган тутқуннинг бўғзига пичоқ тираб турган Қорачаённинг турли кўринишдаги суратлари эди бу.

Мехмон қўпдан бери ўзига ишончли одам излаб юрганди, ниҳоят, унга дуч келганидан хурсанд бўлди.

Сайд Мустафо озғиндан келган, узун бўйли, юзини соқол босган йигитни эргаштириб кирди.

- Бу киши Карим Ризо ҳазратлари, бизнинг раҳнамомиз. Сен билан учрашиш мақсадида келибдилар, - деди лагерь бошлиги.

- Сиз тўғрингизда яхши гапларни эшитдим, бутам. Бизга сидқидилдан қилаётган хизматингиздан, садоқатингиздан бошим осмонга етди. - Мехмоннинг мулойим сўзларидан Қорачаён ҳаволаниб кетди.

- Карши бўлмасангиз сизни Покистонга олиб кетаман!

- Сиз шуни лозим топсангиз розиман, - деди Қорачаён.

Карим Ризо мийигида кулди. У йигитнинг мақсадини билишга уринди.

- Эшлишимча, бу ерда биз томонга ўтишни истамаганлар ҳам бор экан?

- Шундай, ҳазратим. Уларни зинданга ташладик!

- Улар қандай гуноҳ қилишган?

- Фаламислар шерикларимни бу ердан қочишга, қуролли исён кўтаришга уринишган.

- Бурига меҳрингни берганинг билан бари бир ўзини ўрмонга уради, деб бекорга айтишмаган. Нон-

тузимизни еб, қочишни хаёл қилишган бўлса, уларнинг жазоси ўлим! Токи бу бошқаларга ибрат бўлсин.

- Шундай, ҳазрат!

- Сиз қочоқларни яхши танийсизми?

- Бирга хизмат қилганман. Қосим туркман. Игорь дегани ўрис. Магаданлик!

- Улар нима учун қочмоқчи бўлишди, аниқладингизми?

- Йук...

- Сабаб?

- Иккисининг отаси коммунист, худосизлар!

- Буни билар экансиз, нега аввалроқ лагерь бошлигини огоҳлантирумадингиз?

- Келажагимиз яхши бўлишини, бой-бадавлат яшашимизни уларга қўп бор тушунтиридим. Афсуски, гапла-римга қулоқ солишимади. "Сен хоинсан", деб мени сўзиши. Шундан кейин Сайд Мустафо жанобларини хабардор қилдим.

- Улар қочмоқчи бўлишганда қўлга олдик, - гапга қўшилди лагерь бошлиғи.

- Яхшики вақтида пайқабсизлар. Акс ҳолда, юртига бориб, ҳаммага ўзларини қаҳрамон кўрсатиб, сиздек содик биродаримизни жосусга чиқариб, мақтаниб юришарди. Энди улар ишончимизни йўқотиши. Йигитларимизнинг кўз олдида жазосини беришингиз керак. - Карим Ризо «нима дейсан?» дегандек Қораҷаёнга юзланди. У раҳнамонинг кўзига тик қарашга ботинолмади.

- Тўғри таклиф, ҳазратим, - деди шоша-пиша.

- Бу ишни ўзингиз уддалайсиз-да, бутам.

Қораҷаённинг ранги оқариб кетди. Лекин буни сездирмаслик учун ерга қаради. Ҳазрат ундан жавоб кутди. Сайд Мустафо устозига, сўнг Қораҷаёнга қаради.

- Мен берадиган жазо сизни қониқтиармикин, ҳазратим?

Карим Ризо кулди.

- Тасанно, бутам, минг бор тасанно! Қани энди

сиздек камтарин, гапга чечан йигитлар сафимизда күпроқ бўлса.

Олқишидан Қорачаён яйраб кетди.

Карим Ризо белига қистирилган олмос тифли ханжарни олиб Қорачаённинг қўлига тутқазди.

- Мени тушундингизми, бўтам?!

- Тушундим, ҳазрат, - Қорачаён қўлини кўксига босди.

- Аллоҳ мададкор бўлсин.

Сайд Мустафо маъноли бош иргади. Қорачаён чодирдан чиқди.

- Чакки эмас, анчагина айёр кўринади, - деди раҳнамо шогирдига.

- Дарвоҷе, нега «Қорачаён» деб ном бердингиз?

- Ҳазратим, агар эътибор берган бўлсангиз қора тусли чаён ўзининг ўткир заҳари билан ажраб туради. У ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ҳатто ўз боласига ҳам пайт пойлаб нишини санчади. Бизнинг бу йигитимиз худди ўша Қорачаёнга ўхшаб кетади. Ўзининг энг содик ва сирдош дўстларини аяб ўтирамайди. Игнанинг учидай айбини топса, жазолайди.

Ҳазрат бу сўзларни эшлитиб, бош иргаб қўйди.

Машгулотдан қайтган йигитлар ерда чўзилиб ётишарди. Айримлар жароҳат олган жойларини боялашар, йиртилган кийимларини тикишарди. Ичкаридан чиқсан Қорачаён ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди. У ўзига тикилган нигоҳларга аҳамият бермай ўтиб кетди. Зиндан тепасига келиб пастга қаради. Ер остида икки тутқун бир-бирининг елкасига суюнганча ўтиришарди. Очлик ва ташналиқдан озибтўзиб кетган, юзлари оқариб, чакка суяклари иргиб чиқсан йигитлар Қорачаённинг тепаларига келганини пайқашмади. У бир сиқим тупроқни олиб пастга ташлади. Шунда улар юқорига қарашибди.

- Қалайсанлар?!

Йигитлар индашмади.

- Қайси биринг озодликка чиқишни истайсан? -

Қорачаён гүё уларни озод қилиш учун келгандек керилиб сүради. Тутқинлар унинг мақсадини билишмади.

- Нима бўлди сенларга, бу ерда ётиб, гаплашишини ҳам унутиб қўйганмисанлар, дейман? Сенлардан сўраяпман, қайсинг юртингга кетмоқчисан?!

Кўзларида умид учқуни чақнаган йигитлар бир-бирларига қарашибди.

- Гапирасанларми ёки ўзим тушиб сайдатайми? Кеча тилинг бурро эди-ку? Ҳамманинг олдида Ватанга кетамиз, ўлсак ҳам Ватан қучофида ўламиз, деб айюҳаннос солаётгандинг-ку! Ёки захда ётиб, ақлинг кириб қолдими? Мен бугун сенларга қочишни, Ватани соғиниш қанақалигини кўрсатиб қўяман! - Қорачаён жаҳл устида мақсадини ошкор килиб қўйди. - Қосим, чиқ ташқарига! Бузгунчиликни сен бошлагансан, ажрини аввал сен олишинг керак!

Тутқунларнинг иккинчиси рус эди. Учаласи бир қисмда хизмат қилишган, жангарилар билан бўлган жангда ўқлари тугаб асирга тушишганди. Қорачаён ўзини форнинг ичига уриб, жон сақлаган бўлса, Игорь билан Қосимга ўқ тегиб қолган эди.

Қосим дўстининг бағрига ўзини отди.

- Сенга хизмат қилгандан кўра шу зинданда ўлиб кетганимиз яхши, - деди Игорь.

Қорачаённинг газаби тошди. Йигитлардан иккита-си ни эргаштириб келди. Уларга Қосимни тутиб чи-қишини буюрди. Игорь билан Қосим ўринларидан туриб, бир-бирларини маҳкам қучоқлаганча жангари-ларга қаршилик кўрсатишиди. Икки дўстни ажра-тишга кўп уринишди. Тутқунларнинг қаршилик кўр-сатаётгани Қорачаённи газаблантириди.

- Уринглар, тепинглар, аяманглар, қўлларини синдиринглар! - тепадан кўрсатма берарди Қора-чайён. - Биринчи бўлиб Қосимни тутинглар!

Жангарилар йигитларнинг дуч келган жойига гоҳ мушт билан, гоҳ оёқлари билан тепишаради. Бироқ, икки дўстни ажратиш қийин эди. Улар бир танага

айланиб кетганди. Зарбалар ҳам ажратолмасди. Жангарилар Қосимнинг қўлини қайириши. Сочидан чангаллаб судраши. Игорь жон-жаҳди билан уларга ташланди. Тартибсиз ҳолда рақибларини уради. Бир амаллаб дўстини қутқарди.

- Аввал Игорни уринглар. Ҳой, Зафар! Нега бўшашасан, онангни!.. Ёки сен ҳам унга шерикмисан! - бақиради Қорачаён! - Қовуғига теп, аяма!

Жангарилар энди Игорга ёпишиши. Бошини қайириб, орқага тортиши. Кимдир хотига тепди. Игорнинг кўзидан ўт чақнаб, ерга йиқилди. Яна бир жангари юзига мушт тушири. Шундай бўлса-да, Игорь дўстининг кийимидан кўйиб юбормади. Қосим оёқ остида ётган Игорни ўрнидан турғазмоқчи бўлди. Бироқ, бунга улгуролмади. Кўзи қонга тўлиб, ҳайвондек қутуриб кетган жангарилар унинг дуч келган жойига гоҳ тепиб, гоҳ қўллари билан ура бошлиши. Игорнинг кўз олди қоронfilaшиб, борлиқни зулмат босгандек бўлди. Қулоқлари чип битганди. На қутурган түядек гир айланиб юрган Қорачаённи, на ер тубида қаҳр-газабини босолмай бўкираётган кимсаларнинг овозини эшитарди. Ҳолдан кетиб, чўзилиб ётган Игорни қайта ўрнидан туролмаслигига кўзи етган жангарилар энди Қосимга ташланиши. Улар қўлларини кериб, буйинларини кенг елкаси ичига тортиб, деворга беҳол ва бемажол суюниб турган Қосимнинг устига бостириб келишарди. Йигит уларга қаршилик кўрсатиш бефойдалигини тушуниб етганди. Шундай бўлса-да, жангарилар унинг қўлига ёпишиши. Қайириб, додлатиб, бу ҳам камлик қилгандек букчайиб турган шўрлик йигитнинг орқа-сига мушт ёғдириб ерга йиқитиши. Қорачаён, ни-ҳоят, бошини қутариб, енгил нафас олиб, яна кўрсатма бера бошлади.

- Белидан арқонга боғланглар!! Тўхта, Дамир. Аввал баттолнинг қўлини қайириб, боғланглар. Чўн-тагини қаранглар-чи, пичоги йўқмикин?!

Дамир инграб ётган Қосимнинг чўнтакларини

титиб чиқди.

- Ҳеч нарса йўқ!

Беш-олтита йигит келиб уни тепага тортиб олиши-ди. Чодир ёнига судраб келишиди. Чарчоқлари ёзил-ган жангарилар тўпланишиди. Ичкаридан Сайд Мус-тафо меҳмонни бошлаб чиқди.

- Қурқма! - деди Қорачаён қўл-оёғи боғлаб ташланган Қосимга. - Булар бошлиқларимиз, сенга ёмон-лик қилишмайди. Сен билан сұхбатлашишади. Агар уларнинг таклифига кўнсанг, қўйиб юборишади. Хоҳлаган томонингга кетишинг мумкин.

Қосим типирчиларди. Қорачаён оёғини унинг кўкрагига қўйди. Йигитнинг кўзлари ёшли эди. Карим Ризо тутқуннинг тепасига келди.

- Арқонни ечиб ташланглар, - амр қилди меҳмон.

Жангарилар тутқуннинг қўлларини бўшатишиди.

- Ўрнингдан тур-чи, бўтам, - мулойим овозда деди меҳмон. Қосим туролмади. Зирқираётган бадани бунга имкон бермади.

- Сен биздан хафамисан, чирофим?

- Йўқ.

- Унда нега бу ердан қочмоқчи бўлдинг?

- Уйимни, ота-онамни соғинидим!

- Шундай де. Ватани соғиндингми?

- Ҳа...

- Бу ер ҳам сенга Ватан, бўтам! Мана, атрофингда дўстларинг, қадрдонларинг. Хоҳлаган нарсанг муҳайё. Яна нима керак сенга, бўтам?

- Мен ўз юртимга қарши курашмайман!

Йигитни ўз элагидан утказган Карим Ризо уни йўлга сололмаслигини тушунди. Фазабини ичига ютди. Қосимнинг тақдирини йигитлар ихтиёрига топширишни ўлади.

- Азаматлар, бу йигитни қўйиб юборсак майлими? Нима дейсизлар? Момақалдироқ мисоли гумбурлаган ҳайқириқ борлиқни ларзага келтирди.

- Хоинга ўлим!

- Ўлим!!

- Ўлим!!

Жангариларнинг қўлидаги автоматлар тилга кирди. Ўқ овозлари ҳайқириқларга қўшилиб олисларга тарагалиб кетди. Зиндон тубида қонига беланиб ётган Игорь қулоқларига чалинган товушлардан ўзига келиб, бошини кўтарди. Ўрнидан туришга ҳаракат қилдию, бироқ мадорсиз қўллари эзилиб кетган танасини кўтаролмади. Қайтадан йиқилди.

Карим Ризо қўлларини кўтарди. Бақир-чақирлар босилди. У дилдираб турган тутқунга тикилди. Кўпчилик олдида ўзининг раҳмидиллиги ва меҳрибонлигини кўрсатиб қўйишни хоҳлаганди.

- Мана, чирогим, халқ устингдан қандай ҳукм чиқарганини қулогинг билан эшитдинг, - деди тутқунга.

- Дўстларинг сен учун ўзларининг адолатли ажримини чиқарди. Мен бўлсан сени озод қилиш ниятида эдим. Афсуски, ёлғизман, сени ҳимоямга ололмайман.

Меҳмон шу сўзларни айтиб жим қолди. Қосим ёшли қўзларини меҳмонга тикканча тек тураверди. Қорачаён сафдошининг орқа томонига ўтди ва қулогига шивирлади.

- Ҳазратнинг гапини эшитдингми, оёғига йиқил, тавба қил, кечирим сўра. Шундай қилсанг гуноҳингни кечадилар. Яна бирга бўламиз. Хорижий мамлакатларда худди эртаклардаги пошшолардек яшаймиз. Бой-бадавлат бўлиб кетамиз. Даста-даста пул топиш турганда Ватан сенга нима қилиб берарди? Пулинг бўлса, уй-жойли бўласан, шоҳлардек яшайсан. Бойлик ва мол-дунё сен учун ҳам ота-она, ҳам юрг, эй нодон. Дунёда яашдан мақсад пул топиш, бойлик орттириш эмасми? Пул ўз оти билан пул-да! Бундай имконият йигит кишига бир маротаба берилади. Бўла қол, ўйланма, ҳазратнинг оёгини ўп!

Қосимнинг қулоқларига Қорачаённинг сўзлари кирмасди. Қўз олдида туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган она замин жонланганди. Наҳот энди Ватанни кўролмаса? Киндик қони томган тупроқ унга ёт бўлса.

Йўқ, у юртини сотмайди. Нотаниш кимсанинг оёгини ўпид яшагандан кўра бошини баланд кўтариб ўлиб кетгани афзал!

- Мен ўз юртимга хиёнат қилмайман! - ниҳоят тилга кирди Қосим. - Сен айтгандек, бу ерда бойбадавлат яшагандан кўра, юртимда гадо бўлганим афзал!

Ҳафсаласи пир бўлган Қорачаён ўпкасини тўлдирив нафас олди. Уни ўз томонига оғдиролмаслигини тушунди. Қизариб кетган кўзлари яна бир бор ҳазратнинг нигоҳи билан тўқнашди.

Карим Ризо хафсаласизлик билан бош иргади. Бироқ Қорачаённинг юрагидаги умид шами ҳали сўнмаганди. Нима қилиб бўлса ҳам уни кўндириши, ўз йўлига солиши кераклигини ўйларди. Агар Қосим унинг сўзларига кўниб, ҳазратнинг оёғига бош қўйиб тавба тазарру қилса, обрўйи ошиб кетган бўларди. «Ўз юртимга хиёнат қилмайман», деган сўзи юрагига наштардек ботди. Ҳатто меҳмоннинг умиди сўнди. Қорачаён яна тутқуннинг қулоғига шивирлади.

- Сен ифлос яхшиликни билмадинг, ўлимдан олиб қолмоқчи эдим. Энди ўзингдан кўр!

Аlam ва ғазабдан лаблари дириллаётган Қорачаён бир қўли билан Қосимнииг қулоғидан тутиб шундай буради-ки, йигит оғриқдан чинқириб юборди. Унинг ишораси билан икки жангари тутқуннинг устига ташланди. Қосим ўзини ўнглаб олди ва Қорачаённинг кўкрагига тепиб юборди. У зарбани кутмаганди. Ийқилиб тушди. Халқа бўлиб ўраб турган шериклари кулишди.

- Нега томошабиндек қараб турибсизлар, сотқинни уринглар! - қичқирди Қорачаён. Беш-олти жангари кутурган итдай Қосимга ташланди. Бир-бирларига гал бермай дуч келган жойига мушт ёғдиришди.

- Ур!

- Ўлдир!

- Ҳали сен бизга қўл кўтарадиган бўлдингми, итвачча!

- Жон чиқар ерига сол, аblaҳни!
- Қон қустирмасам отамнинг боласи эмасман!

Жангарилардан бири Қосимнинг орқасидан келиб, маҳкам қучоқлаб олди. Қўлларини орқага қайирди ва Қорачаёнга тўғрилади. У шайтонлаган буқадай рақибининг қорнига тепди. Қосим букчайиб, боши айланиб, ерга қулади. Жангарилар яна унга ташлашишди. Қосим ерда юмалаб, чанг-чунгга беланиб ётарди. Тепкилар ва муштлар кўз очиргани қўймасди. Букчайиб, қўллари билан юзини тўсиб олганди. Карим Ризо оёқларини керганча тепкиланиб ётган Қосимга тикилиб туради. Қосим бир оғиз, «тавба қилдим, тақсир, гуноҳимдан ўтинг», деса кифоя, шу заҳотиёқ қўлларини кўтариб, йигитларга «бас қилинглар», деган бўларди. Ва уни калтаклаётган жангарилар азобидан қутқаарди. Бироқ бу сўзни айтиш оёқлар остида тепкиланиб ётган Қосим учун ор эди. “Майли, тишларимни қоқиб олинглар, майли теримни шилинглар, аммо сенларга ялинмайман”, - дея ўйларди тепкилар остида қолиб кетган Қосим. Жангарилар тобора қутуришиб, пишқиришиб, маст тудек бўкиришиб, Қосимни калтаклашарди. Уларнинг товонлари қон бўлди. Қорачаён ўзининг нималарга қодир эканлигини хўжайнинг курсатиб қўйиш мавриди келганини тушуниб етганди. Карим Ризо қўлига бежиз ханжар тутқазмаганлитини эслади. Телбалардек, йигитларнинг орасини ёриб ўтди-да, шерикларига деди:

- Бўлди, бас қилинглар! Бу ёғини менга қўйиб беринглар. Энди у билан ўзим ҳисоб-китоб қиласман! Бунақа дўппослашларингда ўлдириб қўясизлар. Уни азоб-уқубатлар қийноғига солишимиз керак-ку!

Жангарилар «бунга қандай чора кўраркин», деган ўйда бирин-кетин ортга тисарилишди. Қорачаён чала жон бўлиб, тупроқ билан битта бўлиб ётган Қосимнинг бўйнидан тутди. У бўш қопга үхшарди. Оёқда туролмасди. Икки жангари Қорачаённинг ишораси билан унинг қўлтиғидан тутиб турғазди. Тутқун

зўрга кўзларини очди. Бутун кучини тўплаб, оғзидағи қонни Қорачаённинг башарасига тупуриб юборди. Жангарилар қийқириб юборишиди. Шарманда бўлган Қорачаён қутуриб кетди ва ханжарни қўлига олди. Бир қули билан тутқуннинг бурнидан ушлади-да, пичоқни тортиб юборди. Иссиқ қон атрофга сочилди. Жангарилар олдиларига тушган бурунни кўриб қийқириб юборишиди.

- Мана сенга ит, энди бу ердан қочиб кетолмайсан! - дея дағдага қилди Қорачаён. - Ҳали сен бизни ташлаб кетмоқчимидинг? Үзингни қаҳрамон қилмоқчимидинг? Ҳа, бу ҳали сенга ҳолва. Шундай додингни берайки, онангнинг қорнидан тушганингга минг карра пушаймон ейсан! Ҳой, Карим, Петя қаердасанлар? - Худди чўғни босиб олган одамдек типирчилаб турган Қорачаён атроф-теваракка қараб бўкиради. - Бу ёққа келсаларинг-чи. Мана бу абраҳ, сотқинни тутинглар, тағин ўрнидан туриб бизга ҳамла қилмасин! Сувонқул, Содик, сенлар курак билан киркани топиб чуқур қазинглар. Бизни сотмоқчи бўлган бу даюсни тириклай кўмамиш.

Қорачаённинг қўлидаги пичоқ учидан қон томарди. Карим Ризо чодир томон юрди. Лагерь бошлиғи ҳазратнинг ортидан эргашди. У йигитлар ўртасидаги воқеани кўриб, ич-ичидан хурсанд бўлганди. Бир миллат, бир элнинг болалари бир-бирларини худди ўрмонда оч қолган қашқирдек қийнаб, азоблаши унинг юрагига шодлик ва қувонч ҳиссини солганди. У ичкарига киргач Сайд Мустафога юзланди.

- Йигитинг чакки эмас. Меҳнатинг зое кетмабди, бутам, - дея мақтаб қўйди. - Шуро ҳукуматининг тарбиясини олган бу болаларни шу қадар ёвуз бўлиб кетишини хаёлимга келтирмагандим.

- Ҳаммаси тарбиямизнинг самарасида, устоз! - деди лагерь бошлиғи мамнун бўлиб. - Тарбия ҳар қандай жамиятда яшаган одамнинг онгини, дунё-қарашини ўзgartириб ташлашига гувоҳ бўлдим. Одамлар бўридан, йиртқичлардан қўрқишиади. Аслида

одамзоддан ваҳший жонзот йўқ, ҳазратим!

Карим Ризо бу ердаги воқеани суратга тушира бошлади.

Қорачаённинг буйруги билан жангарилар акл-хушидан бегона бўлган Қосимни тириклий ура изора кўмиб юборишиди.

ҚИСМАТ

№

55644

Карим Ризо ўттизинчи йилларда шуро ҳукуматининг таъқибига учраб, араб давлатларининг биридан паноҳ топган, шу мамлакатнинг фуқароси бўлиш учун бутун умр ҳаракат қилган Аҳмад Сайд исмли муҳожирнинг оиласида дунёга келган яккаю-ягона фарзанд эди. Унинг болалиги шу юртнинг пойтахтидан унча узоқ бўлмаган шаҳарда ўтди. Карим Ризо оила аъзолари олдида ўз тилида сұхбатлашса-да, падарининг қистови билан чет тилини ўзлаштириди. Келгиндиларнинг болаларига ҳам «муҳожир» деган тамға босилган ҳужжат бериларди. Ўзининг келгиндилигини ҳеч қачон ёддан чиқармаган Аҳмад Сайд кексайгандан ўзга юртлардан паноҳ излаш пайига тушди. Фарзандининг «келгинди», деган тамға остида яшашини истамади. Таниш-билишларининг кўмаги билан бир амаллаб Германия федератив республикасига кўчиб кетишиди. Ҳаммаси шу ердан бошланди. Эндиғина ўн беш, ўн олти ёшга тўлган ўғли бу ердаги ҳамюртларининг эътиборидан четда қолмади. Аҳмад Сайд ўзини туркистонлик деб таништирган Сатим Товоний жаноблари билан дўст тутинди. Товонийни бу хонадонга боғлаган нарса дўстининг ёшгина ўғилчаси эди. Қўринишидан ўта мулойим ва ширин сўз бўлган бу жаноб ёш Карим Ризони ўз чигиригидан ўтказиш, жосусликка тайёрлаш мақсадида хонадонга тез-тез ташриф буюарди. Йигитчанинг тиришқоклиги ва қўп нарсаларга қизиқувчанлиги, ўзгаларнинг фибриниб оғизига интилиши, оз гапириб, қўп тингланни айрокчанинг эъти-

борини тортганди. Уларнинг суҳбати шу қадар узок давом этардики, баъзида тонг ёришиб қолганини сезмай қолишарди. Суҳбат мавзуси охир-оқибат, албатта, Ўрта Осиёдаги давлатларни босиб олиш ва уларга эгалик қилиш масаласига бориб тақаларди.

- Мамлакатда бизни қўллаб-қувватлайдиган ҳамда Туркистон үлкасини қайта тиклайдиган тарафдорларимиз анчагина, - дерди уни гапга солаётган меҳмон. - Бироқ шуро улар онгини заҳарлаган. Одамларнинг, ҳатто болаларнинг миясига сотқин, Ватан хоини, деган фикрни кўрғошиндек қуийб қўйган. Биз Ватандошларга ўзимизнинг кимлигимизни, мақсадимизни етказмоғимиз, уларнинг онгидаги тушунчаларни йўқотмоғимиз лозим, бутам! Бунинг учун гоявий кураш олиб бормоғимиз даркор!

Сиёсий кураш ва мафкураларни унчалик тушуниб етмайдиган Карим Ризонинг қалбида астасекин Туркистон үлкасига бўлган соғинч ва бу ерда яшаётган халқнинг онгини ўзгартириш ҳис-туйғулари куртак ота бошлади.

- Шуро империясининг тугашига оз кунлар қолди. Тарафдорларимиз у ерда инқилоб қилишга тайёр гарлик кўришмоқда. Одамларимиз кечаю-кундуз ишлашмоқда, - дерди Сатим Товоний ишонч билан. - Иншооллоҳ, биз ҳам ўз юртимизга қайтурмиз. Янги давлатни ташкил этиб, янги инсониятни камолга етказурмиз. Коммунистлар бизни юртдан бадарга қилган бўлсалар, энди биз уларни қувамииз!

Бундай пайтларда Сатим Товоний яйраб, берилиб сўзлардики, худди ниятлари эртага руёбга чиқадигандек. Карим Ризонинг юрагида жаннатдек ҳур ўлканинг ерости ва устки бойликларига эгалик қилиш истаги жўш уриб кетарди. Сатим Товоний йигиттга Ватанини танитиш билан бирга унинг қалбида шу юртга нисбатан фаразгўйлик дарвозасини ҳам очиб берди.

- Биз етолмаган, юрагимизда армонга айланиб қолган Ватан дийдорини кўриш энди сизларга насиб

этса, ажаб эмас. Бунинг учун ҳозирданоқ курашиш керак. Дунёниг ҳар тарафига тўзиб кетган юртдошлар бирикмоғи даркор.

Бундай пайтларда Карим Ризо ҳам жим туролмасди. Қаршисида кўз ёш тўкаётган мўйсафииднинг ҳолига ачиниб кетарди.

- Ота, менга йўл-йўриқ кўрсатинг, қандай қилиб юртни коммунистлардан тортиб олишим керак? Саргардон юрган ватандошларимни қандай қилсан бир жойга тўплайман?

Сатим Товоний мақсадини йигитнинг онгига етказганидан қувониб кетарди. Томирларидағи қон жунбушга келган бу йигитнинг пешонасини силарди.

- Баракалло бўтам, сиздан ҳақиқий ватанпарварчиқади. Бунинг учун аввало миллатлар ўртасига раҳна солмоқ, уларни бир-бирига гиж-гижлаб уриштирумоқ, шу йўл билан уруш оловини ёқмоқ даркор!

- Куруқ гап билан ҳеч нарса битмайди, - сўзида давом этарди Карим Ризо тажанг бўлиб. - Амалий ишга ўтиш керак. Курашни бугундан бошламасак эртага кеч бўлади.

Таклифлар Карим Ризонинг ўзидан чиқаётганилиги Сатим Товоний учун айни муддао эди. Бироқ у йигитни қитиқлашда давом этарди.

- Менинг ёшими ўтиб қолди, бўтам. Қани энди сиздек навқирон бўлсан, бир ўзим ҳаммасига улгураддим.

Бир ойлік текширувдан сўнг Товоний уни мамлакатнинг гарбида жойлашган НТС (народний трудовой союз) ташкилотига етаклаб келди. Уруш йиллари немис аскарлари томонига ўтиб кетган хоинлар бу ерда мамлакатни парчалаш, миллатлар ўртасида ички низоларни келтириб чиқариш учун варакалар тайёрлаш билан машғул эдилар. Улар никоб остида саёҳат уюширишар ва у ерда ўз одамлари билан учрашиб, олиб ўтган варакаларни тарқатишарди. Ҳатто Карим Ризо икки бор Ўрта Осиё республика-

ларига бориб келди. Үзи билан олиб ўтган варақаларни ишончли одамларга топширди. Изидан кузатиб юрганлар бу ерда үзини қандай тутишини назорат қилаётган жосуслар эканлигидан у мутлақо хабарсиз эди. Шундай қилиб Карим ташкилотнинг ишончини қозонди.

Саксонинчи йиллар арафасида Шўро ҳукумати ўз қўшинларини Афғонистонга олиб киргач, Карим Ризо етти ой маҳсус лагерда тайёргарликдан ўтди. Жосуслик, қўпорувчилик илмидан сабоқ олди. Сўнгра уни Афғонистонга жўнатишди. Бу ерда асирга тушган шўро аскарлари билан ишлаш тўғрисида буйруқ олди. У Афғонистонга келиб, үзига топширилган вазифани бажаришга шўнгигб кетди. Бироқ, асири тушган йигитлар озчиликни ташкил қиласарди ва уларнинг қўпчилиги үзи ўйлаганидек, Ўрта Осиё миллатларига мансуб эмасди. Ташкилот Афғонистондаги асиirlарни маҳсус тайёргарликдан ўтказиш учун ишончли йўриқчилар топишни ҳам Карим Ризонинг ихтиёрига бериб қўйганди. Мамлакатнинг турли бурчакларидан олиб келинган эллик нафар асирини Қандаҳордаги маҳсус лагерга тўплашди. Карим Ризо тутқунлар билан ишлашни, уларни жосусликка, қўпорувчиликка тайёрлашни Сайд Равшанга топширди. У Туркияда истиқомат қилувчи муҳожир жосуснинг фарзанди эди. Асиirlар билан ишлаш оғир эди. Йигитлар жосуслик йўлини танлашдан очикдан-очиқ бош тортишди. Шунда Сайд Равшан қўлига қонли пичоқни олди. Устозининг “мени одам сони эмас, садоқати кизиқтиради”, деган сўзига амал қилди. Ватанинни соғинган, қочишни хаёл қилган кимсаларни аёвсиз жазолади. Уларни осонлик билан ўлдирмади. Юқорининг кўрсатмасига асоссан, тириклай терисини шилиб олар, устига қиздирилган ёғ сочар, ёнаётган алангага ташлаб куйдиради. Бурун, қулоғи ва тилларини кесиб азоблашарди. Бундай қийноқлар йигитларнинг юрагида қўрқув ҳиссини уйфота бошлади. Олти ой ичидаги ўттиз нафар йигит

қолди.

Кутилмаганды ташкилот ўз жосусини жанубга - Жалолобод вилоятига жүнатди. Бу ерда дала-даштарни сугориш, экин майдонларини кенгайтириш, касалхона, мактаб, тураг-жой биноларини кураётган совет одамларига қарши маңаллий халкни гижгижлаш билан шуғулланди. Унинг одамлари янги қуриб битказилган биноларни портлатиб ташлашарди. Сув йўлларини издан чиқаришарди. Мактабларни, касалхоналарни ёқиб ташлашарди. Қайсиdir жиҳатдан улар ўз мақсадларига эришдилар. Орадан кўп утмай Карим Ризонинг одамлари бомба остида қолиб, ҳалок бўлишди. Тасодиф туфайли ўзи омон қолди. Шундан сўнг ташкилот уни Қандаҳор вилоятининг жанубидаги “қора араблар” номи билан машҳур бўлган жангарилар ичига ташлади. Гуруҳга таниқли террорчилар раҳбарлик қиласди. Улар итоат қилган одамлардан пулни аямасди. Юрагида бойликка, молдунёга ҳаваси кучли бўлган ҳар бир жангари «жиҳод», деб аталмиш «муқаддас» урушга киришни ўзи учун бахт ҳисобларди. Улар ҳеч нарсадан тап тортмасдилар. Ҳаётда ўлим деган хатар борлигини ўйламасдилар ҳам. Одам ўлдириш оддий бир қўғирчоқнинг бўйини узишдек гап эди. Оломон тўпланиб турган жойларга бориб, ўзлари и портлатиб ташлашарди. Булар одамхўрлар галаси эди. Бироқ нотаниш кимсалар орасида жанг қилиш Карим Ризо учун хатарли эди. У ўққа учиб, ўлиги дала-дашtlар-да қолиб кетишидан каттиқ қўркарди. Бу ерга кел-ганидан минг бора пушаймон бўлди.

Кутилмаганды уни Франциянинг Ош шаҳрига чақириб қолишли. Шундагина Карим Ризо енгил нафас олди. Ҳаёт унга умр деб аталмиш бахтни қайта ато этганлигидан миннатдор бўлди. Аэропортда эски таниши Жон Дик кутиб олди. Жосусни ўзининг қароргоҳига олиб кетди. Жон Карим Ризони нима мақсадда бу ерга таклиф килганини айтишга шошилмади. Гарчи уни Афғонистонда қандай ишлар қилган-

лигини билсада, сўраб-суриштириди. У ёлгон сўзла-  
мади...

- Сизнинг ишларингиздан хурсандмиз, жаноб. Биз  
кутгандан ҳам аъло даражада ишладингиз. Раҳба-  
риятнинг миннатдорчилигини сизга етказиш мен учун  
бахт!

Икки калима олқишдан Карим Ризонинг юзига  
табассум ёйилди. Жон ҳамёнидан қоғоз олиб, унга  
узатди.

- Сизга ваъда қилинган вилланинг ҳужжатлари!  
Хоҳлаган пайтингизда Австрияning Зальцбург шаҳ-  
ридаги бу кошонада оиласиз билан яшашингиз мум-  
кин. - Карим Ризо сабрсизлик қилди, бошлигининг  
қўлидаги қоғозга қўл чўзганини ўзи ҳам сезмай  
қолди. Жон иккинчи қоғозни олар экан, агентнинг  
шошқалоқлигидан кулиб қўйди. - Бу эса номингизга  
үтказилган ўн миллион доллар маблағнинг чеки. Бу  
ҳам Австрия банкларида сизни кутиб турибди.  
Хоҳлаган пайтингизда эҳтиёжингиз учун ишлати-  
шингиз мумкин.

Карим Ризо ҳапқираётган юрагини босишга, кўк-  
сига сифмаётган қувончини яширишга қанчалик  
уринмасин, барибир бунинг уддасидан чиқолмади.  
Ўрнидан турди. Қулларини кўксига босиб, Жонга  
таъзим қилди. Беш йилдан бери кутаётган орзусига  
ниҳоят етди-ку! Оҳ, бу бойликларни қўлга кирит-  
гунча қанчадан-қанча заҳматларни, азобу уқубат-  
ларни бошидан кечирмади. Ҳаёт ва ажалнинг  
пичоқнинг дамидек хатарли йўлларини босиб ўтди.

- Бу ҳаммаси эмас, - деди Жон уни умидвор қи-  
лиш мақсадида. У Карим Ризони мол-дунёга ўчили-  
гини биларди. Илк бор вилла ва ўн миллион доллар  
ваъда қилингандаёқ шошиб қолганди. Йўлида учра-  
ган ҳар қандай тўсиқни янчиб ўтганди. Қанчадан-  
қанча йўлига тўғаноқ бўлган одамларни қириб  
ташлади. Жоннинг раҳбарлари Карим Ризо томо-  
нидан қийнаб ўлдирилган одамларнинг тасвирга  
олинган тасмасини кўрганда даҳшатли фильмларда

ҳам бунақа “томуша”ни кўришмаганини айтишганди. Бойлик Карим Ризонинг иштаҳасини очгани уларга аён эди. Жон:

- Раҳбариятнинг сизга арзимас топшириғи бор. Бу ишнинг уддасидан чиқкан қунингиз йигирма миллион доллар эгаси бўласиз! - деб юрагига фулгула солиб қўйди.

- Қандай топшириқ экан? - шошқалоқлик билан сўради Карим Ризо бошлигининг юзига тикилиб.

- Афғонистонда янги лагерлар очмоқчимиз, - деди шошилмасдан. - Бу лагерда фақат шўро давлатининг асирга тушган аскарлари қайта жанговар тайёргарликдан ўтади.

- Тушунмадим...

Жон қадаҳга виски қуйиб симириди..

- Ўзингизга маълумки, кўплаб совет аскарлари жангарилар қўлида асир сакланмоқда. Улар оз бўлсада, биз учун катта куч. Одамларимиз тутқунларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, уларни ўрганди. Аскарлар Ватанга қайтишдан бош тортишмокда. Биз уларни ўз мақсадимиз йўлида ишлатишни ният қилдик.

- Бу ерда ҳам иккинчи ўчоқ пайдо бўлар эканда, - кулиб қўйди Карим Ризо.

- Мени тушунганингиздан миннатдорман, жаноб.

- Ишончингиз учун раҳмат, Жон. Бироқ шўро аскарлари ўта қайсар, шу билан бирга ишонувчан бўлишади. Биз уларни ўз томонимизга оғдира олар-миканмиз?

- Бундан ташвиш чекманг, жаноб. Биз сизнинг ҳузурингизга бошқа мамлакатлардан ўта ишончли, қаттиққўл йўриқчиларни жўнатамиз. Улар сизга ёрдам беришади. Сизнинг вазифангиз уларни назорат қилиш, керакли маълумотларни бизга жўнатиб туриш. Шуни унутмангки, шўро давлати ўз одамларининг онгига бизга қарши заҳарли ғояларни сингдириб ташлаган. Биринчи галда уларнинг миясини тозалаш лозим! Бизга одамнинг сони керак эмас. Мени тушундингизми?

- Тушундим жаноб! Мени кечириңг, бир саволим бор?

- Сұранг!

- Лагерда нималарга эътибор беришим керак?

- Бу соҳада сизга ўргатолмайман, Карим жаноблари, - аҳмоқона саволдан Жоннинг лабларига масхараомуз табассум юргурганди. - Биз билан йигирма йил алоқада бўлган одамсиз. Тажрибангиз олдида мен лолман. НТС ташкилотида олган сабоқларингиз мана энди қўл келади.

- Хотиржам бўлинг, жаноб, қўлимдан келган барча ишни қиласман, ахир иккимизнинг мақсадларимиз муштарак-ку! Афсуски, бизнинг йигирма йилдан бери олиб бораётган барча ҳаракатларимиз натижа бермаяпти! - қизишиб кетган агент яна қовун туширганини сезди. Аммо Жон бунга аҳамият бермади.

- Гапингизга қўшиласман, бироқ меҳнатимиз самарасиз кетмаяпти. Бу борада маълум ютуқларга ҳам эришдик. Давлат раҳбарлари орасига ўзимизнинг ишончли ва содик одамларимизни киритдик. Партия-нинг обрўсини тўқадиган одамлар сони кўпайди. Ҳукумат ўз аскарларини Афғонистонга киритишига қаршилик кўрсатмадик. Билардикки, бу уруш сиёсат оламида советларнинг шармандасини чиқаради, давлатнинг иқтисодий ривожига путур етказарди. Уруш уларга етти миллиард доллар зиён келтириди. Иқтисод ўтириб қолди. Ишсизлар, ёрдамга муҳтоҷ кишилар сони қирқ фоизга ортди. Давлат раҳбарлари уларни ижтимоий ҳимоя қилишга ожиз бўлиб қолди. Оқибатда, мамлакатнинг 40 фоиз аҳолиси норози бўла бошлади. Булар бизнинг ғалабамиз эмасми, жаноб Карим Ризо? Болтиқбўйи ва Кавказорти республикаларида миллий низоларни келтириб чиқаришга эришдик. Ўрта Осиё республикаларида давлатга қарши норозилик алансасини ёқиш мавриди келди. Сиз тайёрлайдиган йигитлар ана шу алангага мой сепишлиари лозим. Юраги Ватан ишқида ёнган сиздек дўстларимиз она юртларини коммунистлардан

тортиб оладиган кун келди. Худо хоҳласа, сиз ўз мамлакатингизга эгалик қиласиз!

Карим Ризо ҳамсуҳбатининг муддаосини тушунди.

- Мен қачондан ишни бошлишим керак, жаноб Жон?

Жон вискини қўлига олди.

- Ташкилотимиз томонидан сизга тухфа қилинган виллани кўриб, у ерда икки-уч ҳафта дам олинг. Зарур бўлганингизда одамларимиз сизга хабар қилишади.

Ўша куни Карим Ризо Австрияга учди. Венадан машинага ўтириб, Зальцбургга йўл олди. Пойтахтдан икки соатлик масофа олисда бўлган, табиати гўзал ва иқлими мўътадил бўлган бу қадимий шаҳарнинг кўркамлиги Карим Ризони ҳайратга солди. У ўзининг янги вилласида атиги уч кун дам олди. Жоннинг одамлари ярим тунда келиб, Карим Ризонинг қўлига самолёт чиптасини тутқазишиди.

- Зудлик билан Покистонга боришингиз керак! - дейишди улар. - Сиз учун маҳсус топширик бор!

Эрталабки рейс билан у Каракига учеб кетди. Кетиш олдидан ўзининг ҳашаматли саройига сук билан тикилди. Унинг юрагида оила аъзоларини кўчириб келиш ва шу ерда тинчгина яшаш истаги уйғонганди. Бироқ бу бино уч ой аввал ташкилотнинг Замбияда отиб ташланган ходимига қарашли эканлигидан ҳали бехабар эди.

Карим Ризо аэропорт ичига кириб келиши билан оқ икки йигит унинг ёнига келди. Ўзларини таништиришмади ҳам. Ортимиздан юринг, дея буйруқ беришди холос. Карим Ризо уларга эргашди. Нотаниш кимсалар жосусни енгил машинага ўтқазишиди ва шаҳар четига олиб кетишиди. Карим Ризонинг юраги қўрқувдан увишиб кетди. Булар ким? Нега ўзларини танитишмади? Мени қаёққа олиб кетишмоқда, деган саволлар хаёлига келди. У қўлини чўнтаига солиб, ўн минг доллар ёзилган чекни маҳкам ушлаб борарди. Ўлдиришмоқчи бўлишса,

чекни инъом қилиб қутулиб қоламан, деб уйларди. Улар жим кетиши, ҳатто бир-бирлари билан гаплашишмади ҳам. Лоақал, ўзаро сұхбатлашишганда мақсадини, қаёққа кетишаёттеганинги билиш мүмкін зди.

Машина шаҳардан чиқиб, адир ичига кириб кетди. Паст-баланд тепалар күзга ташланды. Кош қорайиб қолғанды. Ястаниб ётган бепоён бүшлиқ унинг юрагига баттар ваҳима солди. Машина йигирма чақиримча ичкарига кириб боргач, йўлнинг уртасига чиқиб олган олти нафар қуролли одамлар йўлга кўндаланг туриб олишди. Ҳайдовчи тормозни босди. Улар автоматларини йўловчиларга тўғрилашди. Буни ҳеч ким кутмаганди. Карим Ризонинг юрагини яна ваҳима босди.

- Пастга туш ҳамманг! - буюрди қуролли одамлардан бири машина эшигини очиб. Учалалари пастга тушишди. Қароқчилар Карим Ризонинг қўлидан тортиб туширишди. Нотаниш йигитларнинг чўнта克拉рини тинтиб чиқиши. Ҳеч нарса топишолмагач, Карим Ризони тинтишга киришдилар. Чекни олишиб, бараварига қийқириб юбориши.

- Ўн минг!

Қароқчилар чекни ушлаб турган шеригини ўраб олишди. Улар ўн минглик қофозни кўришга шошилишарди. Бор-будидан айрилган Карим Ризо додлаб юборишига оз қолди. Ёнидаги йигитларни қароқчиларнинг шериги, деб хаёл қилди. Титраб-қақшаб йиғлаб юборди. Босқинчилар унинг додига қулоқ солишишмади. Чекни бири олиб, иккинчиси томоша қилишарди. Улар чекка маҳлиё бўлиб, йўловчиларни унутишганди. Бирдан бошини қўллари орасига олиб йиғлаётган Карим Ризонинг қулоғига қарсиллаган, инграган, оҳ урган товушлар чалинди. У шошиб бошини кўтарди. Бояги жангарилар ерда чўзилиб ётишарди. Йигитлардан бири Карим Ризонинг тепасига келди.

- Жаноб, бу чек сизга қарашлимиди?

Карим Ризо ўрнидан иргиб турди ва чекни олиб, йигитта миннатдорчилик билдириди.

Улар йўлда давом этишди. Жосус ўзини енгил ҳис этар, бояги кўркув ва ҳадиксирашдан асар ҳам қолмаганди. Тинимсиз халоскорларига ташаккур билдиради. Машина чодир олдига келиб тўхтади. Атроф қоронгу эди. Тиккага келган ой сурма ранг ёғдусини сочиб, борлиқни ёритиб турарди. Ичкаридан чиқиб келган соқолли одам меҳмонларни хонага таклиф қилди. Шифтга ўрнатилган фонар ичкарини ёритиб турарди. Хонада беш нафар нотаниш кимсалар давра қуриб, бир-бирлари билан сухбатлашиб ўтиришарди. Улар Карим Ризони ўринларидан туриб, кутиб олишди. Афтидан уни кутиб олган кимса етарли маълумотга эга бўлса керак, ундан ҳеч нарса сўраб ўтирмай, шерикларига таништириди:

- Садоқатли дўстларимиздан Карим Ризо ҳазратлари бугундан бошлаб сизларга раҳбарлик қиласизлар, - деди у қисқа қилиб. Ўтирганлар ўринларидан туриб, янги бошлиқларига таъзим қилишди. У бир вақтлар етти ойлик лагерда олган сабоқларини эслади. Нимадир дейиш ва уни таништирган нотаниш кимса олдида ўзини кўрсатиш кераклигини ҳис этди.

- Бизга битта бўлса ҳам қўлидан иш келадиган одам тайёрланг. Қочишга уринганларни, хоинларни, тескари ташвиқот юритганларни аяб ўтирманг. Интизом биринчи масала. Жазо эса битта – азоблаб ўлдириш.

Карим Ризо Сайд Мустафо билан шу ерда танишди. У болалигидан жосусликка ўргатилганди. Одам танлашда Карим Ризо хатоликка йўл қўймаган экан. Сайд Мустафо ҳақиқатан ҳам ўзини кўрсатди. Дастрлаб, қўлига йигирма саккиз нафар йигит топширилганди. Улардан ўн бештаси ҳақиқий жосус бўлиб этишди. Ҳар бири осмондаги юлдузни бенарвон узиб тушишга тайёр йигитлар. Бу эса унинг ёмон ишламаганлигини, энг ишончли ва садоқатли йигитларни

олиб қолганлигини билдиради. Ёнидаги ўриндиқда келаётган Қорачаён эса ана шу йигитларнинг энг сараси. Буни ўз шеригини ўлдиришдан аввал унга айтган гапларидан ҳам билиб олди. Карим Ризо қўз қирини шеригига ташлаб қўйди. Машина чироклари ёритиб бораётган қоронғу зулмат ичра тикилиб, ўйга толган Қорачаённинг хаёlinи бузгиси келмади.

Қорачаён айни пайтда ўзи туғилиб ўсган, вояга етган қишлоғи тўғрисида ўй сурарди. Асирга тушмаганда Зулайҳо билан тўйлари ҳам бўлармиди? Қиз ўз севгилисисининг асирга тушганлигини, жосусликка ўргатилаётганлигини билармикин? Балки қора хат борган бўлса, бошқа йигитта турмушга чиқиб кетгандир? Ота-онасичи? Улар фарзандларининг тирик ёки ўлигини билмай юришгандир. Онаси уни қанчалик суярди. Еру кўкка ишонмай катта қилганди. Юрак-бағри эзилиб, ётиб қолмадимикин? Отаси эса негадир боласига беэътибор эди. Суюб эркаламасди. Байрамларда бошқа болаларнинг отаси каби совғасаломлар олиб бермасди. Шаҳарларга ўйнатиб бормасди. Уни аллақачон унутиб юборган бўлиши керак. Ўзининг тириклиги ҳақида бирор одам орқали хабар бериш керакмикин? Бу хабар онасининг қулогига етса, юпаниб, овуниб қолармиди? Карим Ризо билан Сайд Мустафо айтган кунлар келса, ўзи уларнинг олдига борар. «Мен тирик эдим она, мана ёнингизга қайтдим. Сизни қанчалик соғинган бўлсан-да, ўзимнинг қаерда ва нима ишлар қилаётганлигимни айтишга ҳаққим йўқ эди», - дейди...

## ҚОРАЧАЁННИНГ ЎТМИШИ

Санжар душман жойлашган қишлоқни аниқлаб келиш учун йўлга отланган гуруҳ ичига қўшилиб қолди. Олинган маълумотда бу қишлоқда юзга яқин жангарилар одамларни талаб, уйларини ёқиб юбораётганлиги айтилганди. Командири капитан Богатирев бошлиқ ротага қандай қилиб бўлсада, шу қишлоқда

ўрнашиб олган жангарилар сонини аниқлаш ва уларнинг яаш жойларини белгилаб келиш вазифасини топширганди. Ярим тунда қишлоққа етиб келган разведкачилар кутилмаганда душман томонидан қўйилган пистирмага рўпара келишиди. Отишма бошланди. Ортга хабар беришнинг иложи йўқ эди. Учакишгандек рация ишламади. Тузатишга фурсат йўқ эди. Душманлар ҳар томондан разведкачиларни ўраб олиши ва аёвсиз ўққа тутишарди. Санжарнинг бундай жангга биринчи кириши эди. У қўрқиб кетди. Каттагина тошнинг орқасига утиб, автоматини бағрига босиб ётаверди. У душман томонга бирор маротаба қуролидан ўқ узмади. Унинг учун муҳими душманий йўқ қилиш эмас, тезроқ қочиш, гор ичига беркиниб, шу ерда жон сақлаш эди. Аскарлар Богатиревнинг буйруғи билан ортга чекинишга мажбур булишиди. Уларни душман ўқидан тогнинг тошлари ўз ҳимоясига олиши мумкин эди. Жангчилар изма-из қувиб келаётган жангариларни нишонга олиб, қийратиб, тутдек тўкиб ташлашиди. Барibir улар кўп эди. Гўё ер остидан бодраб чиққаётган қўзиқориндек кўпайишиб, ҳамла қилишарди. Ўқлари тугаб қолган аскарлар ночор аҳволга тушиб қолишиди. Санжарнинг автоматидан ҳамон бирорта ўқ узилмаганди. Ёнида эса тўртта магазин тўла ўқ турарди. Зайниддин ярадор командирини ҳимоя қилиш мақсадида ўқларини отиб, адо қилганди. У қандай қилиб бўлса-да, яраланган командирини панарок жойга олиб ўтишга ҳаракат қилди. Бунинг учун кимдир ўқ отиб, душмани чалғитиб туриши лозим эди. Бироқ шерикларининг ҳам ўқлари тугаб қолганди. Шундоқ ёнида, тошлар ортида беркиниб ётган Санжарга кўзи тушди.

- Битта магазинни ташла, - сўради Зайниддин. - Ўкларим тугади!

Аммо Санжар унга ўқ беришни хаёлига келтирмади. Қаршисида қорайиб турган горга яқин келиб қолганлигини кўрди. У ўрнидан турди-да, қийин

аҳволда қолган шерикларини ташлаб, эмаклаганча горга кириб кетди ва қўлидаги қуролни маҳкам чангаллаганча ўқ овозларининг тинишини кутиб, узок вақт ўтириш хатарли туюлди. Санжар қўрқа-писа ташқарига чиқди. Оёғи остида башараси мажақланиб кетган икки шеригини кўрди. Уларнинг бири командири Богатирев эди. Иккинчисини танимади. Санжар пастлик томон тушиб келар экан, икки жангарини орқа ўгириб турганини кўриб қолди. Улар наша чекиб ўтиришарди. Отишга шайланди. Шарақлаган овоздан жангарилар шошиб ортга ўгирилишди. Қурол кўтариб турган Санжарни кўриб, кайфлари тарқаб, қўрқувдан титраб кетишли. Улардан бири тезда ўзини қўлга олди.

- Шўрави, эрабиё, биродар! - жангари қўли билан имлади.

Санжар жангарилар тўдасига тушиб қолдим, деб қўрқиб кетганди. Уларнинг мулоим сўзлари увишиб колган юрагига куч бағишилагандек эди. Автоматини елкасига илиб, уларга яқин келди. Жангарилар бир-бирларига қарашди ва чаққонлик билан аскарнинг устига ташланишли. Қўлларини орқага қайриб, чилвир билан боғлашди. Санжар асир тушганлигини сезди. Жангарилар уни гоҳ тепиб, гоҳ сўкиб, ўз қароргоҳларига олиб кетишли. Асир жангарилар бошлигини қийнамади. Саволларига тўғри жавоб қайтарди. Уларга қарши ўқ отмаганини ёнидаги ва автоматдаги ўқлар билан исботлади. Қариялардан эшитган «одам ўлдириш гуноҳ» деган сўзни қайта-қайта такрорлади. У ўз қисмиинг қаерга жойлашганини, қисмда қанча аскар борлигини, ўқдориларнинг миқдорини яшириб ўтирмади. Шундан сўнг жангарилар унга ишонишли ва ўзлари билан бирга олиб қолишли.

Кунларнинг бирида уни кекса бир одам йўқлаб келди. Санжар билан узок сухбатлашди. Қайси қишлоқда туғилганлигини, ота-боболарининг номини

сүради. Уйи, кишлоқ күчаларини бир эмас, ўн маротаба чизиб кўрсатди. Ҳамқишлоқларининг исмишарифини ёзиб берди. Бу қоғозлар қайта-қайта текширилиб, таққосланиб ўрганилди.

Санжар жангарила орасида етти ой юрди. Қорлар эриб, баҳор келди. Кейин уни Жалолободда янги ташкил этилган лагерга олиб кетишиди. Бу ерда ўзига ўхшаган собиқ жангчилар орасида яшади. Ҳар қандай тубанликларни қилишдан жирканмади. Сайд Мустафога ўзини яхши кўрсатиш учун дўстларининг сирини билиб, сотди. Лагердаги ҳаёт ва тарбия уни тош қалбли инсонга айлантириди. Ўз дўстларининг терисини тириклай шилди. Мана шу хислатлари туфайли у ўликлар сафига қўшилмай, жони омон қолди. Қорачаён деган ном олди. Карим Ризонинг эътиборини тортди. Дарвоҷе, бу одам уни қаёқقا ва нима мақсадда олиб кетмоқда? Дўстларидан ажратиб олишнинг сабаби нимада? Уни кимларнинг даврасига ташламоқчи? Бу саволлар ҳозирча сир эди. Улар кечга яқин манзилга етиб келишиди. Дарвозани йигирма ёшлардаги қиз очди. У Карим Ризонинг ягона фарзанди эди. Эгнига спортчиларнинг костюм ва шимини кийиб, ихчамгина бўлиб олган кўхликкина бу қиз машинада ўтирган Қорачаённинг эътиборини ўзига жалб этди. Мусулмон мамлакатида соchlари қиркилган, эркакча кийиниб олган бундай ҳурилиқони учратаман, деб сира ўйламаганди. Ташқари қоронғу бўлганлиги боис қиз машина ичидаги ўтирган йигитни кўрмади. Карим Ризо қизи билан кўришиб, кейин ортига ўгирилди.

- Етиб келдик, - деди у ва Қорачаённи қандай ном билан чақиришни билмай, бир зум ўйланиб турди. Қизининг олдида йигитнинг лақабини ошкор қилиш мумкин эмаслигини у яхши биларди.

Қорачаён пастга тушди. У ҳовлига, сўнг қаршисида турган қалам қош қизга қаради. Ҳовли озода ва саришта эди.

- Бу менинг қизим - Шабнам, - деди Карим Ризо

қизи билан Қорачаённи таништириш мақсадида. Қиз жилмайиб, йигитга құл құзды.

Шабнам меҳмон учун жой тайёрлаш мақсадида ичкарига кириб кетди. Қорачаён унинг ортидан қараб турди. Уч йилдан бери аёл зотини күрмаганлиги сабабли юрагининг бир четида унутилаётган әркак-лик ҳисси үйғонганди.

## ЛАГЕРДА

Томирларида хайрул умрнинг сұнгги қони оқаётган, калтаклар зарбидан әзилиб, ақли-щушидан айрилган Игорь ниҳоят күзларини очди. Оғирлашиб қолған бошини күтариб, тепага қаради. Күм-күк осмон бағрида қанот қоқиб юрган бир жуфттарынан күшга назари тушди. Қулоқларига атроф-теваракда бақириб-чакириб юрган йигитларнинг овози чалинди. Игорь ана шу овозлар орасидан үз дүстининг товушини ажратиб олди. Улар Қосимни тириклай күмиш тұғрисида маслағатлашишарди. Дүстидан айрилиш Игорь учун оғир әди. У надоматлар чекиб үйглади. Қалбіда дүсти учун жангарилардан үч олиш истаги исён күтарди.

Дармонсиз панжаларини туғиб, онт ичди. Бошига шундай оғир мусибатларни солған Қорачаённи овозидан таниғанди. Игорь зиндондан чиқиши тұғрисида үйлай бошлади. Қочмаса әртами-кеч унинг бошига ҳам Қосимнинг савдоси тушиши мумкин. Бироқ, уч метрли бу уммөндән қандай чиқади? Құл узатса етмайди. Оёқларини деворга тирай деса, оралиқ ма-софа анчагина.

Игорь тупроқ ичидан уч-түрт дона сүяк топди. Бу ҳайвоннинг қовурғалари әди. Сүякларни иккиге бұлиб, уларни деворга қоқди. Уларга оёқ қўйиб чиқиши мумкиндек әди. Бироқ, сүяклар тупроқ остида узок турғанлиги сабабли мұрт, салгина оғирликни күтәролмасди. Игорь тун ярим бұлишини, соқчиларнинг ухлаб қолишини күтди. Қурол-аслаха омбори

ёнида туну-кун соқчилар навбатчилик қилишини биларди. Лагерь бошлиғи ётадиган чодир ҳам омбор олдида.

Ниҳоят, ой тиккага келди. Унинг ёғдулари атроф-теваракни, шу жумладан, зиндан ичини гира-шира ёритарди. Бутун дикқат-эътиборини зиндандан чи-қишига қаратган Игорь деворга қоқилган сұякларга оёқ қўйиб тепага тирмашди. Дастреки сұяк уни кўтаролмай синиб кетди. Игорь йиқилиб тушди. Оёгининг ости шилиниб, иссиқ қон чиқди. Оғриқ кучли бўлса-да, йигит яна оёққа турди. Ўсиб кетган тирноқлари деворни ушлашга халақит берарди. Игорь навбатдаги сұякка оғини қўйди. Тепалик яқин қолганди. Атиги бир метр. Оғини навбатдаги сұякка қўйса бас, кўли зиндан тепасига етади. Фақат оёқларини кўтариб турган сұяк чидаса бас. Игорь эҳтиёткорлик билан оёқ қўйди. Кўли зиндан тепасидаги темир панжарага етди. Кўрқа-писа гавдасини кўтарди. Йўқ, сұяк синмади. Йигит теваракка аланглади. Ой ёритган яйловда ҳеч ким кўринмади. Чодир ичидан кимнингдир йўталгани эштилди. Қурол омбори ёнида иккита жангари бир-бирининг елкасига бош қўйганча ухлашарди. Игорь ташқарига чиқди. Қўксини совуқ ерга босиб, атрофни кўздан кечирди. Соқчиларни ҳисобга олмаганда ҳеч зоғ кўринмасди. Игорь илондек судралиб, жангарилар томон юрди. Икки қадамдан кейин ер бетидан чиқиб турган одамнинг бошига пешонасини уриб олишига бир баҳя қолди. Кўрқувдан юраги ёрилиб кетаёзди. Мурданинг очиқ қолган кўзлари ой нурида ялти-рарди. Бу тириклий кўмилган Қосимнинг боши эди. Жангарилар атайн калласини ердан чиқариб қўйишганди. Қорачаённинг кўрсатмаси билан тунда каламушлар ғажиб кетсин деб шундай қилинганди. Игорь ўзини тутолмади, дириллаган лабларини маҳкам тишлаганча юрагидаги нафрат ва газабни босолмай йиглаб юборди. Овозини чиқармасликка ҳаракат қилгани билан барибир ич-ичидан сел мисоли тўлиб-

тошиб келаётган ўкирик тишларининг орасини ёриб чиқди. Ўсиб кетган тирноклари тақир ерни тирнади. Бу орада соқчилардан бири бошини кўтариб, атрофга қаради. Ўн қадам олисда судралиб келаётган шарпани пайқамади, яна уйқуга кетди.

- Мени кечир Қосим, сенга ёрдам беролмадим. Лекин бу газандалардан ўч олмасдан бир қадам ҳам силжимайман, уларнинг бошига ҳам шундай савдоларни соламан, - дея пи chirларди. Игорь соқчиларга яқин келиб қолганди. Уларнинг пишиллаб нафас олишлари қулоғига эшитилиб турарди. Соқчилар ортларидағи шарпани пайқашмади. Игорь қўлига илинган коптодек тошни олди ва ўзига яқин турган жангарининг бошига солди. У овоз чиқаришга ҳам улгурмади. Ёрилган бошидан оққан қонга беланиб, жон таслим қилди. Иккинчи жангари «ҳик» этган товушдан уйгониб кетди. Кўзларини очишга улгурмади, шеригининг ёнига йиқилди. Игорь уларнинг қуролини олди. Рўпарасида лагерь бошлигининг чодири эди. Эшик вазифасини ўтовчи қалин мато тунги эпкинда ҳилпираб, шитирлаб турарди. Игорнинг ичкарига кириб келганини бошлиқ пайқаб қолди. Кўлини ёстиқ остидаги тўппончага чўзди. Бироқ олишга улугурмади. Игорь автоматнинг қўндоғи билан Сайд Мустафонинг бошига солди. Лагерь бошлиғи «их» деди-ю, тўшакка михланиб қолди. Игорь бошлиқнинг хонасидаги темир сандиқда жангарилар тўғрисида муҳим маълумотлар туришидан хабардор эди. Сандиқни очиб, қофозларни қўйнига солди. Вакт тифиз эди. Тонг ёришиб қолганди. Игорь Қораҷаённи тинчитмасдан кетолмасди. Шундай қилгандагина у дўсти учун қасос олган бўларди. Шу мақсадда жангариларнинг чодири томон юрди. Қулидаги икка-ла автоматни отишга шайлаб олганди. Ичкарида жангарилар қотиб ухлашарди. Ичкари кирди-ю, овозининг борича қичқирди.

- Хоинлар!!! Қотиллар!!!

Жангарилар чўчиб уйғонишиди. Бошларини

кўтаришдию, ўзларини ўққа тутиб беришди. Кимдир бақирди, кимдир ўзини ташқарига урмоқчи бўлди. Аммо автоматдан отилаётган ўқлардан омон қолишнинг иложи йўқ эди. Чодир илма-тешик бўлиб кетди. Қаердадир олов кўтарилди. Игорь оёқлари остида қонга беланиб ётган мурдаларнинг устидан ўтиб, ташқарига чиқди. У ҳамон қалтирарди.

Игорь тонг гира-ширасида олти ойлик ҳаёти кечган ва айни пайтда ўзи вайронага айлантирган лагерни ташлаб йўлга тушди. Юз метрча йўл босгач, олов ичидан қолган қурол-аслаҳа омбори портлаб кетди. Ўқларнинг, мина ва снарядларнинг даҳшатли овози еру-кўкни ларзага келтириди. Игорь лагердаги жангариларни, шу жумладан, Қорачаённи ҳам ўлдирдим, дўстим учун қасос олдим, деб ўйлаганди. У лагердан узоклашар экан, йўл-йўлакай қаёққа бориш тўғрисида бош қотирарди. Тоғ ён бағирлаб кетган бу сўқмоқдан юриш хатарли эди. Жангариларни қўллаб-куватлайдиган ва мунтазам равишда уларни озиқ-овқат билан таъминлаб келаётган кишилар шу сўқмоқдан у ерга келишарди. Игорь шуларни ўйлаб, қадамини илдамлатди. Йигит қарама-қарши томонга бурилган сўқмоққа қайрилишга улгурмади. Тепаликдан югуриб келаётган уч киши рўпарасидан чиқиб қолди. Қўлларида автомат. Афтидан улар ўқ омборидаги портлашни эшитишган бўлишса керак, чопиб келишарди. Улар кийимлари йиртилиб, юз-кўзлари қорайиб кетган йигит билан юзма-юз келишиди.

- Се шуд?!

Уччаласи бараварига қўлларидағи автоматнинг учини нотаниш кимсага тўғрилашди.

Игорь лагерь томонга ишора қилди.

- Шўрави!

Нотаниш кимсалар қора тутун бурқсиб турган томонга қарашди. Игорь учун уларнинг чангалидан қутулиш имкони туғилганди. Сапчиб қуролли кишилардан бирининг қорнига, иккинчисининг баша-

расига тепиб йикитди. Құлларидаги қурол үзларидан ҳам олисрекқа учеб кетди. Улардан бири тезда үзини үнглаб олди ва йигитнинг белига тепди. Икковлари олишиб кетишди. Игорь таслим булишни истамасди. Құлга тушса яна зиндонга ташлашлари, қийнок ва азобларга солишилари аник эди. Шунинг учун үзидан анча бақувват бұлған кимса билан жон ҳолатда олишарди. Бир амаллаб рақибининг құлдан мақкам ушлаб олди ва елкасидан ошириб ташлади. Үзудлик билан ердаги автоматлардан бирини құлга олиши лозим эди. Аммо құли етиб борганда рақиби унинг оёғидан ушлаб қолди. Бу пайтда Игорь қуролни олишга ва иккинчи оёғи билан рақибининг башарасига тепиб юборишга ултурғанди. Игорь автоматнинг тепкисини босди. Үқ чиқмади. Нотаниш киши яна унга ташланди, аммо құллари етиб бормади. Бошига тушған құндық унинг ҳәётига нұқта құйғанди. Ерда ётған икки кимсани ҳам чала үлік ҳолда ташлаб кетиб бұлмасди. Бошлари тошга урилиб, ұшларини йүқтотған кимсалар аста-секин үзларига келиб, үринларидан туришга ҳаракат қилишаётганди. Конға беланған құндық билан уларни ҳам тинчитди. Тонг ёришиб келарди, тезроқ кетиш лозим. Мурдаларни йұлнинг үртасида қолдириб ҳам бұлмасди. Игорь уларни судраб, күздан яширин жойга беркитди. Бирининг кийимини кийиб, йұлида давом этди. Қаршисида сарбаланд тоғлар турарди. Қор босған чүкқилардан ошиб үтиши лозим. Елкасига учта автоматни осған Игорь тоққа тирмаши. Ү тошлар орасидан үзиге йұл очиб борарди. Каттакатта тошлардан ошиб, паст-баландликлардан сакраб үтарди. Кийимлари йиртилиб, баданлари шилиниб, қонға ботди. Йұлнинг поёни күрінмасди. Пастликда бирорта ҳам қишлоқ күзга ташланмасди. Иккиси тоғнинг оралиғидаги жарликка дуч келди. Тепага тирмашиб чиқиб бұлмасди. Илон изидек буралиб кетған жарлик пастлик сари кетганди. Одамнинг қучофига сифмайдиган тошлар юришига халақит

бераарди. Терлаб, ҳолсизланиб қолган Игорь ногоҳ юмшоқ нарсаны босиб олди. Құрқиб оёғини тортди. Шундок рұпарасида иккі кишининг мурдаси ётарди. Жасадлар чириб, шишиб, құртлаб кетганди. Афтидан, улар үлимлари олдиdan бир-бирлари билан итдек олишишган бұлса керак, таналари қонга беланганди. Игорь димогига урилган бадбүй исдан нафаси қайтиб, орта чекинди. У ҳаддан ташқары толиққан эди. Бир зумгина нафасини ростлаб олиш мақсадида каттагина тошға суюнib, күзларини юмди. Лекин хотиржам бұлолмади. Ортидан қувиб келишаётгандай туулди. Яна үрнидан туриб йүлда давом этди. Бир соатча юргач, жарлик тугади. Пастликка дуч келди. Тушиб кетишига оз қолди. Пастликка жуда әхтиёткорлик билан тушиш керак эди. Салгина ножүя қадам қўйса, нобуд бўлиши ҳеч гап эмасди. Игорь ҳушёрлик билан оёқларини тошларга қўйиб, қўллари билан дарахт шохларига осилиб, пастга туша бошлади. Пастга тушдию, боши мажакланган яна бир мурдага дуч келди. Афтидан, тепадан тушиб кетган бұлса керак. Орқалаган қопини қучоқлаганча жон таслим қилганди. Игорь бу кимсаны боя тепада кўрган одамларнинг шериги булса керак, деб үйлади. Мурданинг олдидан беътибор үтиб кетолмади. Қонда нима борлиги билан қизиқди. Богични кесиб, ичини очди. Үнда тилло тақинчоқлар, марваридлар, бриллиантлар бор эди. Гарчи бу ерга қуёш нури тушмаган бұлса-да, улар ялтири-юлтири қилиб, йигитнинг кўзини қамаштириди. Уларни қўлига олди. Боя кўрган одамлар мана шу бойлик, деб бир-бирларини үлдиришганини билди. Эгасига насиб қилмаган хазина бошқаларга буюрармиди? Игорь йўлида давом этди.

У эрталабгача йўл босди. Ниҳоят, одамлар яшайдиган овулга келди. Очикқанди. Икки кундан бери туз тотмаганди. Яна йўл босди ва ёнгин бўлаётган ҳовли қаршисидан чиқиб қолди. Атрофда беш-олти чоғли одамлар түпланиб туришарди. Улардан нарироқда иккі аёл бир-бирини бағрига

босиб дод соларди. Бошларидан рўмолнари тушиб, соchlари тўзғиб кетганди. Аланга қип-қи ил тилини чўзиб, йўлида учраган хас-хашакларни, ёғоч ва тўсинларни комига тортиб, кўкка ўрларди. Оловга яқинлашишга ҳеч кимнинг юраги бетламасди. Эркаклардан бири ерга ўтириб олган, юзи қорайиб, кийимлари йиртилиб кетганди. Икки одам унинг елкасидан босиб турарди. Ҳамманинг кўзи ўт ичида қолиб кетган ёш болада эди. Унинг фарёди аланганинг гувуллаганига қушилиб кетганди. Боланинг тутун ва аланга тафтидан қорайиб кетган юзи зўрға кўриниб турарди. Иссик чаён нишидек баданига санчиларди. Бола олов тафтига бардош беролмай, ўзини ҳар ёнга уриб, қочарди. Аланга эса уни тўрт томондан исканжага олиб, қисарди. Игорь болани қуриб қолди. Ёнаётган устунлар қорайиб, ингичкалашиб, қулаб тушиш ҳолига келганди. Игорь ўзини олов ичига урди. Гуриллаб ёнаётган алангани ўқ мисоли ёриб ўтди. Кутимаганда пайдо бўлган, ўзининг ширин жонини аямай олов ичига кириб кетган кимса атрофда кўзлари ёшга тўлган кишиларни ҳайратда қолдирди. Ҳамманинг нигоҳи унга қадалди. Эшик очилганда олов тилини йигит томонга чўзди ва шу заҳотиёқ кийимларини ёндириб ташлади. Қаердадир ёниб тугаган устун қарсиллаб синди ва устига тушди. Игорь ўзини аранг олиб қочди. Қора ва аччиқ тутун нафасини бўғди. Кўзини очолмай борарди. Шифтдан тушган оловли гўлалар оёқларини кўйдирди. «Бола қайси томонда қолди?» - ўйларди йигит. Учакишгандек қулокларига фақат аланганинг гувиллаши, ёниб тугаётган тўсинларнинг қарсиллагани эшитиларди. Ташқаридаги кимсалар йигитнинг соғ-саломат қайтиб чиқишидан умид узгандилар. Ким эди у? Нега жонини хатарга қўйиб, олов ичига ўзини урди? Ота ёнаётган уй ичига киришга юраги дов бермаётган дамда бегона йигит ўтга кириши атрофдагиларни лол қолдирганди.

Ниҳоят, Игорь ачишган кўзларини зўрға очиб,

танаси чүяндек қизиб кетган болани топиб, уни даст күтариб орқага қайтди. Кийимлари қуиб, ялангоч бўлиб қолганди. Қучоғида болани күтариб чиққанда атрофдагилар енгил тин олишди. Сочлари қуиб, баданидан иссиқ ҳовур күтарилаётган Игорнинг танасида пўрсилдоқлар ҳосил бўлганди. Ёниб тугаётган гўлага ўхшарди. У болани ерга қўйдию, кўз олди қоронгулашиб, ҳушини йўқотиб ерга йиқилди.

Икки кун ўтиб, ўзига келди. Қўзини очиб кўргани ним қоронгу уй бўлди. Андак фурсат ўтиб, кўзлари равшан тортди. Даҳшатли алангани эслади. Зирқираб оғриётган бадани иссиқни сезгандек бўлди. Ташқаридан оёқ шарпаси келди. Йигит бошини кўтарди. Бўйни ачишиб, оғриқдан инграб юбораёзди. Тепасига ун олти ёшлардаги қиз келди. Рўмоли билан юзининг ярмини яшириб олган, қошлари зулукдек эди, кўзлари чўғдек ёниб турарди. У йигитга бир нафас тикилиб турди-да, кейин ўзини ташқари урди. Хиёл ўтмай кекса одам кирди.

- Яхшимисан, ўғлим? - қария йигитнинг ёнига тиз чўкди. - Согайиб кетишингни икки кундан бери Худодан сўрайман! Аллоҳ нолаларимни эшитибди.

Йигит лабини зўрга қимиirlатди.

- Су. . уу. . вв...

- Моҳинур! - эзчик томонга қараб қичқирди қария. Остонада бояги қиз кўринди.

- Сув келтир, болам.

Сув ичгач, Игорь ўзига келди.

- Исминг нима, ўғлим?

- Нормуҳаммад!

- Қаердансан?

- Ҳиротдан.

Кария ўйга толди. У йигитнинг ёлғон сўзлаётганини билганди. Оловда кийимлари ёниб, ялангоч чиққанини, олати кесилмаганлигини кўрганди.

- Мендан яширма, ўғлим, сен гайридинсан. Шуро аскаримисан?

Игорь индамади. Қўзларини юмди.

- Файридин бўлсанг ҳам, мендек мусулмонга кўп яхшилик қилдинг. Кексайганимда Алоҳ берган зурриёдимнинг ҳаётини сақлаб қолдинг. Бобом катта савдогар ўтган. У кишининг Ўрусиядада ошналари бўлган. Яқин йилларгача борди-келди қилиб туришган. Сен нима қилиб бу ерда юрибсан? Аскарликдан қочдингми?

Игорь бошига тушган мусибатларни сўзлаб берди.

- Ҳозир Ватанингга кетиш мушкул, болам. Чор тарафда жангарилар изғиб юришибди. Сени шўро аскари эканлигингни билишса, гўштингни нимтанимта қилиб ташлашади. Яхиси, шу ерда қол. Мен ҳам савдогарман. Покистонда дўконларим бор. Ўша ерга сени олиб кетаман.

Игорь Сайд Мустафонинг темир сандигидан олган маълумотнинг ёниб кетганлигини эслади. Бусиз қисмга қайтолмасди. Ўзини оқладиган, айбсизлигини исботлайдиган ҳеч нарсаси йўқ. Қандай қилиб бошлиқларини «зиндондан қочдим», деб ишонтиради? Бу ерда қолиш ҳам хатарли. Унга панд-насиҳат қилаётган қария ким? Сўзларига ишонса бўладими? Атрофда душманлар изғиб юришган бўлса, эртаниндин тутиб олишлари мумкин-ку! Қўлга тушса, тамом. Лагердан қочгани, ўн олти жангарини ўлдиргани, бу ҳам етмагандек, йўлда яна уч одамни тинчитгани ошкор бўлади. Шунча ишларни қилган одамни ким соғ қўяди? Ким пешонасини силайди? Худо кўрсатмасин, лагернинг кули кўкка соврилганидан жангарилар бошлиги хабар топган бўлса, уни излаб юришганми? Вактнинг борида қочгани маъқул.

Игорь кўзларини юмди. Қария «толиқтириб қўйдим», деб хаёл қилди чофи, ташқарига чиқиб кетди. У қочиш тўғрисида ўйлай бошлади. Ҳали вақт эрта эди. Кеч бўлишини, қош қорайишини кутди. Кийимлари ёниб кетган. Қизарib, ачишаётган кўзлари билан атроф-теваракни кузатди. Ҳўжайиннинг эски-туски кийими ҳам кўринмади. У ўрнидан турмоқчи бўлди. Куйган терилари тортишиб, шундай

қаттиқ оғритди-ки, додлаб юбораёзди. Лекин қайтиб жойига ётмади. Оёгини судраб токшага борди. Тахлаб қўйилган кийимлардан мосини танлади. Қоронгу тушишини кутди.

Моҳинур кирди.

- Овқат олиб келдим, ичинг, - қиз косани йигитнинг олдига қўйди.

Игорь овқатланиб бўлгунча, ёнидан кетмади. Қиз чиқиб кетгач ўрнидан турди. Оқсоқланиб дераза олдига келди. Ошиб ўтса бас, у ёғи кўча. Йигит куйган оёгини зўрга кўтарди. Бир амаллаб кўчага чиқди. Оғриқ қаттиқ азоб берди. Вужуди игна санчгандай зирқираб кетди. Додламаслик учун лабини тишлади. У илдам ҳаракат қилиши, бу ердан тезроқ кетиши зарур эди. Акс ҳолда уй эгаси сезиб қолиши ёки душманлар қўлига тушиб қолиши мумкин. Йигит икки-уч қадам босиши биланоқ оёқлари гавдасини кутаролмай букилиб, ерга утириб қолди. Моҳинур малҳам кўтариб киргандা ўрин буш эди. Қиз қўрқиб кетди. Деразанинг очиқлигини кўриб, ташқарига қаради. Игорь кўчада чўзилиб ётарди.

У ярим тунда ўзига келди. Кўзини очиб, тепасида уй эгасини кўрди.

- Қаёқка кетмоқчи эдинг, болам? - суради савдогар.

- Ватанимга...

- Сенга айтиб эдим-ку, бу ердан кетолмайсан деб. Чор атрофимизни жангарилар ўраб олишган. Яхшиси соғайгунингча бизникида қол.

- Сизга жабр қилиб қўяман!

- Ҳавотир олма. Менинг уйимда тинч яшайсан. Бу хонадонга бегоналар кирмайди.

- Иложи бўлса мени юртимга жўнатсангиз, Ватанимни, ота-онамни соғинганман.

- Ҳозирча сенга ёрдам беролмайман, - тўғрисини айта қолди қария. - Бир йўлини топгунимизча сабр қилишинг керак. Соғлигингни тиклаб ол. Мен танишларим билан маслаҳатлашай, бир йўлини топсак,

албатта юртингга жўнатамиз. Гапимдан хафа бўлма. Ҳаммаси яхши бўлади. Менинг ҳам бошимга оғир савдо тушган. Беш-олтида қароқчи тунда уйимга бостириб кириб, бойлик излашган, топишолмагач уйни ёқиб кетишган.

- Уларнинг кимлигини биласизми? - сўради Игорь.

- Биламан, болам. Аммо қўлимдан нима ҳам келарди? Ҳаммаси шу қишлоқнинг одамлари. Кунига уч-тўртта уйни талашади. Одамларни қийнашади. Уруш ўғрилар учун кўнгиллари тусаган ишларини қилишга имкон яратиб берди. Уларнинг қасофатига Худодан тилаб олган биттаю-битта ўғлимдан айрилиб қолай дедим. Сени Худо етказди.

Иккиси ярим тунгача сухбатлашиб ўтиришди.

Бир ҳафта ўтгач Игорнинг жароҳати битиб, оёқقا турди. Баҳодир Аҳмад ўзининг танишлари билан маслаҳатлашди. Бироқ йигитни юртига қайтаришнинг иложи бўлмади. Шуро ҳукумати мамлакатдан аскарларини олиб чиқиб кетганди. Мамлакатнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида турли гуруҳлар пайдо бўлиб, ички кураш кучайганди. Тоғ этагидаги кичкинагина бу қишлоқда ҳам бесарлик. Кечалари ўқ овозлари эшитилиб қоларди. Игорни уйдан чиқариш хатарли эди. Буни йигитнинг ўзи ҳам тушунди.

Ярим тунда Игорь аёл кишининг чинқирган товушидан чўчиб уйғонди. Бу Моҳинурнинг овози эди. У сапчидан ўрнидан турди. Эшикни очиб, қўшни хонага қаради. Деразадан тушиб турган ой нури хонани гира-шира ёритиб турарди. Қўлларида автомат ва пичоқ ушлаган, юзига ниқоб таққан уч нотаниш кимса қизнинг тепасида турарди. Улар қизнинг пешонасига автоматни тирашди.

- Отангнинг пуллари қаерда? Тезроқ айт, вақтимиз тифиз! Бизга бойликлар керак! - босқинчилардан бири қизнинг сочини қўлига ўраб, сўроқ қиласарди.

- Билмайман! - ерда ётган Моҳинур йигларди. - Худо ҳаққи, билмайман, менга айтмаганлар!

- Ёлғон гапиряпсан, мегажин! Ҳозир уйингни

тити-питисини чиқарып топиб олсак, ўзингга ёмон бўлади. Биламиз, отангнинг катта бойлиги бор, бутун шаҳарни сотиб олишга қодир. Ўша пуллар қаерда, айт тезроқ! Яхшиликча айтсанг, сени қийнамаймиз!

Пулларнинг ҳаммаси Покистонда қолган, банкага қўйиб қўйганлар, - ҳиқиллаб йигларди қиз. Босқинчи уни тепиб юборди. Моҳинур коптоқдек юмалаб, деворга урилди.

- Айтмасанг, бу уйингни ҳам ўзингга қўшиб ёкиб юборамиз, - учинчи босқинчи қизнинг тепасига келди. Ой нурида ялтираб турган пичоқ билан қизнинг кўйлагини йиртиб ташлади. Моҳинур яланғоч кўк-раклари устига қўлларини қўйди. Босқинчи қизнинг қўлини қайирди. Жун босган юзини қизнинг чех-расига яқин келтирди.

- Пулни топмасанг учталамиз номусингга тегиб, шармандангни чиқарамиз!

- Танла, қай бирига розисан?

- Албатта бизнинг қучогимизда ётиш мазали-да, - деди орқароқда турган босқинчи. Улар ҳиринглаб кулишди. - Тўғрими, дўндиқча?

Игорь оёқ учида юриб келди. Қароқчилар буни пайқашмади. Орқада турган босқинчи миясига тушган зарбадан “ҳик” деган овоз чиқардию, йикъилди. Иккинчиси қўлидаги қуролни тўғрилашга улгурмай оёқ зарбасидан икки қулоч нарига учиб кетди. Қизнинг кўкрагини ушлаб турган босқинчи эса, том тушиб кетадигандек бошини чангallади. У ҳам биқинига тушган тепкидан ер тишлади. Бу орада биринчи мушт еган босқинчи ўрнидан туриб, пичоқни кўтариб, Игорьга ташланди. Йигит чаққонлик билан унинг қўлини қайирди ва тифни ўзининг кўксига санчиб қўйди. Моҳинур ўрнидан туриб, йигитнинг пинжига отилди.

- Энди буларни нима қилдик? - чўзилиб ётган босқинчиларга ишора қилиб сўради Игорь.

- Ҳушига келса, яна ҳужум қилишлари мумкин, - деди қиз.

- Ҳавотир олма, уларни ҳушига келмайдиган қи-

либ қўйганман. Моҳинур босқинчиларни кўздан яширин жойга олиб бориб ташлаш кераклигини айтди.

Игорь уларни жарга ташлаб келди.

- Уйимизга ўт қўйган ҳам шулар.
- Уларни танирмидинг?
- Шу ерлик безорилар. Икки йилдан бери одамларнинг мол-мулкини ўғирлаб юришарди.

- Энди қутулдинглар.

- Худога шукр!

- Отанг қўринмайди?

- Укамни табибга кўрсатиш учун шаҳарга олиб кетгандилар. Кеч қолиб, тунаб қолган бўлсалар керак-да!

- Нега ёлғиз қолганингни менга айтмадинг?

- Отам индамагин дегандилар-да.

Игорь ётоқхонага кириб кетди. Совуб қолган тўшак ичига кирдию, шу заҳоти ухлаб қолди. Бир пайт юзига урилган иссик нафасдан уйғонди. Тепасида Моҳинур турарди.

- Тинчликми?

- Ёлғиз ётгани қўрқяпман!

Кария пешинда қайтди. Тундаги воқеани қизидан эшитди. Меҳмон уйни ёққан ва ўғирликка тушган қароқчиларнинг додини берганидан ҳайратланди. Бироқ йигит унинг мақтовига аҳамият бермади. Лагерда муштлашиш санъатини ўрганганлиги учун босқинчилар билан олишиш унинг учун оддий ҳол эди.

- Ўғлим, - деди қария Игоръга. - Сен бизга катта яхшилик қилдинг. Бунинг эвазига нима қилишни ҳам билмайман. Бутун бойлигимни берсам ҳам оз. Сендан илтимосим, биз билан қол. Оиламизнинг аъзоси бўл. Сени Покистонга олиб кетаман, савдогарлик қиласан. Дунё кезасан. Юрtingга қайтганинг билан сени омон қўйишмайди. Эшлишимча, қўлга тушган асиrlарга хукумат ишонмасмиш. Сен ҳам жангарилар қулида олти ой тутқунликда яшагансан. Ўзингни оқлай олмайсан. Бунинг устига қишлоқ ва шаҳарларда жангарилар, турли оқим вакиллари бир-бирлари

билан уришишмоқда. Кече шаҳарга тушганимда янгилик эшитдим. Лагерни портлатиб, жангариларни ўлдириб қочган ўрус йигитни топиш учун толибонлар эллик минг доллар мукофот ажратибди. Бу мукофотнинг дарагини эшитганлар, ўрис миллатига мансуб одамни қидиришишмоқда. Худо кўрсатмасин, бу хабар бугун-эрта бизнинг қишлоққа ҳам етиб келади.

Игорь ўйланиб қолди. Йўлда учраган уч одамдан бири тирик қолгандирки, бу ҳақда толибонларга хабар берган. Совурилган миллионлар олдида Игорьнинг боши учун тикилган эллик минг нима эмиш? Бу мамлакатда юз доллар учун одам ўлдирадиган кимсалар бор. Қария айтгандай уни излаб юришган бўлса, тезроқ кетиш лозим. Бироқ қаёққа? Унинг юз-кузларидан, қолаверса гапидан ҳам таниб қолишадику? Тутиб олишлари ҳеч гап эмас. Ватанга қайтиш учун барча йўллар тўсилган. Лагердан қочганлигини исботловчи ҳужжат ёниб кетган. Давлат аскарларини юртдан олиб чиқиб кетган бўлса, чегаралар мустаҳкамланган.

- Таклифингизга розиман, ота, - деди у қариянинг сўзларини тинглаб бўлгач. - Иложи бўлса қўлимни ҳалоллаб қўйинг. Мусулмон динини қабул қиласман!

Баҳодир Аҳмад Игорьга калимани ўргатди.

- Ла илаҳа иллоллоҳ Мухаммадур Расуулulloҳ!

Йигитнинг зеҳни ўткир эди. Беш-олти маротаба такрорлагандан сўнг хотирасида муҳрланиб қолди.

- Ла илаҳа иллоллоҳ Мухаммадур Расуулulloҳ!

Йигит ширин талаффузда калимани ёд ўқиганда қариянинг кўзи ёшланди. У сартарош қариндошини бошлаб келди. Йигирма бир ёшли йигитни хатна қилишибди.

- Мана, энди мусулмон бўлдинг, ўғлим. Бугундан бошлаб ҳақиқий исминг Нормуҳаммад.

Сафарга отланиш арафасида яна тўрт нафар толибонлар уйга бостириб киришди. Бу пайтда Баҳодир Аҳмад бомдод намозидан турганди.

- Ўйда ким бор? - сўради улардан бири.

- Тинчликми? - ҳайрон бўлди қария.

- Файридин коғирни уйингда сақлаётганмишсан?  
Қани у?

- Үйимда файридин йўқ!  
- Ёлғон! Агар тўғрисини айтмасанг, шу ерда отиб ташлаймиз!

- Гапим рост.

- Сен бизга хиёнат қиляпсан, ит! - ўшқирди толибонлардан бири автоматнинг учи билан қариянинг кўкрагига ниқтаб. - Яхшилика қаердалигини айт! Раҳнамоларимиз уни яширганингни билишса, сени ва болаларингни ўлимга маҳкум этади!

- Үйимда файридин йўқ! - такрорлади қария.

- Алдаяпсан, ит!

- Бизни катта пулдан қуруқ қўймоқчимисан, тўнғиз!

- Бўла қол, акс ҳолда ичак-чавогингни бошингга салла қилиб ўраб қўямиз! - улардан бири қариянинг бикинига пичоқ тиради.

- Үйимда файридин йўқ! - такрорлади яна савдо-гар.

Сўроқ қилаётган кимсанинг сабри тугади. Қулидаги пичоқни қариянинг қорнига санчди. Осмон гир айланиб, борлиқ туман ичида қолгандек чолнинг кўзи ҳеч нарсани кўрмай қолди.

Бомдод намозини ўқиб бўлган Нормуҳаммад югуриб ташқарига чиқди. Бошида салла, эгнида узун кўйлак бўлганлиги учун толибонлар танишмади. Босқинчилар савдо-гарни пичоқлаб қўйган шерикларини ўртага олиб койишарди.

- Ишни расво қилдинг-ку, ярамас!

- Энди кимдан сўроқлаймиз?

Нормуҳаммад қорнини ушлаб, инқиллаб ётган қайнотасининг олдига келди.

- Сен кимсан? - узун бўйли йигит унинг йўлинни тұсди.

- Одамман! - пинагини бузмай жавоб қайтарди Нормуҳаммад. Жангарилардан бири унга, тикилиб қолди. Кутылмаганда:

- Биз излаб юрган ўрис шу! - деди бақириб.

Бу пайтда уччала толибон шеригига қараб туришганди. Нормуҳаммад ўзига яқин турган найнов йигитнинг қўлидаги автоматни зарб билан тортиб олди-да, иккинчи йигитнинг бўйни аралаш тепиб юборди. У йиқилишга улгурмасдан учинчи жангари қорнига берилган зарбадан ерга қулади. Тўртинчи босқинчининг бошига қўндок тушди. Биринчи калтак еган жангари ўрнидан туриб, худди маст одамдек гандираклаб эшик томон борарди. Нормуҳаммад ерда ҷўзилиб ётган жангарилардан бирининг қўлидаги пичоқни олди-да, унга қаратса улоқтириди. Пичоқ унинг кураги ўртасига санчилди. Икки дакиқадан сўнг оғзи-бурни қонга ботган жангарилар ерда ҷўзилиб ётишарди.

Баҳодир Аҳмад тиф теккан жойни чанглаб, қонига беланиб, зўрга нафас олиб ётарди. Унинг вужудини совук тер босганди.

- Ўғлим, мёнинг куним битган кўринадир.

- Ундей деманг, ота, - Нормуҳаммаднинг кўзларига ёш тўлди. Ичкаридан Моҳинур чиқиб келди.

- Қизим, Покистонга бориб, шогирдларимни хожангга таништир. Ишимни энди икковларинг давом эттиринглар. Бу ерда туриш хатарли, болаларим. Мени тупроққа қўйиб, жўнанглар!!

Баҳодир Аҳмад сўзини тугатолмади. Фарзандларининг қўлида жон таслим қилди.

## ПОКИСТОН

Бир ҳафтадан кейин Моҳинур турмуш ўртоғи билан Покистонга жўнади.

Олов ичида қолган ёш Омонуллохон соғайиб кетганди. Икки кун йўл юришгач, Покистондаги уйларига етиб келишди. Ўша куниёқ Моҳинур савдо дўконларидағи сотувчиларни уйига таклиф қилди. Улар ўз хожаларининг вафотини эшитиб, чукур қайгуришди. Дўконлардаги ишларни Нормуҳаммад ўз тасарруфига олди. Савдо билан машғул бўлиб, кўп нарсаларни унутди. Дўконга кириб-чиқувчиларнинг

кети узилмасди. Кечки пайтлар ҳам савдо тұхтамасди. Қунларнинг бирида дүконға кирған йигит Нормұҳаммаднинг дикқатини тортди. У сотувчидан ниманидир сұради. Иккиси баҳосини келишолмай баҳслашишди. Харидорнинг овози қулогига таниш туюлди. Шунда у парда ортидан харидорга қаради. Юз-күзлари таниш күринди. Бир зум үйга толди. Бирдан ёдига тушдию, раста устига қўйиб турган қулига боқди. Жимжилогининг бир қисми узилганди. Юраги гурсиллаб кетди. Таниди. Бу Қорачаён эди! У сотувчига хиёл үгирилиб, чарм курткани савдолашиб турарди. Нормұҳаммад адашмадимми, дегандек яна унга тикилди. Юзлари, қош-күзлари, бурни, қулоғининг пастидаги нұхотдек үсимта - буларнинг барчаси нигоҳидан четда қолмади. “Наҳотки у тирик қолган бўлса? Ахир ҳаммасини отиб ташлагандим-ку? Үклар ёмғирида бирорта одамнинг тирик қолиши мумкин эмасди”, деган үй хаёлидан ўтди. “Демак, мен Қосим учун қасос ололмабман-да. Унинг руҳи олдида қарзимни узолмабман-да?”

Қорачаён дүкондан чиқиб кетди. Нормұҳаммад собиқ қуролдошининг изига тушди. Қорачаён каттакатта қадам ташлаб, орқа-олдига қарамай кетиб борарди. “Сезиб қолдими?”, деган үй йигитнинг дилидан кечди. Нормұҳаммад кузатишда давом этди. Уни күздан йўқотиб қўйишдан чўчириди. Киракашлар турадиган майдонга келди. Машиналардан бирига ўтириб, жўнаб кетди. Қаёққа кетганлигини билолмай қолган Нормұҳаммад машина рақамини ёдида сақлаб, изига қайтди.

## МАРЖОНБУЛОҚ

198.. Йилнинг кузида Маржонбулоқ қишлоғига темир тобут келди. Шу кунга қадар ўттиз мингга яқин аҳоли яшайдиган бу қишлоқдан ҳарбийга кетган бирорта йигитнинг тобути келмаганди. Каромат опа билан Адҳамжон аканинг Афғонга кетган яккаюягона фарзанди хизмат муддати тугаши араfasида

дүшман ўқидан нобуд бўлганди. Дарвоҷе, совет ҳукумати ўз қўшинларини Афғонистон ҳудудига олиб киргандан кейин Маржонбулоқдан бирин-кетин тўккиз йигит аскарликка кетган бўлса, улардан олтигаси хизмат бурчини ўтаб қайтди. Учтаси баҳорда келиши керак эди. Улар сафида Санжар ҳам бор эди. Ота-она фарзандини интизорлик билан кутаётганда кора хат олиши. Бутун қишлоқ аҳли таъзияга келди. Тобутни олиб келган ҳарбийлар ва туман раҳбарлари ота-онанинг зорларига қулок тутишмади.

- Очилмасин, деган буйруқ бор. Биз юқорйнинг кўрсатмасини бузолмаймиз, - деб изн беришмади. Ота-она ўғилларининг дийдорларини сўнгги бор кўришолмаганидан баттар эзилиши. Она бу ситам олдида ўзини тутолмади. Ҳушмдан кетди.

Санжарнинг жангда қаҳрамонлик кўрсатгани чин экан. Туман катталари бу хонадонга алоҳида ҳурмат билан карашди. Қабри тепасига мармардан ёдгорлик ўрнатиши. Орадан кўп ўтмай байналмилалчи жангчи Санжар Собиров «Кизил юлдуз» ордени билан такдирланди. Марҳум афсонавий қаҳрамонга айланиб кетди. Москва уни шундай юксак мукофот билан такдирлагандан кейин маҳаллий ҳокимият тинч турармиди? Аскар ўқиган мактабга, у яшаган кўчага байналмилалчи жангчининг номини берди.

Қаҳрамоннинг отаси ҳам раҳбарларнинг назаридан четда қолмади. Бир пайтлар амал-такал қилиб ҳуқуқшунослик дипломини олган Адҳам акани кутилмаганда вилоят прокуратурасига чақириб қолиши. Прокурор ўринбосари уни очик чеҳра билан кутиб олди. Чой билан сийлади. Ўғлининг вафот этганидан қайғурди. Қаҳрамон бўлгани билан кутлади.

- Сиздек герой ўғилни воспитават қилиб, вояга етказган' инсонни партия ҳамиша қадрлайди. Сиз кўплаб оталарга пример бўладиган инсонсиз. Ўз профессиянгиз бўйича ишлашингиз керак. Район проку-

рори должности бүш турибди. Партия активлари билан ўзаро маслаҳатлашиб, шу должностга сизнинг кандидатурангизни лойиқ топдик, - деди ўринbosар.

Адҳам ака прокурорнинг сўзларига, қўлидан чой ичаётганига ишонмасди. Раиснинг ҳузурига юрак ютиб киролмайдиган одам эди. Идорага меҳмонлар келганда, уларнинг қўлига сув қўйиб, чой ташиб турарди. Бу тушими-ўнгими? Наҳотки эштаётган гаплари рост бўлса? Йигирма йил каттароқ лавозимда ишлашни орзу қилиб яшади. Кеча-кундуз Худодан сўради. Устидан кулганлар, ҳар икки гапнинг бирида жеркиб ташлайдиган раиснинг олдида мартабасини улуг қилишни тиларди.

Прокурор ўринbosари яна нималардир деди. Бироқ Адҳам аканинг қулоқларига унинг кейинги сўзлари кирмади. Кўз ўнгидага арзимаган айблари учун косовга илиб, кулга санчийдиган колхоз раиси келди. “Ҳа, қалайсиз, биродар, мана, менга ҳам Худонинг атаган ёруғ куни бор экан, ниятимга етдим. Энди сиз бизнинг қўлимиизга сув қуясиз, чой ташийсиз, хизматимизни қиласиз».

- Партия мени шу лавозимга лойиқ топган бўлса, розиман! - деб юборди Адҳам Собирович қўлларини ёйиб. - Ахир биз партиянинг солдатларимиз-ку. Шундай экан, унинг топширифи бизлар учун муқаддасдир!

Ҳаётида бир варақ китоб ўқимаган, олийгоҳни амал-тақал қилиб битирган, ўзининг соҳаси бўйича етарли билимга эга бўлмаган, билганларини ҳам унубиб юборган бу инсоннинг тантанали оҳангда гапиришидан прокурор мийигида кулиб қўйди. Унинг сирли табассумида “иштаҳанг ёмон эмас”, деган маъно бор эди.

- Конечно! Что вы , Адҳам Собирович! Партия ўз кадрларини қаерга ишга қўйишни билади.

Адҳам Собировичнинг район прокурори лавозимга тайинланганлиги ўша куни ёқ элга овоза бўлди. Табиатан мағ'ов ва улфатчиликни хуш кўрадиган Адҳам ака янги мансаб курсисига ўтиргани тўғрисида

ёрдамчининг хонасидан чиқибок, таниш-билишларига сим қоқиб, хабар тарқатди. Қутлагани таниш-нотаниш одамлар унинг хонадонига ёпирилиб келишди. Яқиндагина ўлик чиққан, азадор ҳовли худди байрамдагидек шодликка тұлиб кетди. Дунёда инсоннинг обру-хурмати унинг эгаллаб турған мансаби ва амалига қараб белгиланишига қаттиқ ишонган Адҳам Собирович ўз фалсафаси нақадар тұғрилигига иқрор бўлди. Фалакнинг гардиши айланиб, куни кеча иш буюрган одамлари унинг рўпарасида қўл қовуштириб, хизматига шай туришарди. Айниқса, раис гоҳ меҳмонларни кутиб олар, гоҳ Адҳам Собировичнинг оғзидан бирор топшириқ чиқармикин, деб ёнида қўл қовуштириб турарди.

Аламзада онанинг кўнгли ҳеч нарсани истамасди. Эрининг мансабга миниши ҳам уни қизиктирмади. Бу янгиликка аҳамият ҳам бермади. Фарзандининг хаёли или яшарди. Назаридә, ўғли үлмагандек, бугун-эрта эшикдан кириб келадигандек туюлаверарди. Кечалари ухлаётларди. Киприклари юмилиши биланоқ боласининг сиймоси кўз ўнгидә жонланарди. Ташқарига чиқса, фарзандини кўрадигандек... Ушанда ўғлининг тобутини очишларини, сўнгги бор сиймосини бир бора кўришни қаттиқ туриб талаб қилмаганидан қаттиқ пушаймон эди. Ахир жигаргўшасини охиратга кузатиш асносида шундай қилса ва буни талаб қилса бўларди-ку?! Осмон узилиб ерга тушмасди-ку?! Майли эди боласининг қўл-оёқлари бўлмаса, майли эди бошини танкларнинг темир филдираклари мажаклаб кетган бўлса. Майли эди ёв кўзларини ўйиб олган бўлса. Буларнинг барига чидарди. Бугунгидек қалби изтиробларда эзилиб, тақдир бошига солган қаро кунлардан озор чекиб, бағритошлиқ қилган душманларнинг жафосига ҳам кўнікарди. Надоматлар, аффуслар чекмасди. Бир маротаба фарзандининг чириб, қўланса ис уфуриб турған, аммо ўзи учун дунёдаги барча ҳидлардан ҳам тотли, ёқимли бўлган исини исқаб, жасади устида фарёд чекиб, ўпкаси тўлгунча

йифлаб, күнглини бүшатиб олган бўларди-ку. Она уйида танҳо қолган пайтларида шу ҳакда ўйларди. Ўз қисматидан, бахти қаролигидан нолиб, юзларини тирноқлари билан юмдалаб ташлагудек афғон чекарди. Юқоридан «очилмасин» деб буйруқ берган кимсаларнинг ҳам онаси бордир?! Она ва фарзанд қадрини билишар. Ахир уларни ҳам она туққан, она камолга етказган-ку? Нега бундай қилишди? Нега дорилбақога кетаётган жигаргўшасининг дийдорини кўришдан уни маҳрум қилишди? Она бу ҳакда қанчалик ўйламасин, ўйининг тубига етолмасди. Ўглининг жасадини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилгандагина бу изтироб ва қийноқлар азобида юрак-бағри тилка-пора бўлиб қийналмасди. Ёлғизгина жигаргўшасидан айрилган она бундай мудҳищ хаёллардан қутулиб, тақдирнинг аччиқ қисматига кўнишиб кетармиди? Онанинг узун хаёллари чек-чегарасиз эди. Дард-аламдан чўғ бўлиб ёнаётган багрини ўглининг ҳали совуб улгурмаган қабрига босиб совутарди. Бошқалар тақдирга тан бериб кетиши мумкин бўлган ҳолга сира ҳам кўна олмасди.

У ўзгаларга айтиш учун сўз топилмайдиган оғир изтиробларни бошидан кечираётган бир пайтда Зулайҳо ҳам ундан баттар қийноқ ва уқубатларни ўз бошидан ўтказарди. Қиз кўз ёшларини ичига ютиб йиғларди. Бир ҳафтадаёқ худди бемордек юзлари саргайиб, кўзлари олайиб, озиб-тўзиб кетди. Бирор билан ҳасратлашолмаганидан, кўпчилик олдида кўз ёш тўкиб, юрагини бүшатиб ололмаганлигидан кейин шундай бўларкан-да. Зулайҳони унаштириб қўйишганди. Санжар ҳарбий хизматга жўнашига бир ой қолганда нон синдиришганди. Ўглим ҳарбийда хотир-жам юрсин, кўнгли бузилмасин, деб она қизнинг уйига совчи бўлиб бориб, оқлик олиб қайтганди.

Зулайҳонинг ҳам Санжарда кўнгли бор эди. Бир мактабда ўқишгани учун бир-бирларини яхши

билишарди. Санжарнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитиб, нақ бўлмаса эси оғиб қолаёзди. Ўша куни у дугоналари қатори далада эди. Шум хабар қишлоқдан бир неча чақирим олисда бўлган пахтазорга ҳам қуш мисоли қанот қоқиб етиб борди. Зулайҳо дугоналари билан тушлик қилаётганда бу ерга иш ҳақи олиб келган хазиначидан шум хабарни эшиитди. Эшиитдию, турган жойида музлаб қолди. Ўша кеча қалби садпора булиб, ёстиқни қучоқлаб, ҳўнгхўнг йиглаб тонг оттирди. Овозини ҳам, кўз ёшларини ҳам ёстиқ ютди. Товушини на онаси, на отаси эшиитди. Бир ўзи йиглади. Эрталаб кўзлари қизариб ўрнидан турди-да, индамай далага жунади. Йўл-йўлакай севгилисинг руҳига Қуръон тиловат қилиш мақса-дидаги қабристонга бурилди. Нам тупроқка ўтириб, юрагининг тубидан вулқондек отилиб келаётган фарёдни зўрға босиб, Тангридан висолни охиратга қолдириб кетган йигитининг жойи жаннатда бўлишини ёлвориб сўради. Илтижолар қилди. Санжарнинг қабрига мармар ёдгорлик ўрнатилган куни у мана шу ёдгорлик остига бир қучоқ гул келтириб қўйди. Мармарга ҳарбий кийимда суратга тушган суюкли ёрининг сурати чизилганди. Кўксидаги «Қизил юл-дуз» ордени негадир каттароқ ишланганди. Зулайҳо суратни бироз хиралаштириб қўйган чанг-фуборни кўйлагининг бари билан артиб тозалаб қўйди.

Каромат опа бир ойдаёқ озиб-тўзиб, эти устиконига ёпишиб қолди. Ўтган кунлар унинг дардига малҳам бўлолмади. Онаизор фарзандини баттар соғинар, расмини рўпарасига қўйиб, унсиз бўзлар, кун аро унинг қабрига чиқиб, юрагини бўшатиб қайтарди. Адҳам Собирович эса ўғлини унуганди. Уни эслаш учун вақт ҳам тополмасди. Ҳамон табриклаш учун таниш-билишлари келиб, гоҳ зиёфатга олиб кетишар, гоҳ уйларига меҳмонга таклиф қилишарди. Янги прокурорнинг вақти месҳмондорчиликда, айш-ишратда ўтарди. Шу боис

фарзандини бир бора бұлса-да, ёдга олишга вакт тополмасди. Аниқроги юракка ғам-андуҳ соладиган воқеани эслашнинг нима кераги бор, деб үйларди. Кутылмаганда прокурор аёлини озиб-тұзид бораёт-ганини пайқаб қолди.

- Бас энди, ҳадеб сиқилаверишнинг фойдаси йүқ. Бунақада касал бұлып қоласан-ку. Худога шукр қил, үғлингнинг үлиги бизга обру келтирди. Номимизни юртга танитди. Агар у тирик қайтганда мен бундай юқори амалга күтарила олмасдим.

- Санжар үлмаган! Назаримда, у тирик. Қачондир «она, мен қайтдим!», деб уйга кириб келадигандек, юрагим сезяпти. Кечалари тушимда аён бұляпти, - баттар күз ёш тұкарди шүрлик она.

- Иримчилигин қолмади-қолмади-да, - хотинини койирди прокурор. - Бундай гапларни бегоналар олдидә айта күрма. Менинг обруйимга путур етади. “Прокурорнинг хотини иримчи экан”, дәб устимдан ёзишлари мүмкін. Ҳа, айтмоқчи, құшни қишлоқдаги Тоир тегирмончининг үғли Зайниддин афғондан қайтибди. Ярамас бола чиққан экан, ота-онасининг юзини ерга қаратиб, районимизни иттифокқа шарманда қилди.

Каромат ёшли күзларини әрига тикди.

- Тинчликми, районни шарманда қиласында қыладиган нима гунох қилибди?

- Болалигіда ҳам баттарин әди. Армияда ҳам шу одатини ташламабди. Душманлар томонға үтиб, жосусулық қылған экан, қисталоқ!

- Шу холосми?

- Нима, шу холосми? Биласанми, бундайлар Ватан хоини ҳисобланади. Сталин даврида улар бир умрга Сибирга бадарға қилинган! Ҳозир ҳам үша сотқынларнинг фарзандларини давлат дурустросқ ишга құймайды. Назоратда туришади, назоратда!

- Вой үлмасам, энди уни қамашадими?

- Қамаш ҳам гапми? Уруғ-аймогигача давлат назоратида бўлади. Москвадан хат келишини кутяп-

миз. Агар жосуслиги тасдиқланса, ўша соатда ёқ уни қамоққа оламиз! Ҳозир кузатувда. Худога шукр қил, боланг ўшанга ўхшаб Ватанга хоинлик қилганда бошимиз мусибатдан чиқмасди. Ҳамма қўлини бигиз қилиб, бизни «бу жосуснинг ота-онаси», деб кўрсатарди. Ўлгунимизча бошимиз маломатдан чиқмай, элнинг кўзига тик қарай олмай ўтардик. Сен ўғлингни ўша ерда ўлганига ҳам хурсанд бўлавер. Ўлганда ҳам бизга шон-шуҳрат келтириб ўлди. - Адҳам Собирович хотинига яна бир бор қаради-да, эшик томон йўналди. Икки қадам босиб, ортига ўгирилди.

- Мабодо тегирмончининг хотинини кўча-кўйда кўрсанг сўрашмагин. Уйга келса киритмагин!

Каромат индамади. Эгнига чарм куртка, бошига чарм шапка, қўлтиғига қора чарм портфель қистирган эрининг ортидан қараб, “Армияга иккиси бир кунда жўнаганди. Санжарим хатида бирга хизмат қилаяпмиз”, деб ёзганди. Ўғлимга нима бўлганлигини балки у билар», деган ўй хаёлига келди, бироқ турмуш ўртоғига гап тегиб қолишини ўйлаб, жосуснинг уйига боришига ботинолмади.

Афғонистонга хизмат бурчини ўтагани кетган йигитларнинг ҳаммаси қайтди. Зайниддин шерикларидан уч ой кечикиб келди. Негалигини кўпчилик билмади. Отаси ҳарбий комиссариатга чақирилганидан сўнг бунинг сабаби ошкор бўлди. Давлат хавфсизлик комитети ходимлари Зайниддин ўқиган мактабга келишди. Ўқитувчилардан у ҳақда сўраб-сuriштиришди. Бирорта ўқитувчи у ҳақда ёмон гап айтмади.

Зайниддин тўғрисида гап-сўзлар шу даражада болалаб кетдики, уларни эшитган одам ёқасини ушламасдан иложи йўқ эди. Бирор уни душманларга қурол-аслаҳа омборини очиб берган, деса, бошқа бирор шерикларини душман пистирмасига рўпара қилиб ўқса тутиб берибди, дерди. Гап-сўзлар одамларнинг ёдидан кўтарилимаган бир пайтда унинг

Ўзи кишлоқка кириб келди. Бир оёгининг оқсоқлигини хисобга олмаганда, соғ-саломат эди. Зайниддин душманлар құлиға асир тушганлигини, уч-тұрт ой уларнинг лагерьида бұлғанлигини, уч-тұртта оғайниси билан ярим тунда қочиб, үзларининг қысмига етиб келғанлигини, сұнгра Москвада даволанғанлигини яширмади. Лекин бу гапларға кимдир ишонди, кимдир ишонмади. Қишлоқ одамлари душманга асир тушган бу йигитта бошқача нигоҳ билан бокишаради. Мана шу йигитдан күтилмаганда Зулайхога совчи келди. Қиз бу хабарни әшитиб, худди чаён чаққандек сапчиб тушди.

- Нима, менинг тенгим Ватан хоиними?! Умримнинг охиригача бошим халқнинг тавқи-лаънатидан чиқмаслиги керакми? Болаларим жосуснинг фарзанди, деган номни олиб катта бўлишсеними? Мохов бўлса, кўр бўлса, майли рози бўлай, аммо Ватанинни сотган хоинга икки дунёда турмушга чиқмайман! - деди қиз онасига.

- Асирга түшса нима қилибди, қизим? - юпатарди она. - Ахир урушда нималар бўлмайди. Худога шукур, етти мучаси саломат қайтиб келди. Бинойидек юрибди. Ёмон йигит эмас. Ўзимизнинг қишлоқнинг боласи, кўз олдимиизда катта бўлган.

- Эна, сиз давлат асирга тушган одамга қандай муносабатда бўлишини билмайсиз. Биз китобларда ўқиганмиз, киноларда кўрганмиз, жосуслар уз юртларида ҳам тинч юришмайди. Уларнинг халқ ва юрт олдида тиллари қисиқ. Душман уларни бежиз уйига қўйиб юбормайди. Мўмин-қобил бўлиб юришгани билан жосуслик қилишлари мумкин. Ҳукуматнинг сирларидан воқиф бўлиб, яширинча уларга хабар етказиб туриши мумкин. Шунинг учун давлат уларга ишонмайди, ҳамиша назорат остида, кузатувда юришади!

- Эй, қизим, қайдаги гапларни топиб айтасан-да. Сен айтган замонлар ўтиб кетган! Зайниддин Гитлерга хизмат қилғанмидики, Ватанини сотган

бўлса?! Ахир, у ёғонда бир гуруҳ жангарилар билан курашган. Жангариларнинг ватани бўлмайди. Улар халқ душмани.

- Кўчада одамларнинг гап-сўзларини эшитдингизми? Ҳеч ким Зайниддин ҳакида яхши гап айтмаяпти, - ўз фикрини онасига тушунтиролмаганидан хуноб бўларди қиз. - Ёш болалар ҳам уни Ватан хоинига чиқариб қўйган. Келиб-келиб мени шу йигитга раво кўраётганингизга чидамаяпман-да, эна? Ундан кўра эрга тегмай, ҳур ўтганим дуруст эмасми?

Зулайҳо юзини чанглаб йиглаб юборди.

Шундан сўнг она бу тўғрида оғиз очмади. Келган совчиларга, «ўзлари учрашишсин, гаплашишсин, қизим рози бўлса, менинг қаршилигим йўқ», деган жавобни қилди. Зайниддин қизнинг йўлини пойлашга тушди. Совчиларнинг айтган жавоби бир ҳисобда унга ҳам маъқул туюлганди. Зулайҳо эса йигитдан ўзини олиб қочарди. Ҳатто юзма-юз келишни ҳам истамасди. Ниҳоят улар учрашдилар. Бодом гули тўқилиб турган торгина кўчада, шом оралиғида юзма-юз келишди.

- Сиз мен тўғримдаги ҳар хил гап-сўзларга ишониб юрибсиз, - деди Зайниддин. - Аслида мен одамлар ўйлагандек хоин эмасман. Жангарилар қўлига асир тушганим чин. Шароит шуни тақозо қилганди. Биз ўнта разведкачи жангарилар жойлашган зонани аниқлаш мақсадида тунда йўлга чиқдик. Санжар ҳам биз билан эди. Қишлоққа яқинлашганимизда душман қўйган пистирмага тушиб қолдик. Отишма бошланди. Жангарилар ҳар томондан бизни ўраб олишди. Чекинишнинг иложи йўқ эди. Командиримиз Виталий Иванович Богатирёв бизни ҳимоя қиласман деб ўзини ўққа тутиб берди, - Зайниддин ярадор командирига ёрдам бериш мақсадида уни пастликка олиб тушаётганда тошлар орасига яширинаётган Санжарни кўриб қолганини айтгиси келдию, негадир оғиз очишни лозим топмади. - Отишма узоқ давом этди. Жангарилар бизни тўрт томондан

қисиб кела бошлади. Үқларимиз тугаганди. Виталий Иванович үлим билан олишиб ётарди. Унинг ёнида қўмондонликдан келган ўта муҳим махфий ҳужжатлар бор эди. Уларни менга бериб: «Буларни ишончли ерга яшир. Агар омон қолсанг, қисм командирига топшири, зинҳор душман қўлига туша кўрмасин», - деди командирим үлими олдидан. Мен ҳужжатларни харсангтош остига яширишга улгурдим. Жангарилар келиб, командиримнинг ён чўнтакларини титди. Ҳеч нарса топишолмагач отиб ташлашди. Менинг эса қўлларимни қайириб, кўзларимни боғлаб шерикларим билан бирга номаълум томонга ҳайдаб кетишиди. Икки соатдан кўпроқ йўл юрдик. Ниҳоят чодирлар тикилган яйловга келдик. Бизни турки-таровати совуқ соқолли одамнинг қўлига топширишиди. У бизларни ўз томонига оғдиришга, аскарларимизга қарши жанг қилишга ундади. Катта бойликлар ваъда қилди. Аммо таклифни рад этдик. Шундан кейин жангарилар бизни зинданга ташлашди. Олти ой ер остида яшадик. Кейин бизни тошдан ясалган уйга қамашди. Ҳаммамиз қочиши үйлардик. Виталий Иванович менга топширган ҳужжатларни үйлардим. Балки бу ҳужжатлар давлат аҳамиятга эгадир? Қисм ҳақидаги махфий маълумотлардир? Мен бошимни қотираётган мана шу саволларга жавоб топишни үйлардим. Уни тошлар остида қолиб кетишидан, душманлар қўлига тушиб қолишидан қўрқардим. Ниҳоят, бу ҳақда шерикларимга айтдим. Улар менинг сўзимни эшитиб, ҳайрон қолишиди. Нега бу ҳақда бизга илгарироқ айтмадинг, деб хафа ҳам булишиди. Грузин дўстим Дарасели мени тезроқ зиндан қочириш тўғрисида үйларди. Иккинчи дўстим ригалик Ионас Мажелайтис жангарилар билан тиллашиб қолди. Куни билан уларнинг хизматини қиласди. Дарасели иккимиз ундан шубҳалана бошладик. Мен яширган ҳужжат ҳақида жангариларга айтиб қўйса-я, деган хавотир бизни азобларди. Ӯша куни у бизга нон-сув олиб келди-да, «портлаш содир булиши биланоқ бу

ердан қочинглар», деб қулоғимизга шипшитиб кетди. Ҳақиқатан ҳам, ярим тунда гумбурлаган овоздан уйғониб кетдик. Қий-чув күтарилиді. Тұс-тұполондан фойдаланиб, Дарапели иккимиз қамоқдан қочдик. Бизни ҳеч ким құвмади, изимиизга ҳам түшмади. Ярим йұлға борганимизда Йонас Мажелайтесні эслаб колдик. Маълум булишича, у бизнинг қочишимиз учун имконият яратиш мақсадида белига граната боғлаб, душманлар ётган чодирни портлатиб юборган экан. Икки күн тинимсиз йўл босиб, Гурам иккимиз ўз қисмимизга етиб келдик. Йўлда командирим Богатирёв томонидан берилган ҳужжатларни яширган жойимдан олиб келгандим. Шу ҳужжат бизнинг жонимизга оро кирди. Қисм командири Ушаков катта миннатдорчилик билдири. Бу пайтда қисмимиз Афғонистондан чиқиб кетиш тұғрисида буйруқ олганди. Душманга асир тушган чоғларимиз кимлардир бизни «Ватанга хиёнат қилди, жангарилар томонга үтиб кетибди», деган гап-сұзларни тарқатышкан. Шунинг учун бу ерда менинг шахсимни текшириш ишлари билан шуғулланишган. Зиндонда ётиб, соғлиғимизга зиён етганди. Қисм командири Гурам иккимизни Москвага жұнатди. Ҳарбий госпиталда уч ойдан күпроқ даволандик. Соғайиб кетганимдан сұңг уйимга кетишга рухсат беришди, - ниҳоят ҳикоясини яқунлади Зайниддин.

- Санжар акам-чи, унга нима бўлди? - бу сұз Зулайхонинг оғзидан ўзи сезмаган ҳолда чиқиб кетди. Зайниддин отишма чоғида кўрқоқлик қилиб, ўз жонини сақлаш мақсадида тошлар орасига яшириниб олганлиги тұғрисида билсада, унинг кейинги тақдиридан бехабар эди.

- Отишма пайтида мен уни йўқотиб қўйдим, - деди Зайниддин қиздан ҳақиқатни яширишга уриниб.  
- Балки у ҳам душманлар ўқига учиб ҳалок бўлган-дир.

Қизнинг назарida Санжар ҳеч қандай жасорат кўрсатмагандек, Зайниддин эса ўзини қаҳрамон деб

ҳисоблаётгандек туюлди ва бундан гаши ҳам келди.

- Барибир сиз жангариларга асир тушгансиз! - нима дейишини билмай гап қотди қиз. - Агар ҳақиқий жангчи бүлганингизда қўлга тушмаган, Ватанга хиёнат қилмаган бўлардингиз!

- Ундай дейишга ҳаққингиз йўқ. Мен туғилиб ўғсан юртимга, халқимга хиёнат қилмадим. Агар асирикдан қочмаганимда, юртимни сотганимда бу ерга қайтиб келмасдим! Ҳарбий билетим ҳам, виждоним ҳам пок. Ватанини бу қадар севмаганимда, унга талпинмаганимда ўша жангариларнинг катта-катта бойликларига учиб, қолиб кетган бўлардим.

Зулайҳонинг юраги Зайниддиннинг рост сўзлаётганини кеч бўлсада сезди. Аммо одамлар-чи? Қишлоқ аҳлини «Зайниддин хоин эмас», деб ишонтириб бўладими?

Қизнинг кўз олдига Санжар келди. У ҳам душманлар қўлига асир тушганда нима бўларди? Пешонасига «хоин» деган тамгани ёпишириб, қаро юз билан қишлоқка қайтиб келармиди? Ўшанда ҳам қиз севармиди уни? Севгилим келди, деб йўлларига гул кўтариб чиқармиди? Миясига яшин мисоли урилган бу саволдан Зулайҳонинг бадани худди электр токи ургандек жимиirlаб кетди. Ахир, уруш ўз номи билан урушда.

- Умид қилсан бўладими, Зулайҳо? - йигит ўртага чўккан жимжитликни бузиб сўради. Қиз бошини кўтарди. Унинг шаҳло қўзлари ёшга тўлганди.

- Кутманг, мен ўзининг ширин жонини Ватани учун, дўстлари учун фидо қилган мард жангчининг содик, вафодор севгилиси бўлиб қолишни истайман!

\* \* \*

Одамлари унга Зайниддиннинг Зулайҳо билан учрашгани ҳақида хабар етказиши. Бундан Адҳам Собировичнинг сочи тикка бўлиб кетди. Нима қилганда ҳам нон синдириб, қуда-андада бўлиб, ўғлига унаштириб қўйилган қизни жосус билан учрашиши

прокурорга алам қилди. Ўша куниёқ иккита милиционерга Тоир тегирмончи билан маҳалла оқсоқолини зудлик билан идорага етказиб келишни буюрди. Адҳам Собирович юзига заҳарханда қиёфа берип, уларни кутиб олди. Ҳатто ўтиришга ҳам ижозат бермади.

- Ўша ерда турларинг! - деди қовоқ-тумшуғини осилтириб. Саломлашиш учун қўлларини чўзиб келаётган икки қария худди оч бўрига дуч келиб қолгандек жойларида қотиб қолишиди.

- Сен чол қанақа парзанд тарбиялагансан? - кутилмаганда заҳрини сочди прокурор Тоир тегирмончига ичкилиқдан қизариб кетган кўзларини ўқдек қадаб. - Боланг туманин итпоққа шарманда қилди. Бошимиззи кўтаролмай юриппиз. Қайси йигилишга борсам, сенинг жосус улинг тўғрисида гап қайнайди. Менга тинчлик борми ўзи? Мен ҳам бошимми кўтариш юраманми? Шундай парзанд ўстиргандан кўра ўлганинг апзалмасми? Қилғилиқни қилипди, пўх ермиди қишлоққа қайтип! Ундан кўра ўша ит танимайдиган ерда ўлип кетгани яхши эди!

- Сиз янглашдингиз Адҳамжон, - деди қария прокурорнинг ноҳақ гапларидан асабийлашиб. - Боламнинг жосуслиги исботланмаган. Военкоматдагилар болангизнинг гуноҳи йўқ деб айтишиди.

- Боланг жосуслик қилган-қилмаганини мен биламанми, улар биладими? - Прокурор стол устидаги бир тахлам қоғозлар устига мушт урди. - Мана, менинг қўлимда қанчадан-қанча улингни Афгонда нима ишлар қилганлиги тўғрисида ҳужжатлар тахланип ётипди. Ишонмасанг, ўзинг ўқип кўр!

Шундан қейин қариянинг тили айланмай қолди. Прокурор энди заҳрини маҳалла оқсоқолига сочди.

- Агар бирорта гап-сўз чиқса, шу бола ножуя қадам ташлайдиган бўлса биринчи навбатда сени қамайман. Умринг турмада ўтади. Кўзингни оч. Жосуснинг ҳар бир қадами учун биринчи галда сен жавоп берасан! - прокурор бақириб-чақириб юрагини

бироз бүшатиб олди. Гап тамом дегандек яна столни муштлади.

## ХАЗИНА ДАРДИДА

Үша тун қабристон қоровули Шермат аканинг кўзидан уйқу қочганди. Эрталаб прокурорнинг одамлари келиб, қаҳрамоннинг қабрини зиёрат қилиш учун пойтахтдан меҳмонлар келишини айтиб кетишганди. Кария тушлик қилиши ҳам унутиб, қабристонни супуриб-сидирди. Йўлаклардаги ўт-ўланларни кетмон билан қирди. Ҳамма ёқни ёғ тушса ялагудек тозалади. Қаҳрамоннинг мармарга ишланган расмини ўн маротабадаи қўпроқ артди. Қабр тепасидан ўсиб чиқкан бир дона ҳам гиёҳ қолмади. Прокурорнинг одамлари келтирган бир даста гулларни ўзи мармар плита ёнига қўйиб чиқди. Яқин ўртада қабристон бу қадар тозаланмаганди. Қоровул ҳамма ишларни кўнгилдагидек бажардию, аммо меҳмонлардан дарак бўлмади. Куёш ботиб, қоронгулик чўккандан кейин Шермат аканинг ҳафсаласи пир бўлди. Қоровулхонага кириб, қумfonда қайнатилган чойдан босиб-босиб ичди. Қорнини тўйғазиб, чопонини ёстиқ қилиб ёнбошлади. Чарчаб-толиққан эди, кўзлари юмилди. Қанча ухлади, ўзи билмайди. Ваҳимали тушлар кўриб, уйғониб кетди. Кўзини очдию, дарахт шохи орасидан мўралаб турган ойга тикилиб бир муддат ўй суриб ётди. Ҳадеганда уйқуси келавермади. Ўрнидан туришга эринди. Ҳали тун яrim бўлмаганди. Бир пайт қабристон этагидан гўнфир-гўнфир овоз келди. Шермат ака сергак тортди. Ёстиқдан бошини кутариб, очиқ турган эшикдан ташқарига қаради. Паст-баланд қабрлар орасидан ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Кария вужудини қулоққа айлантириб, тинглади. Овоз ҳақиқатан ҳам қабристон этагидан келаётганига ишонч ҳосил қилгач, ўрнидан турди. Қўлига таёғини олиб, қабрлар оралаб этакка тушди. Бу орада овоз келган томондан чироқ

шуъласи ҳам кўринганди. Санжарбекнинг қабри тепасида уч-тўрт киши туарди. Кўлларида фонар. Қария уларни кўриб, айтилган нозик меҳмонлар келибди-да, деган фикр хаёлига келди. Қария уларга яқин борди.

- Ассалому алайкум, келинглар! - Шермат ака улар билан саломлашиш учун қўлини чўзди. Шунда улардан уч нафари ҳарбий кийимдаги одамлар эканлигини курди. Новча киши қоровулнинг қўлидан ушлаб, четга тортди.

- Мен ҳарбий камиссариатданман, ота, - деди у.

- Қаҳрамоннинг қабрини кўргани пойтахтдан меҳмонлар келишган. Қабр ичида ҳақиқатдан ҳам темир тобут борми-йўқми, шуни текширишади. Ўзингиз биласиз, ҳарбийчилик.

- Нима, қабрни очмоқчимисизлар? - ҳайрон бўлди Шермат ака.

- Шундай, ота!

- Ярим тунда-я. Қундуз куни очсаларинг ҳам бўларди-ку?

- Гап-суз кўпаймасин деймиизда, ота. Қолаверса, бизда интизом шунаقا, одамларда ҳукуматга нисбатан норозилик уйғонмаслиги лозим!

- Ҳукуматчилик, тушунаман. Ахир биз ҳам ҳарбийда бўлганмиз, ўғлим, - деди қоровул бошини чайқаб.

- Бизга кетмон билан белқурак берсангиз!

Қария ортига қайтди. Қоровулхонадан иккита кетмон ва иккита белқурак олиб келди.

Ҳарбий одам қоровулни яна четга тортди.

- Сиз жойингизга бориб, дамингизни олаверинг, ота. Бу ёфини ўзимиз тўғрилаймиз.

- Ёрдам берай!

- Йигитларнинг ўзлари уddyалашади.

- Ҳай, майли, ҳарбийларнинг ишига аралашиб бўлармиди, ўғлим. Бирор ёрдам керак бўлса тортинмай чақираверларинг!

Ҳарбий тасдиқ маъносида бош иргаб қўйди.

Кария құналғаси томон юрди.

Икки йигит кетмөнни құлға олиб, тупрокни ирги-тишга түшди. Улар тез ва чаққон ишлашди. Ҳаш-паш дегунча қабрни очиб ташлашди. Қосим Зайтуллаевичнинг хаёли үзидә эмасди. Ҳаяжондан вужуди титрарди. Күз олдидан бундан икки йил аввал Афғонистон тупроғида бўлиб ўтган ўша воқени ўтказарди.

Душман жойлашган обьектни аниқлаш учун жұнатылған ўн нафар разведкачининг изидан боришганди. Улар икки кун аввал жұнаб кетишган, лекин ҳозиргача бедарак, алоқа узилганди. Полковникни ҳаяжон босарди. Құмандонлик вакти-вакти билан жавоб кутар, разведкачиларнинг тақдиди билан қизиқарди. Нихоят, юқорининг топшириги билан полковникнинг ўзи ўн чоғли йигитни олиб разведкачилар изидан боришга мажбур бўлганди. Богатирев ўз одамларини айтилған координат бўйича олиб кетганди. Шу сабабли уларнинг изини топиш қийин кечмади. Кишлокқа етмасдан бир неча ўн чақирим масофа нарида Қосим Зайтуллаевич аскарларнинг жасадига дуч келди. Полковник мурдаларни тўплашга буйруқ берди. Тўрт аскарнинг жасади куринмади. Уларни тополмадилар. Мурдаларнинг айримларини таниб бўлмасди. Уларнинг кийимлари ечиб олинган, ялангоч ҳолда ётишарди. Қалхатлар, тоғ бургутлари осмонда айланиб, жасадлар олдига тушишга юраклари бетламай, улкан қанотларини ёйиб, доира ясаб, хавф-хатарни билиш мақсадидами ҳар замонда «қағ-қағ»лаган товуш чиқариб қўйишарди. Разведкачилар жасадлар олдидан Санжарнинг ён дафтарчасини топиб олишди. Бироқ аскарлар атроф-теваракни қанчалик излашмасин, унинг жасадини топишолмади. Мурдаларни машинага юклаб ўз қисмларига қайтишди. Санжар ҳам ўлганлар рўйхатига киритилди. Қосим Зайтуллаевичнинг юртига кетиш фурсати яқинлашиб қолганди. Қолаверса, унинг қулогига ҳукумат яқин кунлар ичидаги ўз қўшин-

ларини бу мамлакатдан олиб чиқиб кетишга тайёргарлик кўраётганлиги тўғрисидаги мишишлар чалиниб қолганди. Йирик ҳарбий объектларни чегарага яқин ҳудудларга кўчириш бошлаб юборилганди. Касби тақозосига кўра, полковник жуда кўплаб душман кучлари жойлашган муҳим объектларни аниқлади. Биринчилардан бўлиб, ўз одамларини шу объектларга олиб кирди. Душманларни тор-мор қилди. Ана шундай жангларнинг бирида у қадимий ёдгорликлар сақланадиган давлатга қарашли музейни ўғирлаб кетган жангарилар тўдасини қўлга олди. Отишма чоғида душманлар якson қилинди. Улар олиб қочган катта бойлик қўлга киритилди. Ноёб буюмлар эди. Уларнинг ҳар бири асл нусха бўлиб, узоқ ўтмишдаги одамларнинг буюк санъаткорлигидан дарак берарди. Хазинани давлат ихтиёрига ўзига маълум бўлган жойларга яширди.

Полковникнинг хаёлига Санжарнинг жасади ўрнига мана шу бойликларни жўнатиш фикри келганди. Полковник шундай ҳам қилди. Унинг буйруги билан жасад ўрнига бойликлар ва ўн килограмм героин жойланди. Тобут тепасига «очилмасин», деган белги қўйиб, муҳрлаб ташланди. Бунга ҳам кўнгли тўлмай, одамларидан икки нафарини тобутга қушиб, Ватанга жўнатди. Кузатувчилардан бирини ёнига чақириб:

- Етиб боришинг биланоқ ҳарбий комиссариат бошлигига қўнгироқ қиласан. Тобутни ўша олиб боради. Зинҳор-базинҳор очишга рухсат бермасин, - деб тайинлади.

Йигитлар тобутни олиб боришли. Полковникнинг топшириги бажарилди. Қосим Зайтуллаевич буни ўз кўзи билан кўрмагунча ишонгиси келмади. У Афғонистондан қайтиб келгандан кейин ҳам тобут ичидаги хазиналарни унуполмай юрди. Фурсат топиб, бир неча минг километр олисда бўлган собиқ жангчининг тобути ичидаги хазинани олиш тўғрисида ўйлаб юрди. У Санжарнинг тақдирни билан қизиқдию, бироқ

аниқ маълумот тополмади. Ҳарбий комиссариат бошлиғидан вақти-вақти билан боғланыб, Санжар тўғрисида сўраб турди. Унинг ўлиб кетганига ишонч ҳосил қилгач, Маржонбулоқ қишлоғига келди. Ҳарбий комиссариат бошлиғига юқорининг топшириғи билан жасад ўрнига давлат аҳамиятига эга бўлган буюмлар кўмилганлигини айтди. Олдиндан тайёрлаб келган сохта ҳужжатларни кўрсатди.

- Тобутни ташқарига олайликми, Қосим Зайтуллаевич, - деди ҳарбий йигитлардан бири. Прлковникнинг хаёли бўлинди

- Олинглар! - буюрди Қосим Зайтуллаевич. Йигитлар тобутни тепага олишди. Шундан сўнг Қосим Зайтуллаевич қўлидаги фонар билан тобутни ёритди. Орадан икки йил ўтган бўлса-да, тобут чиримаганди. Йигитлар қўлларига лом ва болта олиб, тобутнинг қопқоғини кўчиришди. Қосим Зайтуллаевичнинг қўлидаги чироқ ёруғи ва болталар товуши тунги сокинликни бузиб, олис-олисларга тарашиб кетарди. Қария бир-икки ўрнидан туриб, ҳарбийларнинг олдига боришга чоғланди. Бироқ кўнгли бўлмади. Йигитлар маҳкамлаб ташланган қопқоғни бир амаллаб кўчиришди. Аммо уни кўтаришга улгуришмади. Каердандир ҳаллослаб участка нозири Шерхон етиб келди. У уйига қайтаётганда, қабристонда ёниб-учиб турган чироқни кўриб қолганди.

- Кимсизлар? Бу ерда нима қиляпсизлар? - деди бир қўлини тўппончанинг филофини очишига шайлаб. У бу одамларни қароқчилар деб хаёл қилганди. Қосим Зайтуллаевич унга яқин келди.

- Сизга ким керак, ўртоқ капитан?

Кутилмаган саволдан нозир довдираб колди. Лекин тезда ўзини қўлга олди.

- Сизлар кимсизлар? Афғонистонда қаҳрамонларча ҳалок бўлган йигитнинг қабрини нега очдиларинг? - деди овозини кўтариб. Қосим Зайтуллаевич ён чўнтагидан гувоҳномасини олиб, капитаннинг кўз олдига яқин келтирди.

- Мен Мудофаа вазирлигидан полковник Қосим Негматулин бўламан, - деди.

Капитан ўзини йўқотиб қўйди. Қаддини гоз тутиб, қўлини пешонасига олиб келди.

- Қишлоқ участка нозири капитан Каттабоев! Халқимизнинг тунги осойишталигини назорат қилиб, ўз постимда хизмат бурчимни адо этмоқдаман, ўртоқ полковник!

- Жуда яхши, ўртоқ капитан. Сезгирилгингиз ҳамда халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашдаги хизматингиз мақтовга лойиқ! Бошлигинизга шахсий ҳужжатингизга ташаккурнома ёзиб қўйишини буюраман.

- Совет Иттифоқига хизмат қиласман, ўртоқ полковник!

- Баркалла, капитан. Ҳозир қоровулнинг олдига бориб у билан суҳбатлашиб туринг. Зарур бўлсангиз сизни чакиртираман.

- Хўп бўлади, ўртоқ полковник!

Каттабоев қўлини пешонасига қўйиб, чест бердилада, ортига ўгрилиб, қоровулхона томон шаҳдам одим ташлаб кетди. Шундан кейин полковник тобутнинг қопқогини кўтаришга йигитларга буйруқ берди. Ой нурида тобут совуқ ялтиради. Четга улоқтириб ташланган мармар плита тупроқ остида қолган, кетмон тегиб, бир чети синиб кетганди. Тобут ичида жасад кўринмасди. Қоп-қора цеплофан идишлар жасадга ўжшаб, узунасига териб қўйилганди. Қосим Негматулиннинг ўзи копларни ташқарига олди. Улар енгил эмасди. Идишдан қандайдир нарсанинг иси уфурарди. Полковник ҳар бир идишни қўлига олганда негадир уни бармоқлари билан мижғилаб кўрди. Унинг юзида бояги ҳадиксирашдан асар ҳам қолмаганди. Лабларида, кўзларида табассум жилва қиласмишларди. Йигитлар полковникнинг буйруғи билан тобутни қайтадан михлашди. Юмалатиб, қабр ичига ташлашди. Қосим Негматулин ёрдамчисига қоровул билан милиционерни чақириб келишни буюрди. Ўзи

тобут ичидан олинган идишларни йўл четида турган УАЗга жойлади. Қоровул билан капитан келишди.

- Ўртоқ полковник, буйруғингизга биноан участка нозири капитан Каттабоев ҳузурингизга етиб келди!

- Баракалла, ўртоқ капитан, сизга жанговар топшириқ. Қабрни кўмиб, ёдгорликни аввалги ҳолатига келтириб қўйишни буюраман.

- Хўп бўлади, ўртоқ полковник!

- Топшириқни бажаринг!

- Есть!

- Яна бир топшириқ, иккингиз бу ердаги ишлар ҳақида оғиз оча кўрманг. Агар бирор кимса билгудек бўлса, иккингизни ҳам давлат сирини фош қилишда айблаб, устингиздан жиноий иш қўзғатаман! Тушунарлимси?!

- Тушунарли, ўртоқ полковник!

Қосим Негматулин қабристондан чиқиб кетди. Қоровул билан участка нозири қабр устига тупроқ тортишди. Мармар ёдгорликни ўрнатишди. Зулайҳо экиб кетган райҳон кўчатлари чанг-тупроққа қоришиб кетганди. Уларни асл ҳолига келтиришнинг иложи бўлмади. Қолаверса, қаҳрамоннинг расми туширилган ёдгорлик кетмон тегиб бир чети синиб тушганди. Ўша бўлакни топиб бўлмади. Шуни ҳисобга олмаганда қабр аввалги ҳолига келтирилганди. Бироқ ўша куни қабристон олдидан ўтган-кетган одамлар бу ердаги гулларнинг ғойиб бўлганлиги ва расмнинг кўчиб тушганлигидан ҳайрон бўлишди.

Бу хабар прокурорга ўзини яхши қўрсатиш учун унинг ҳузурига кунига икки бор қатнаб турадиган раиснинг ҳам қулоғига етиб борди. Янгиликни эшлиши биланоқ қабристонга чопди. Гур атрофидаги райҳонларнинг пайҳон бўлганлигини кўриб, йифлаб юбораётди. Расмнинг кўчиб тушган жойини қўрганда бу «душманлар» иши эканлигини тушунди. Аламдан рўпарасида дилдираб турган коровулни сўкиб кетди.

- Сен тентак чол қаерга қарадинг? Қўзинг қўрмиди, қулоғинг кармиди? Нега қўрпа-тўшагингни гур

тепасига келтириб ётмайсан! Областимизнинг фахри, ифтихори бўлган қаҳрамоннинг қабрига экилган райхону гулларни ўғирлаб, расмини синдириб кетишсаю, сен бехабар қолсанг! Мен ҳурматли Адҳам Собировичга нима деб жавоб бераман? Сенга неча бор ҳушёр бўл, бир туп ҳам гул сўлимасин деп тайинлаганман! Менинг гапларимни унутдингми, нон кўр қилгур?! Сени аллақачон гўрковликдан ҳайдаш керак эди. Эртадан бошлаб далага чиқасан, гўзаларга сув тарайсан. Эшакдай ишлатаман!

Раис яна нималарнидир деб бақирди, бироқ Шермат аканинг «эртадан далага чиқасан», деганда бошидан ақли-ҳуши учиб кетаёзди. «Ўн йилдан бери шу ерда гўр-ковлик қилиб, қариганда далага чиқармиди? Чиқиб бўпти. Тунда келиб, қабрни очган одамларнинг ким-лигини билмайди-да. Айтсам давлат сирини ошкор қилиб қўяман. Далага чиқишдан ҳам оғирроқ жазо олиб, қамалиб кетаман. Мумкин бўлганда-ку, полков-никнинг номини айтсам, раис тугул прокурорининг ҳам оёғи қалтираб қоларди. Эҳ, дунёда шунаقا сирлар кўпми? Наҳотки, ўлган одамнинг қабрини очиш ҳам сир бўлса, буни ошкор қилган одам қамалиб кетса», ҳайрон бўларди қария.

Раис туманга жўнаб кетди. Етиб боргунча прокурорга гапни нимадан бошлаш ҳақида ўйлади. Дабдурустдан ўғлингизнинг қабрини кимдир бузиб, расмини тош отиб синдириб кетибди, деб бўлмайди. Ётиғи билан тушунтириш керак. Акс ҳолда даккидашном эшитиб қолиши мумкин. Бу пайтда прокурор ишхонасида йўқ эди. Коровул уни саунага кетганини айтди. Раис Адҳам Собировични қаерда чўмилишидан хабардор эди. Саунага етиб борди.

- Прокурор шу ердаларми? - суради ҳаммомчидан.
- Щу ердалар, тинчликми?
- Мен келганимни айт!
- Ёнларида одам бор, киролмайман.
- Киравер, мен келганимни айтсанг индамайдилар.

- Нозик меҳмонлари бор-да, - чайналди ҳаммомчи. Раис тушунди. Кутишга түгри келди. У яна гапни нимадан бошлаш түгрисида ўйлай бошлади. Орадан қанча вақт ўтди - раис билмади. Юзи бўғриқиб кетган прокурор саунадан чиқиб келди.

- Тинчликми? - сўради у раисга яқин келиб.

- Гап чиқиб қолди хўжайин!

- Қандай гап?

- Ичкарида гаплашадиган муҳим гап.

Адҳам Собирович ичкарига кирди. Раис унинг изидан эргашди. Прокурор юмшоққина креслога чўкди. Ҳаммомчи чой кўтариб кирди.

- Хўш, нима гап?

- Кеча, шаҳардан олиб келиб, Санжарбекнинг қабри пойига қўйган гулларимни кимдир ўғирлаб кетибди, - деди гапни нимадан бошлашни билмай.

- Бирорта севишганларнинг кўзига яхши кўриниб кетгандирда, - чойдан ҳўплаб деди прокурор. - Меҳмонлардан дарак борми?

- Ҳозирча жимжитлик. Балки бугун келиб қолишар.

- Шаҳарга тушиб, бошқа тул сотиб кела қол.

- Хўжайин, бу бўлғуси келинингиз Зулайҳо эккан райҳонлар ҳам йўқ, кимдир юлиб ташлабди? - қўрқаписа тилга кирди яна раис.

- Ким юлибди? Қоровулнинг кузи қаерда экан, сўрамадингми?

- Сўрадим, хўжайин, у палакат ҳам билмайман деди. Аччиғим чиқиб, эртадан бошлаб ишдан бўшайсан, далага чиқасан дедим. Назаримда, бу ишларни бирорта душманингиз қилган кўринади.

- Каердан билдинг? - прокурор иссикдан каттакатта бўлиб, қизариб кетган кўзларини раисга қадади.

- Чунки, нафақат гуллар, балки ўрнатилган мармар плитанинг ҳам бир чети синган. Бу ишлар атайлаб қилинган! - Адҳам Собирович қўлидаги пиёлани стол устига қўйиб, ўйланиб қолди. Бундан

бир ҳафта муқаддам ҳузурига чақиртирган маҳалла оқсоқоли билан тегирмончи хаёлига келди. “Бу уларнинг иши”, деган гумон яшин тезлигига миясига урилди.

- Бу ишни ким қилган бўлиши мумкин, гумонинг борми? - прокурор атайлаб раисдан сўради. Раис гумон қилинувчини айтди.

- Тегирмончининг ўғли, Зайниддин. Бу ўшанинг иши. Душманга асир тушиб, Ватанга хиёнат қилиб, юртга шарманда бўлди. Ўғлингиз эса Ватанимиз учун жонини фидо килди. Қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бу эса унга алам қилаётган, хўжайин!

Беш-олти йил илгари Зайниддин мактабда ўқиб юрган кезлари ўқувчилар газетасига «Кишлоқда нега стадион йўқ?», деган сарлавҳа остида танқидий мақола ёзиб, раисни уялтирганди. Шундан кейин унинг қалбида ўч олиш ҳисси уйғонди. Қаҳрамоннинг қабридаги гулларни пайҳон қилган, мармарни уриб синдириган мана шу Зайниддин эканлигига прокурорни ишонтириш раис учун осон эди.

- Менинг ҳам шубҳам ўша қизталоқнинг боласидан! Сабаби бир ҳафта илгари отаси билан маҳалла оқсоқолини идорамга чақириб, болангни тартибга чакиргин, у бизни мамлакатга шарманда қилди, деб уришгандим.

- Ҳа, мана кўрдингизми, булар сиздан ўч олиш мақсадида ўғлингизнинг қабрини бузишган, ўрнатилган ёдгорликларни синдиришган, хўжайин! Бу ишни шундай қолдириб бўлмайди. Жазолашингиз керак, иложи бўлса бир-икки йилга қаматиб юборинг. Турмада ўтиrsa ақли киради, ким билан ўйнашганини тушунади!

- Ҳозироқ қамайману, бироқ одамлар мени тўгри тушунмайди-да, Жўрабек! Ўғлининг қабрини бузгани учун қамади, деб таъна қилишади.

Кутимаганда раиснинг хаёлига яна бир воеа келди.

- У Зулайҳонинг йўлини пойлаб юрганмиш. Ҳатто

уйига совчи ҳам жүнатибди. Хабарингиз борми, хұжайин?

Бу гап прокурор учун ҳақоратдек туюлди.

- Паразит, ким билан олишаётганини билмаётгана үхшайди. Чиққан жойига етти буклаб тиқиб қўяман! Итвачча!

- Бу расво душманга асир тушганда наша чекишга урганиб қолган экан, хұжайин. Қишлоқдаги бир-иккита үспириналарни гиёҳга ўргатибди.

- Ростми?

- Үз қулогим билан әшитдим!

- Кимларни? Исмини биласанми?

- Ҳозирча исмини аниқлаганим йўқ, аммо уйида наша борлиги факт.

- Худди кўргандек гапирайпсан, гапинг чинми? - прокурор Жўрабекнинг қув кўзларига боқди. Раис нигоҳини олиб қочди.

- Мелисага айтиб, уйини обиска қилдириш керак!

- Бунинг учун аввал нашани беркитган жойини аниқлаш керак!

- Бу аниқ хұжайин, томига, хашакнинг орасига яширган!

- Эрталаб мелиса жүнатсам уялиб қолмайсанми?

- Нега уялай, хұжайин? Агар астойдил изласа, айтган жойимдан чиқади, - ишонч билан деди раис.

- Бунака ҳунаринг борлигини билмас эканман, Жўрабек! - прокурор жилмайиб қўйди. У раиснинг мақсадини тушуниб етганди. Жўрабек қўлини кўксига босди.

Қабристонда ўғлининг пойига экилган райҳонларни кимдир юлиб, улоқтириб, мармар плитадаги расмини тош билан уриб синдирганини әшитган она қабристонга чопди. “Илоҳим, гап етказганларнинг сўзи ёлғон бўлсин, ёв қўлида қурбон бўлган болагинамнинг қабрини бузибди, деганлар адашган бўлсин», дея кўнглидан шу сўзларни ўтказиб келган она қабр бошига келиб, ҳайкалдек тош қотди. У қўзларига ишонмасди. Ҳақиқатдан ҳам райҳонлар ер

билин битта бўлиб ётарди. Бироз қийшайиб қолган ўғлининг расмини бир чети кучиб тушганди. Она оёқлари қалтираб, юзларининг қони қочган ҳолда ерга ўтириб қолди. Сочлари оқариб кетган, манглайини ажин босган, гам-ғуссали кўзларига ёш тўлиб, ўзини қабр устига ташлаб, йиглаб юборди.

- Шу қаро тупроқ остида сен ётгунча мен ётсам бўлмасмиди, болам! Уйинг куйгур жангариларнинг ўқига сенинг ўрнингга мен дучор бўлсан бўлмасмиди, қарогим! Кимнинг юрагида сенга хусумати бор эдики, пойингга экилган райхонларни топтабди? Қайси баттолнинг сенда қасди бор эдики, расмингни синдириб, руҳингни қақшатиб кетди, полапоним! - она дилига келган сўзларни тилига чиқариб, қаро тупроқни бармоқлари билан мижғилаб, эзғилаб, уввос солиб фарёд чекарди.

Қабрлар оралаб юрган Шермат aka ўзи сезмаган ҳолда ерга бағрини бериб ётган онанинг ёнига яқин келиб қолганди. У ҳам қон йигларди. Кўз ёшларини ичига ютиб, дириллаб турган, қон қочган лабларини тишлаганча бўзларди. Кечак тунда бу ерга келган одамлар ўғлининг қабрини очишганини, райхонларни пайҳон қилиб, Санжарнинг расмини синдириб кетишганини у қай тил билан айтсин? Ахир «Оғзингдан гулласанг қамаласан!», деб кетишмаганмиди? Кифоятнинг Яратганга қилган нолалари қариянинг юрак бағрини ўқдек тешиб юборди-ку. Қани энди қулоқлари кар бўлса, кўзлари басир бўлсаю, унинг фарёдини эшитмаса. Қариянинг сабр-косаси тулди. У енгил томоқ қирди.

- Кифоят, бас қил синглим, қаддингни кўтар. Кўз ўш тўкканинг билан боланг тирилиб келмайди. Дуода бўл, руҳи шод бўлади. Сен ҳар қанча фахрлансанг арзийди. Худога шукрлар қилгилки, боланг мардларча ҳалок бўлди. Ҳалқ болангни ҳеч қачон унутмайди.

Она бошини кутарди. Қаршисида турган гўркоъни кўриб, елкасига сидирилиб тушган рўмолини қайта бошига ўради.

- Чидамаяпман, Шермат ака. Наҳотки, яккаю яго-  
намдан айрилиб қолганим чин бўлса. Кечалари  
тушимда кўриб уйғониб кетаман. Назаримда болажо-  
ним ўлмагандек, қачондир қучогимга қайтиб кела-  
дигандек туюлаверади. Нега ўшанда унинг тобутини  
очишларини қаттиқ талаб қилмадим? Нега унинг  
дийдорини сўнгги бор кўриб қолмадим? Наҳотки  
туқсан онани ўз жигаргўшасини сўнгги бор кўришдан  
бенасиб этсалар? Шуларни эслаганимда юрагим олов  
бўлиб, ёниб кетяпти, вужудим дардсиз оғриқлардан  
эзилиб кетяпти, Шермат ака?

- Сабрли бўл, синглим! Аллоҳнинг иродаси экан,  
кўникамиз-да!

Ортда кимдир томоқ қирди. Шермат ака елкаси  
оша овоз келган томонга юз бурди. Қулидаги бир  
даста гулни бағрига маҳкам босганча раис қабр томон  
келарди.

## КАРАЧИ

Карим Ризо ўзи учун керакли бўлган буюмларни  
уйида унутиб қолдиришга одатланмаганди. Кўчага  
чиқадиган бўлса, албатта, қимматли ҳужжатларини  
темир сандиққа жойлаб, қулфлаб кетарди. Бироқ ўша  
кун нимадир сабаб бўлиб, видеокамерасини стол  
устида қолдирганди. Шабнам отасининг вақти  
келганда ўзи учун асқотиб қоладиган лаҳзаларни  
усталик билан тасвирга туширишидан, сўнгра уларни  
керакли одамларга қиммат пулга сотишидан воқиф  
эди. Видеокамерани кўрганда қизнинг ҳаёлига «отам  
Аффонистонда нималарни суратга олдийкин», деган  
фикр келганди. У кассетани олиб, видеомагнитофонга  
қўйди, сўнг телевизорга улади. Шабнам адашмаганди.  
Экранда тўрт томони тоғ билан ўралган яйлов  
ўртасидаги лагерь, бир-бирлари билан олишаётган  
жангарилар, зиндон остидан тортиб олинган одамни  
дўппослашлари, сўнгра унинг бурнини кесиб, тириклийин  
чуқур ичига кўмиб ташлаганлари жонланди.

Бу ишни уйларига меҳмон бўлиб келган Санжар амалга оширганини кўриб, қиз ҳайрон қолди. Беозоргина кўринган бу йигитнинг қўлидан шундай даҳшатли ишлар келишига ишонгиси келмасди.

Шабнам тасварни томоша қиласа экан, кутилмаганда хаёлига ушбу суратдан бир нусха қўчириб, Томас Бекирга совға қилиш фикри келди. Модомики, сурат Томастга маъқул келиб қолса, Шабнам каттагина сармояга эга бўлиши ҳам мумкин эди. Томас ўзи учун керак бўладиган ҳар қандай «совға» учун пулни аямасди. Қиз Томаснинг телефон рақамини терди.

- Эшитаман! - деган овоз гўшакдан келганда қиз ҳозиргина қалбида вулқондек тўлиб-тошиб кетаётган гапини унутиб, юзи қизариб, дудукланиб қолди.

- Бу менман, жаноб Томас, танидингизми?

- Шабнамхоним, сизни танимай бўладими, азим! Нафас олишингизданоқ сезаман-ку!

- Сиз билан учрашмоқчиман, жаноб.

- Хурсандман, хоним!

- Фақат иккимиз сухбатлашсак, дегандим...

- Мени қувонтирунг!

Юзи қизариб кетган Шабнам сухбатдошининг сўзини бўлди.

- Қаерда кўришсак бўлади?

- Жойни ўзингиз айта қолинг, бир зумда етиб бораман!

- Ҳовлимиздан сал нарироқдаги муюлишда учрашсак.

- Маъқул, ўн беш дақиқада айтилган жойда менинг машинам туради.

Шабнам Покистонга келганда Томас билан учрашганди. Ўзини элчихона ходимиман, деб таништирган ўттиз ёшлардаги қадди-қомати келишган бу йигит Карим Ризонинг хонадонига тез-тез ташриф буюриб, отаси билан соатлаб сухбатлашиб ўтиради. Уларнинг сухбатига Шабнам аралашмаса-да, узук-юлук гаплари гоҳи-гоҳида қулогига чалиниб қоларди. Улар

кўпроқ Афғонистон ва Покистон ҳудудида жойлашган лагерларда жосусликка тайёрланаётган совет астарларининг келажакдаги ишлари хусусида баҳслашишарди. Уларнинг суҳбати қизга қизиқарли туюларди. Бироқ отаси гапга аралашишига йўл қўймасди.

Бир вақтлар Германиянинг ним қоронғу барларидан ярим тунгача йигитлар билан қолиб кетадиган Шабнам Томасни ўзига нисбатан бошқача нигоҳ билан қарашини сезарди. У ўзини беэътибор кўрсатса-да, аслида Томас Бекирни ром этишни ўйларди. Гоҳида чой ёки қаҳва келтирганда, албатта, нозик бармоқларини идишга қўшган ҳолда бир зум ушлаб туриши қиз учун ёқимли туюларди.

Шабнам ёшлигиданоқ йигитларни ортидан эргаштириб юришни хуш кўтарди. Томас шаҳарни томоша қилдиришга уни бир неча бор таклиф қилса-да, қиз уни кўпроқ ялинтиришни истаб, рад этганди. Кўнглини чўқтирмаслик мақсадида ҳар доим «мавриди келиб қолар», деган сўз билан чекланарди. Томас бардошли ва чидамли йигит эди. Қачондир юрагини ишғол этган қора қош, қора кўз бу санамни ўз қармогига илинтиришга, сўнгра ортидан эргашиб юришига ишонарди.

Шабнам тасвирни кассетага кўчириш билан банд бўлиб, беш дақиқа ушланиб қолди. Шошиб айтилган жойга етиб келди. Муюлишда Томаснинг машинаси турарди.

- Мени кечиринг жаноб, ушланиб қолдим, бироқ узрли сабаб билан! - деди машинага ўтирас экан.

- Бекордан бекорга гуноҳ кечирилмайди, хоним, - ёнига ўтирган қизнинг оппоқ қўлчасини ушлаб, лабига босар экан деди Томас.

Шабнам кулиб юбормаслик мақсадида лабларини тишлади. Машина ўрнидан силжиди. Вакт пешиндан ўтиб қолганди. Кўчалар намоздан чиққан одамлар билан гавжум. Бундай пайтларда йўл четида тўхтаб суҳбатлашиш ўнгайсиз. Буни Томас яхши биларди. Машинани шаҳар четига ҳайдади. Пастга

туширилган ойнадан иссик шамол кирап, қизнинг сочларини тортиб, тұзғитарди. Эгнидаги юпқа күйлаги ҳам тепага күтарилиб кетарди. Лорсиллаб турған оппок сонларига күзи тушган Томаснинг юрагида ҳирс үти ёниб кетарди. Машина гавжум күчаларни ортда қолдирди. Сой соҳилидаги ташландик жойга келишганды Томас машинани тұхтатди.

- Бу сизга, - деди Шабнам сумкасидан видеокасетани олиб. - Суратдаги одам ҳозирча бизнинг үйимизда яшамоқда.

- Ким әкан, исмини аниқладингизми?

- Отам Санжар деб таништириди.

- Қаердан ва нима учун келганлигини билдингизми?

- Ҳозирча бу ҳақда ҳеч қандай маълумотта эга әмасман.

- Сизницида яшаётганига неча кун бұлди?

- Кеча келди.

- Наҳотки, бир кун ичида уни ўрганолмаган бұлсангиз, хоним? Зудлик билан аниқлаш керак әди.

- Узр.

Томас Корачаён келганидан бехабар әди. Карим Ризо нега бу ҳақда хабар бермади?

- Санжарни нима мақсадда олиб келганлигини сизга айтдими?

- Ҳозирча ҳеч нарса демадилар!

- У ҳозир нима қиляпти?

- Шаҳарни томоشا қилгани чиқиб кетди.

- Отангиз-чи?

- У киши әрталаб уйдан чиқиб кетгандилар!

- Қаёққа?

- Менга айтмадилар.

- Кассетада нималарнинг тасвири туширилган?

- Ўзингиз күринг, кейин биласиз!

- Яхши, - Томас кассетани орқа ўриндиққа ташлади. - Сизга әрталабгача муҳлат. Санжарни нима мақсадда отангизга әргашиб келганлигини аниқланғ. Имкон қадар у ҳақда күпрөк маълумот олишга

ҳаракат қилинг.

- Тушунарли.
- Ўзингизни ишларингиз қандай, хоним? Бу ерга күниги қолдингизми?

Қиз бошини чайқади.

- Ҳозироқ Германияга кетгим келяпти.

- Нечук?

- Зериқдим.

- Энди зерикмайсиз. Ёнингизда мен бўламан!

Томас қизнинг елкасига қўлини ташлади. Шабнам йигитнинг бақувват билагига бошини қўйди..

- Керак эмас, Томас.

Қизнинг илтимос оҳангидага айтган гапи ҳаяжондан юраги гурсиллаб ураётган Томаснинг қулогига кирмади. У бутун вужуди билан қиз томонга ташланди. Қўлини нозик белидан ўтказиб, иккинчи қўли билан ўриндиқни ётқизгувчи мурватни босди.

Улар кечга яқин ҳориган ҳолда ортга қайтишди. Шабнамнинг юзлари ловуллаб ёнарди. Гуё ичи ағдарилиб-тўнтарилиб кетгандек туюларди

- Қачон учрашамиз? - сўради Шабнам хайрлашишдан олдин.

- Ўзим қўнфироқ қиласман, - жавоб қилди Томас.

- Қўнфироғингизни орзиқиб кутаман!

- Мен айтган топшириқ эсингиздан чиқмасин.

Шабнам ичкарига кирганда отаси ҳали шаҳардан қайтмаганди. Қиз ойна ёнига келди. Бўсалардан шалвираб, буришиб қолган юзини бир зум томоша қилди. Сумкасидан упа билан помада олиб, кўкариб кетган, тиш излари кўриниб қолган жойларга «ишлов» берди. Бу орада Карим Ризо келганди.

- Қизим, бизга чой келтир! - деди ҳоргин овозда. Унинг изидан Қорачаён ҳам ичкари кирди.

Шабнам меҳмонхонага чой олиб кирганда Карим Ризонинг ён чўнтағидаги телефон жиринглаб қолди. Қўнфироқ қилаётган кимса билан меҳмоннинг олдида суҳбатлашиши мумкин эмаслигини билиб, бошқа хонага чиқиб кетди. Қиз пиёлага чой қуйиб, меҳмонга

узатар экан, узун киприкларини пирпиратиб, ўгринча унга нигоҳ ташлаб қўйди. Юз-кўзларидан, қолаверса гапларидан ўз миллатдоши эканлигини сезди. Қора-чаён ҳам ўз навбатида рўпарасидаги ҳурилиқога ўгринча бир-икки қараб қўйдию, аммо унга бир сўз айтишга тили айланмади, аникроғи, қайси тилда мурожаат қилишни билмасди. Қизнинг аллақаери Зулайҳони эслатди. Севгилисини ёдга олганда Қора-чаённинг хаёли олисларда қолган қишлоғи томон кетди. Зулайҳо унинг ўлганлигини эшитган бўлса, бошқа йигиттга турмушга чиқиб кетгандир? Ахир қишлоққа тобут боргандан кейин ишонмасликнинг иложи йўқ-да! Бироқ Қора-чаён қизни бегона йигитга турмушга чиқишига негадир ишонмасди. Хизматни ўтаётган чогида беш-олтита мактуб олганди. Ҳамма хатида «сизни соғиниб кутаман», деб ёзганди.

“Сизни соғиниб кутаман!” Уч калима сўз йигитнинг қулогига қўрғошиндек қуилиб қолган. Жангарилар қўлига асир тушганда, лагерда машғулотлар билан банд бўлган пайтлари уни бирор маротаба эсламади. Асирга тушишдан олдин, гор ичидан чиқиб, дўстларининг жасади олдида ҳужжатларига қўшиб севгилисининг расмини ҳам ташлаб юборганди. Лагерда бирор маротаба бўлсин Зулайҳони ёдга олмади. Эслашга уринмади ҳам. Ўша ердаги шароит шуни тақозо қиласади. Бўш вактнинг ўзи топилмасди. Қолаверса, Сайд Мустафо жаноблари имкон қадар жангариларни ўз она юртларини, таниш-билишларини, ҳатто ота-оналарини эсламасликка даъват этарди. Факат форс тилида сухбатлашишга руҳсат берилганди.

Қора-чаён Карим Ризонинг машинасига ўтириб, лагердан олислаб кетгандан сўнг, ўзини қаёққа ва кимларнинг олдига кетаётганлигидан ҳали бежабар бўлган бир пайтда, йўл азобларини унутиш мақсадида илк бор хиралашиб бораётган ўтмишини ёдга олишга журъат этди. Того тошлар орасида ўз она қишлоғи, маҳалладошлари, таниш-билишлари

қатори Зулайҳо-нинг сиймосини ҳам кўргандек бўлди. У билан ўша оқшомдаги учрашувни хотирлади. Йигит ўзининг титроқ қўллари билан қизнинг майда ўрилган сочларини силади. Уни бағрига тортгиси, қизарган юzlаридан бўса олгиси келардио, аммо юраги бетла-мади. Нега ўшанда кўрқоқлик қилди?! Нега шартта бағрига тортиб, тўйиб-тўйиб упмади? Шу айби учун қиз уни жеркимасди-ку. Шу гуноҳи учун юзига тарсаки тортмасди-ку? Бу ҳозиргача йигитга алам қиласди. Ҳозир шундоқ ёнида ўтирган Шабнамни кўриб, Қорачаённинг қалбида армонга айланиб қолган бўсанинг хумори қайта уйғонганди.

Карим Ризо қош-қовоғидан қор ёғилган ҳолда қайтиб чиқди. Қорачаён қиз узатган чойдан бир-икки хўплам ичган бўлдио, бошлигининг қиёфасини кўриб ҳайрон бўлди. У жойига ўтирап экан, негадир чуқур «уф» тортиди ва қизидан ташқарига чиқиб туришни илтимос қилди. Ҳонада ёлғиз қолишгач, Қорачаёнга юзланди.

- Биз йўлга тушганимиздан кейин кимдир лагерьни портлатиб юборибди, - деди бошини чайқаб. - Ҳаммаёқ ёниб, ўқ-дорилар омбори портлаб кетибди.

Қорачаён сесканиб тушди. Худди қандайдир хавф-хатар уни таъқиб этиб, бу ерга келадигандек туюлди.

- Ким экан ўша абллаҳ? - сўради ҳаяжондан юраги ҳапқириб.

- Ҳозирча кимлиги номаълум, менимча бу ишда шўро разведкасининг қули борга ўхшайди.

- Йигитларимиз-чи, уларга нима бўлибди?

- Бирорта тириги қолмабди.

- Қандай кўргилик, ҳазрат! Балки бу ишни ўзимизнинг ичимиздаги хоинлардан бирортаси қилгандир?

- Бўлиши мумкин эмас. Менга айтишларича, лагердаги йигитларнинг ҳаммаси отиб ташланган. Мурдаларнинг сони ўн тўртта. Ичида бирорта тирик

жон қолмаган. Ҳатто ярадори ҳам йўқ экан. Аниқ биламан, буни шуро разведкаси қилган.

Қорачаённинг хаёлига зинданда қолиб кетган Игорь келди. Бироқ бу иш унинг кўлидан келмайди. Шундай бўлса-да, ўз тахминини айтди.

- Бу ўриснинг иши эмасмикин, ҳазрат?

- Қайси ўриснинг?

- Биз зинданга ташлаган Игорнинг-да!

Карим Ризо бош чайқади. У зинданни ўз кўзи билан кўрган, уч метрлик ўра ичидан қандай қилиб чиқарди? Бунинг устига тепаси темир панжара билан тўсилган бўлса.

- Бу ишни уч-тўртта одам қилган. Улар бизни кўпдан бери кузатиб юрган. Ўша куни йигитларимиз машғулотдан чарчаб-ҳориганлигидан фойдаланиб, ярим тунда бостириб келган бўлиши қерак. Эҳ, эндинина мақсадимизга эришган пайтда бу кўргилик ҳам бормиди? Бир қанча ҳомийларимизнинг каттагина пули кўкка совурилди. Энди мен уларнинг олдида нима деган одам бўлдим, бутам? Ҳар бир йигит учун мен жавобгарман-ку. - Карим Ризо юзини чангллаб, жим қолди.

- Диккат бўлманг, ҳазрат, бу ишда айбингиз йўқ-ку! Қолаверса, биз лагердан чиқиб кетгандан сўнг портлаш содир бўлган.

- Ҳамма гап шунда-да! - Карим Ризо бош чайқади. - Қўнгироқ қилган одам мендан шубҳалангандек бўляпти!

- Йўғ-е, ахир Сайд Мустафо жанобларининг ўзлари бизни кузатиб қўйдилар-ку! Бунга мен гувоҳман!

Карим Ризо меҳмоннинг оқарган юзига тикилди.

Орага жимлик чўкди. Қорачаённинг хаёли яна лагерга кетди. Игорни эслади. Назарида қўпорувчиликни у қилгандек эди. Ҳамма нарсани кутиш мумкин ундан. Жангариларга кутилмаган жойдан зарба бериш йўлларини үйлаб топарди ва бу ишни шундай улдалардики, командирлар ҳам унинг топган

йўлига қойил колишарди. Бирдан ёдига зиндан қопқоғини очик қолдиргани тушди. Бу ҳақда ҳазратга айтгиси келдию, оқибатини ўйлаб тилини тишилади.

Шабнам кирди.

- Сизни Зафар Афғоний афандим сўраяптилар!

Карим Ризо ўрнидан турди.

- Сиз бемалол дам олинг, чарчагансиз, - у меҳмонга шу сўзни айтъб ташкарига чиқиб кетди. Корачаённинг кайфияти тушганди. Тақдири ҳакида ўйлай кетди. Бошлиқлар Карим Ризодан гумонсирашаётган бўлишса, оқибати яхшилик билан тугамайди. Отиб ташлашлари мумкин.

- Исломингизни айтмадингиз? - Шабнамнинг қўнғироқдек овозидан йигит ўзига келди. Қиз меҳмоннинг исмини биларли, атайнин сўраганди. Корачаённинг хаёли тўзғиди. Бошини кўтарди. Ёнида чиройли қиз кошларини чимириб, унга тикилиб турарди.

- Санжар!

- Отам билан бирга ишлайсизми?

- Шундай.

- Ватанингиз қаерда?

Корачаённинг тилига қулф тушди.

Карим Ризо Зафар Афғонийни қучоқ очиб кутиб олди.

- Худонинг қарғишига гирифтор бўлдик, ҳазрат, - деди Карим Ризо йифлагудек бўлиб. - Мен энди сизнинг олдингизда нима деган одам бўлдим? Қайси юз билан раҳнамоларимизнинг кўзига қарайман? Эртага нима деб жавоб бераман? Ахир меҳнатимиз ҳавога учиб кетди-ку! Ҳеч бўлмаганда йигитларимизнинг ярми тирик қолганда ҳам майли эди.

Зафар Афғоний Карим Ризога тасалли беришга, юпатишга ҳаракат қылмади.

- Мен бу ишни шундай қолдирмайман, албатта охирига етаман. Одамларимизни ўлдирган, лагерни портлатган, бизни боримиздан айирган абраҳларни ернинг тагига кирган бўлса ҳам топаман. Улар жазосиз қолмайди!

- Баракалло, ҳазратим, ёнган юрагимга сув сепдингиз. Умидим сиздан. Сиз менинг ягона суюнган тогимсиз. Ҳамиша оғир кунларда коримга ярагансиз.

- Бу ўрисларнинг иши.

Үй эгаси нима дейишини билмай қолди. Жиноят устида қўлга тушган одамга ўхшарди.

- Менинг эштишимча, лагерь зинданнан иккита тутқун яшаган. Улардан бирини ўша куни қийнаб ўлдиргансизлар. Иккинчиси зиндан ичида қолиб кетган, шундайми?!

- Шундай ҳазратим, аммо ундан шубҳаланиш ўринсиз.

- Нечук?

- Зиндан уч қулоч, одам чиқолмайди. Бунинг устига тепасига темир панжара ўрнатилиб, қулфлаб кўйилган!

- Панжарага қулф солинганини кўрганимдингиз?

Карим Ризонинг тили айланмай қолди. Ҳакиқатан, панжарага қулф солинганилигини билмасди. Унинг сукут саклаши меҳмоннинг юрагидаги шубҳани кучайтириди.

- Одамларимизнинг берган маълумотига қараганда, сиз ёнини олаётган ўша ўрис зиндандан қочган!

- А?

- Каёқка ғойиб бўлган бўлиши мумкин? Ўзингиз айтмоқчи бўлгандай уч метр чуқурликдан чикиши мумкин бўлмаган одамга кимдир ёрдам берган, шундайми?

- Ўлимдан хабарим бор, аммо...

- Бизнинг тахминимизча, ана шу рус лагерни портлатган. Одамларимизни ўлдирган. Бирок биз шубҳаланаётган иккинчи одамга кимдир хабар етказган, йигитларимизнинг толиқиб қолганлигидан фойдаланиб, ярим кечада соқчиларни ўлдириб, зиндандан ўрисни чиқариб, иккиси ҳамкорликда лагерни портлатган.

- Астағфуриллоҳ! - Ҳазрат айтган воқеани Карим Ризо кўз олдига келтириб, ҳайратдан ёқасини

тутамлади.

- Сизнингча, ана шу айгоқчига ким хабар етказган булиши мумкин?

Ранги-рўйи оқариб кетган уй эгасининг тили айланмай қолди.

- Биз буни ўрганамиз ва албатта, охирига етиб, жосусни топамиз!

Меҳмон шу сўзларни айтиб, тил учida хайрлашиб, хонадан чиқиб кетди.

Карим Ризо хонага қайтиб кирганда меҳмон Шабнам билан сұхбатлашиб ўтиради. Уни кўриб Корачаённинг юзи қизариб кетди.

- Тинчликми, ҳазрат?

- Тинчлик, бўтам, тинчлик, - Карим Ризо инг хаёли ўзида эмаслигини кўзлари ошкор этиб туради.

## ВАЗИРИСТОН

Зафар Афоний Томас Бекирга қунгироқ қилди ва зудлик билан етиб келишини илтимос қилди. Вакт алламаҳал булиб қолган бўлса-да, Томас қариянинг бекордан-бекорга чақирмаслигини яхши тушунарди. У ярим соат ичидан етиб боришини маълум қилди. Кекса айгоқчининг тинчи бузилганди. Оёғи куйган товук мисоли бир жойда ўтиrolмай типирчиларди. Ўзича Карим Ризонинг сўзларини таҳлил қиласарди. Юз-кўзларидаги ўзгаришлар, сўзларидан чалғиб кетиши назаридан билганларини яшираётгандек туюлди. Ҳаракатлари қарияда шубҳа уйғотди. Ўйлаб-ўйлаб ниҳоят «лагернинг портлатилишида унинг қули бор», деган қарорга келди.

Шубҳа ва гумонларга шу қадар берилиб кетган Афоний эшик қўнгироғи жиринглаганини сезмади. Томас келганди.

- Карим Ризо бизнинг ишончимизни оқламади! - деди меҳмон оstonадан ўтиши биланоқ.

- Бундай фикрга келишингизга асос борми? -

Томас уй эгасининг кўзларига тикилди.

Жосуслар йўлбошчиси Карим Ризо билан бўлиб ўтган сухбатни оқизмай-томизмай айтиб берди.

- Энди у бизга керак эмас, - деди Зафар Афғоний сўзларига якун ясаб. - Зудлик билан ўйиндан чиқаришимиз керак!

- Лекин қўлимизда далил йўқ, ҳазрат!

- Нима, сўзларим далил эмасми ёки ишонмаяпсизми? Мени тўгри тушунинг, азизим. Покистон ва Афғонистонда шўро аскарларини жосусликка тайёрлаш шахсан менинг таклифим билан амалга оширилган. Йигитларни озиқ-овқат, қурол-аслаҳа билан таъминлашга миллионлаб пул сарф қилдим. Мени кечирингу, сиз ва сизнинг бошлиқларингиз бу соҳада ҳозиргача бирор танга ёрдам бергани йўқ. Шундай экан, қўл остимда ишлаётган одамларга ҳар қандай ҳукм чиқаришга ҳаклиман.

- Яхши, таклифингизни ўйлаб қўрамиз, - деди Томас унинг сўзларини диққат билан тинглаб бўлгач.

-Faқат бироз муҳлат беринг.

- Нима, бошлиқларингиз билан маслаҳатлашмоқчимисиз?

Томас Карим Ризодек тажрибали жосусдан айрилиб қолишини истамасди. У йигирма йил сидқидилдан хизмат қилди. Ишлаганда ҳам ёмон ишламади. Топшириқларни бекаму-кўст уddeлади. Гарчи ҳар қандай жосус вақти келиб раҳбарларнинг буйруғи билан йўқотилиши лозим бўлса-да, Карим Ризонинг номи ана шу кора рўйхатга киритилмаганди.

Томас миясига келган фикрдан дили равшан тортиб. Зафар Афғонийга юзланди.

- Балки уни илгари ишлаб юрган НТС ташкилотига қайтарармиз, ҳар ҳолда уни йўқотишдан олдин ўрнига ўринбосар тайёрлаб олсак ёмон бўлмасди.

- Бундан ташвиш чекманг. Ишончли одамларни ўзим топаман. Улар Карим Ризодан яхшироқ хизмат қилишади.

- Таклифингиз ўринли, аммо...

- Гумондор одамга ён босиш - бу сизнинг мағлубиятингиздир! Буни эсингиздаи чиқарманг, Томас! - Зафар Афғоний чўнтағидан бир боғлам доллар олиб, унинг чўнтағига солиб қўйди.

- Яхши, ҳазрат!

Томас уй эгасига бошини эгиб таъзим қилди-да, хонадан чиқиб кетди.

Томас Зафар Афғонийга қандай жавоб кайта-ришни билмай, боши қотиб юрди. Шабнам тухфа қилган видеостасма жонига оро кирди. У тасмани томоша қилганда, қариянинг топшириғига жавоб бериш муаммоси ўз ўзидан ечилди. Корачаённинг дастлабки ҳаракатлари ёқ Томасни мағтун этди. Дўстини қийнаб, азоблаб ўлдириши, худди маст туждек бўкириб, йигитларга топшириқ бериши, бу соҳада бироз шошқалоқлигини ҳисобга олмаганда Томасга ёқди. Карим Ризонинг ўрнини босадиган ўринбосар топилтганидан қувонди.

Томас эрталаб тонг гира-ширасида Афғонийнинг хонадонида пайдо бўлди. Қария унинг бекорга саҳарда ташриф буюрмаганлигини тушунди. Демак, у таклифга рози.

- Қулогим сизда, бутам!.

- Аввал мана бу кассетани биргаликда томоша қилсан.

Томас кассетани уй эгасининг кўлига тутқазди. Зафар Афғоний уни аппаратга солди. Лагердаги мудҳиш воқеани мирикиб кўришди. Корачаённинг ҳаракатлари ҳам Зафар Афғонийга маъқул тушди.

- Менда шу йигитни Карим Ризонинг ўрнига қўйсан, деган таклиф бор, ҳазрат, - деди Томас.

- Назаримда, бироз ёшрок. Ундан кейин шошқалоқлиги бор.

- Камчиликларини тузатиш осон, ҳазрат. Ёни-мизда бир-икки ой юрса, ҳаммасини ўрганади!

- Ҳозир қаерда у?

- Карим Ризонинг хонадонида. Йигитни лагердан ўзи олиб келган экан.

- Нега бу ҳақда мен билмайман? - бироз асабийлашган қария ҳайрон бўлди. - Демак, у бу йигитни биздан яширган. Шубҳаларим тўғрилигига мана энди сиз ҳам ишондингизми, бўтам?

- Тўғриси, мен ҳам бехабар эдим, ҳазрат.

Зафар Афғоний ялт этиб Томасга юзланди.

- Унда кассетани сизга ким берди?

- Шабнам.

- Муносабатингиз яхшими?

Томас қарияни нимага шама қилаётганидан бехабар:

- Ҳар ҳолда ёмон эмас, - дея жилмайиб қўйди.

Қариянинг туксиз қошлари хаёлига келган ўйдан чимирилди. Юрагида уйғонган ғазабни сездирмаслик мақсадида гапни кечаги масалага бурди.

- Топширикни ўйлаб кўрдингизми?

- Албатта!

- Қарорингиз?

- Бажариш!

Карим Ризо ўйда қамалиб ўтиради. Икки кундан бери ҳеч ким қўнғироқ қилмади. Ҳатто Томас ҳам сукутда эди. «Нима бало, мени унутиб қўйишдими? Ҳеч кимга керак бўлмай қолдимми?», деган хавотирли саволлар бошида ари уясидек тўзғирди. Ниҳоят, телефон қўнғироги қулоғига чалинди. Шошиб гўшакни кўтарди.

- Сиз билан маслаҳатлашадиган муҳим гап бор. Тајёр туринг, нозик бир одам билан учрашувга борамиз! - бу Томаснинг овози эди.

- Хизматингизга тайёрман!.

Томас ўн дақиқада айтилган жойга этиб келди. Карим Ризони машинасига ўтқазиб, шаҳардан ташқарига чиқиб кетди.

- Қўнғироқ қилганимни қизингиз билмадими? - сўраб қолди Томас.

- Ўйда ёлгиз ўзим эдим..

- Айни муддао!

Унинг нима мақсадда бундай деганига Карим Ризо

эътибор бермади. Томас айтган одам билан буладиган учрашувни ўйларди. Улар адир ичига кириб боришарди. Томас машинасини икки қоя ўртасида тұхтатди. Атроф-теваракда одам зоти күрінмасди.

- Чекиб олайлик, - Томас пастта тушгач шундай деди.

Машина жар ёқасида туради. Ерни ялаб эсаётган әпкин баданни жунжиктиради. Томас Бекир чұнтағидан сигарета олди ва ундан бир донасини шеригига узатди. Карим Ризо қаёққа кетишаёттанини ҳали билмасди. Сұрашга тили бормади. Томас мириқиб чекди. Карим Ризо атроф-теваракни томоша қилди. Паст-баланд тепаликлар, бу ернинг ўзига хос табиати, гұзаллиги уни мафтун этганди. Атрофға бокиб, күзи қувонди. Беғубор ва тиник ҳаводан түйиб-түйиб нафас олди. Күпдан бери ўзини бугунгидек баҳтиёр ҳис этмаганди. Қечаги ғам-қайғуларни унутганди.

- Идорамизнинг темир қонунига биноан бизга хизмат қилған агентлар ҳеч қачон ўз ажали билан үлишмаган! - Томас ўзидан икки метрлар нарида турған шеригига шундай деди. Бу гап нима мақсадда айттылғанини Карим Ризо тушунмади. - Афсуски, сизнинг пешонанғизга ҳам шу қисмат ёзилған экан!

Карим Ризо шеригига қаради. Қулоқларига чалинган совуқ хабардан турған жойида қотиб қолди. Ранги оқарыб кетганди.

- Тушунмадим, Томас? - Унинг күзлари олайиб кетганди.

Томас бояғи сұзини қайтарди.

- Гуноҳим не?.

- Гуноҳингиз - ўз Ватанингиз ва миллатдошларингизга хиёнат қилиб, уларнинг сир-асрорларидан бизни огоҳ эттанинғиздир! - масхараомуз жилмайиб жавоб қилди Томас.

- Ахир мен... мен фақат сизларга ишладим -ку?

- Шунинг учун жазоланишингиз керак!

- Бундай қилишга ҳаққингиз йүқ! Мен ҳеч кимни

сотмадим, хеч кимга хиёнат ҳам қилмадим.

- Барибир биз сизларга ишонмаймиз, жаноб! Үз халқига, ўз Ватанига хиёнат қилган одам үзгаларга содик дуст бўлолмайди. Қачондир бизни ҳам сотасизлар!

- Менга бундай жазони қулламанг, Томас, раҳмингиз келсин. Бир умр хизматингизни қилай, истасангиз Зальцбургдаги вилламни, банкдаги ўн миллион доллар маблагни сизга инъом этаман!

Томас Бекир ҳакиқатни айтди.

- Вилла аллақачон бошқа агентга ҳадя қилинган. Ўн миллион долларлик чек эса сохта қофоз. Уни банкка олиб борган заҳотингиз полициянинг қўлига тушар-дингиз!

Карим Ризо алданганлигини тушунди ва турган жойида қотиб қолди. Томас тўппончасини қўлига олди. Карим Ризонинг қорамтири юзларида қон қолмади, қўллари билан ёқасини чангллаб, бўйини елкалари орасига қисиб, худди йиртқичдек ола-кула атрофга қаради. Бироқ қўзларига ҳеч нарса кўринмади. Бирдан хаёлига болалигида отасидан эшитган гап келди.

“Ўзим, сендалигимда мен Ватанин тарк этиб, ўзга юртларга чиқиб кетганман. Етмиш йил бегона юртда яшаб, одамларга эл бўлолмадим. Менинг келгиндилигимни ҳамиша юзимга солишди. Ўзим олдидан биргина армоним - Ватанимнинг жамолини кўрсам, ирмоқларидан бир ҳовуч сув ичсам, чангу губорларига баданимни ювсам, сўнг ўлсам, жасадим охиратгача дўзах алангасида куйса ҳам рози әдим».

Отаси бу гапни нега айнан унга айтганини Карим Ризо шу кунга қадар чукурроқ уйлаб кўрмаганди. Адирга боқканда, ўлим қўзига кўринганда унинг ўша сўзлари қулоги остида қайта жаранглади. Ўзининг ҳам бутун орзу-армонига айланиб қолган ота юртини кўриш истаги ҳеч қачон амалга ошмаслигини тушуниб етди. У Томаснинг оёқларига йиқилди, йиглади. Бироқ Томасни унинг оҳу зорларини

эшитишга ортиқча вакти йўқ эди. Тўппончанинг тепкисини босди. Варанглаган ўқ овози кимсасиз адирни ларзага келтирди. Жарлик тубида ётган қушлар ҳуркиб, қўкка кўтарилди. Улар қанотларини ёйиб, осмонда ярим доира ясад, овозларининг борича чуғурлашиб учишарди. Карим Ризо ўқ тешиб ўтган кўкрагини гижимлаб ингради

- Томас, Томас, қизим...

Карим Ризо гоҳ букилиб, гоҳ судралиб ўрнидан туришга уринарди. У жарга яқин келиб қолганди. Катта-катта бўлиб кетган қўзлари тубсиз, коронfu жарга тушганда яна ота юртини кўз олдига келтирди. Энди уни кўриш баҳтидан бенасиб эканлигини тушунди. Томас Бекир унга қаратса қайта ўқ узмади. Карим Ризонинг қийналиб жон беришини кузатиб турди. Ниҳоят, у сўнгги бор типирчилаб, жон берди. Томас мурдани оёғи билан суриб, пастга тушириб юборди. Жасад чархпалакдек айланиб-айланиб, ўнқир-чўнқир қояларга урилиб, пастликка тушиб кўздан гойиб бўлди. Томас машинасига ўтириди ва уни ўт олдираётганда баланд қоя ортида турган машинага кўзи тушиб қолди. Ким у? Нима килиб турибди? Карим Ризони отганини кўрдими? Жосуснинг хаёлига шу каби саволлар келди. У “М-16” русумли қуролни қўлига олди-да, отишга шайлаб, машинасини юргазди. Бу орада қоя ортидаги машина кўздан гойиб бўлганди.

Томас шаҳарга тушиб Афғонийга қўнғироқ қилди.

- Топшириқ бажарилди, ҳазрат!

Афғоний индамади...

\* \* \*

Қорачаён уйда ўтириб зерика бошлади. Баъзида Шабнам билан бирга шаҳар кўчаларини айланишга чиқарди. Ҳар кадамда учрайдиган дўконларга кириб, турли-туман буюмларни томоша қиласарди. Вакт ўтказишининг осон йўли шу эди. Расталардаги кийимларни кўриб, оғзи очилиб қоларди. Чарм курткаларни у

болалигидан яхши кўради. Олиб кийгиси келардию, аммо ёнида сариқ чақа пули қолмаганди. Карим Ризодан сўраш уят эди. У навбатдаги дўконга кирганда ҳақиқий чармдан ишланган курткаларни кўриб, ҳайратдан лол қолди. Уларни ушлаб кўрди. Ўзига муносибини оладигандек кийиб ҳам кўрди. Курткани ечаётганда дарпарда ортида турган одамга кўзи тушди. Ўқдек қадалиб турган кўкимтир кузлар, яноклардаги кизариб кетган ярани ҳисобга олмаганда, таниш чехра эди. Нигоҳларнинг учрашиб қолишидан чучиди. Корачаён курткани ечиб, тезгина дўкондан чикиб кетди. Ташқарига чиққанда ҳам ўша чехра хаёлидан кетмади. Қанчалик уринмасин, қаерда учратганини эслაёлмади. Кўркувдан юраги увишиб кетди. Қадамларини тезлатиб уйга шошилди. Чорраҳадаги бўш таксилардан бирига ўтиридио, ҳайдовчига зудлик билан жўнаш кераклигини айтди. Машина ўрнидан силжигандан кейингина юраги ўрнига тушди ва бошини орқага буриб қаради. Анча олислаб кетганлиги учун одамлар орасидан ўша таниш чехрани тополмади.

Нормухаммаднинг хаёлидан Корачаён кетмади. Бугун бўлмаса эртага албатта унинг қайтиб келишини кутарди. Демак, у тирик. Шу атрофда яшаяпти. Таажжуб, бу ерга нимага, ким билан келган? Шериклари борми? Лагердагиларнинг ҳаммасини отиб ўлдирганди-ку? Қандай қилиб у тирик колдийкин? Балки ярадор бўлиб, тузалиб кетгандир? Шу ерда ўзига ўхшаган ватангдоларни учратгандир. Уларнинг паноҳида яшаётгандир? Бу саволлар Нормухаммаднинг оромини ўғирлаганди. Ҳар қадамда кўз олдига Қосимнинг сиймоси келарди. Тунjlари тушида кўради. Назарида, қасос олмаётганидан хафадек туюларди.

Корачаённинг хаёлида ҳам дўкондаги савдогар турарди. Уни Игоръга ўхшатганди. Бироқ бегона юртга қандай қилиб келганига акли бовар қилмасди. Игорь эмаслигига ишонч ҳосил қилмагунча, юраги

тинчи-маслигини билди. Шунингдек, дабдуруустдан унинг олдига бориш ҳам хатарли эди. Ҳақиқатан ҳам у Игорь бўлса, бу ерга кимдир олиб келган. Қорачаён ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят орадан бир-икки ҳафта ўтказиб, дўконга боришга қарор қилди.

Қорачаён бу ҳақда Карим Ризога айтмоқчи ҳам бўлди. Бироқ у эрталаб уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмаганди. Шабнам отасининг бедарак кетганидан ташвишга тушди.

- Балки, раҳбарлар иш билан бирор ёққа жўнатишгандир, - деди Қорачаён безовта бўлаётган қизни тинчлантириш мақсадида.

- Отам узокқа кетсалар, албатта телефон қилиб айтардилар. Қўнғироқ ҳам қилмаяптилар. Уларнинг бунақа одатлари йўқ эди.

- Сиз телефон қилинг-чи.

- Икки маротаба уриндим, лекин қўлларидағи телефон ўчирилган. Шунинг учун юрагим безовта!

- Ташвиш чекманг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Худо хоҳласа, отангиз эрталабгача етиб келадилар ёки қўнғироқ қилиб қаерда эканликларини айтадилар, - узича қизни юпатарди Қорачаён.

Бироқ безовталанаётган Шабнам унинг сўзларига аҳамият бермасди. Ҳаёлига турли ўйлар келиб, юрагини баттар ваҳима босарди. Кутилмаганда қизнинг хаёлига Афоний ёки Томасга телефон қилиб, отасининг қаердалигини сўраб билиш фикри келди. Иккалалари ҳам Карим Ризони бедарак кетганлигидан афсуслангандек, «албатта дараклаймиз, хоним», деган жавобни қилишди. Уларнинг ҳамдардлик оҳангига айтган сўзлари Шабнамнинг юрагига озгина бўлсада тасалли берди.

Бу пайтда тун ярим бўлганди. Қиз толикқанди. Хонасида ёлғиз қолищдан қўрқиб, Қорачаённинг ётогига ўтди. Қорачаён ҳам безовта эди. Ўзига ажратилган хонада тунни бедор қаршилаб, турли ўй-хаёллар гирдобида, юрагини гоҳ ваҳималар, гоҳида ширин ўйлар чулғаб ўтиради.

- Ҳали ҳам ухламадингизми? Бемалол дамингизни олаверинг, - деди Шабнам. - Мен отамнинг танишларига қўнгироқ қилдим. Улар излаб топишга ваъда беришди.

- Хайрият-ей, - йигитнинг тилига шу сўз келди. Назарида, Карим Ризо ҳозир уйга кириб келадигандек эди. - Мана энди қўнглим ёришди.

Шабнамнинг ҳам қўнглидаги фашлик тарқаганди. Йигитга бир-икки назар ташлаб қўйди. Юрагига шайтон кирди. Оромжурсида гужанак бўлиб ўтирганча пинакка кетди. Қорачаён қизга термулиб, яна Зулайҳони эслади. Қишлоғи, ота-онаси, таниш-билишлари кўз олдидан ўтди. Эслаганлари тушга айланди. Онаси пешонасини силаб, “ўғлим, сени ўлган дейишувди, аскарлар тобутингни кишлоққа олиб келишганди. Бутун қишлоқ одамлари сени ҳурмат билан тупроққа қўйишганди. Лекин мен ишонмовдим. Ҳой одамлар, бунчалик қайғурманглар, Санжарим тирик, деб ҳаммага айтсам-да, улар қуруқ тобутингни елкаларида кўтариб, қабристонга кетишаверди. Хайрият, тирик экансан. Зулайҳо ҳам шу ерда. Олдимизга кўчиб келди, бирга яшаяпмиз. Қизи тушмагур сени яхши кўраркан. Бир-иккита совчилар келса, эрга тегмайман, деб айтди-я. Яхшиям тегмагани». Онаси шу сўзларни айтиб, боласини бағрига босиб, қотиб-қотиб кулармиш. Қорачаён кўзларини аланг-жаланг қилиб атрофга боқармишу, ошхонада куймаланиб юрган Зулайҳони кўрмасмиш. Қани у эна, нега кўринмаяпти? Шунда олдида турган онаси ҳам қаёққадир гойиб бўлибди.

Қорачаён юзига урилган қайноқ нафасдан уйғониб кетди. Қўзини очганда тепасида ой нурида ялтираб турган оппоқ юзли Шабнамни кўрди. Чироқ ўчирилганди. Деразадан ой мўралаб турарди. Йигит ўрнидан турмоқчи эди, киз елкасидан босди.

- Кимиrlаманг, азизим, - йигитнинг тепасида турган Шабнамнинг соchlари юзининг ярмини яшириб турарди. У тунги кўйлакда эди. Бадани, каптарнинг

түшидек диркиллаб турган күкраклари ой шуъласида жилва қиласди.

- Хоним... узр, ухлаб қолибман, - нима дейишга сўз тополмаган Корачаён ўрнидан туришга уринар, бироқ киз бунга имкон бермасди.

- Хижолат чекманг азизим, мен совқотиб кетдим. Ёнингизда ётиб; баданимни иситиб олай.

- Хоним, мени кечиринг, ахир бу қанақаси, ҳазрат сезиб қолсалар...

- Кўрқманг, ҳаммаси яхши бўлади, азизим.

Шабнам йигитнинг ёнига кирди. Ундан тараалаётган муаттар ис Корачаённинг димогини очиб, томирларидағи қонни жунбушга келтириб юборди. Қўллари нозик белдан тутди. Ташина одамдек ютоқиб дудоқларидан ўпди... Бироқ орадан саноқли дақикалар ўтгач, йигит беҳол ва бемажол ён томонига ағдарилиди.

- Нима бўлди сизга, лочиним? - Шабнам йигитнинг баданларини силаб сўради.

- Толикдим...

- Дарров-а?

- Кучим қолмади!

Шабнам жаҳл билан ўрнидан турди ва ёнида ётган йигит кўзига совук илондек кўринди.

- Ҳезалак!

## МАРЖОНБУЛОҚ

Адҳам Собировичнинг пахсали девор билан урилган кўримсиз уйи бузиб ташланди. Пишиқ фиштлар келтириб тўкилди. Одамнинг бўйи баробар бетон қуйилди. Етти хонали уй бир ой ичидаг ростлади. Йўлакларга мармар плиталар ётқизилди. Дов-дарахтлар үсиб, тасодифан кирган одамга чакалакзорни эслатувчи бу ҳовли мисоли эртаклардаги қасрга айланганди. Уй битган бўлсада, курувчиларнинг қули-қўлига тегмасди. Раис кунига икки-уч маҳал келиб, усталарга топширик бериб

кетарди. У ҳовли саҳнига каттагина фаввора куришни режалаштирганди. Усталар шу иш билан машгул эдилар. Алҳам Собирович қишлоқдаги уйига ҳафтада бир келиб-кетар, шунда ҳам курувчиларнинг иши билан танишиб, керакли маслаҳатларни берарди, холос. Қолган ишларни раис улдаларди. У туман марказидан уй сотиб олганди. Аммо Кифоят опа туманга бориб яшашни истамади. Қишлоқда колди. Эрининг қистови ҳам унга кор килмади. Үглимнинг арвоҳини чирқиллатиб кетармидим, деб кўз ёш тўкли.

Онанинг юрагини безовта килган гам-аламлар ҳали босилмаганди, ҳамон фарзандининг додига куйиб-ёнарди. Ёлғизи кечалари тушига кириб чикарди. Бундай пайтларда она боласининг қабри тепасига келиб, юм-юм йиглар, соғинчларини кўз ёшлиари билан босарди. Қабр атрофига қайтатдан экилган райхонлар мавж уриб, яшнаб ўсарди. Зулайҳо ҳафтада бир келиб, гулдасталар қўйиб кетарди. Райхонни ҳам ўша экканини Кифоят опа яхши биларди. Қабристоннинг янги коровули қаҳрамоннинг қабрини бузиб кетишларидан қўрқиб, қўрпа-тўшагини шу ерга келтириб ётарди. Санжар ўқиган мактаб ўқувчилари бу ерга тез-тез келиб, жангчининг қабри тепасига гулдасталар қўйиб кетишарди. Қабр ўқувчи-ёшларнинг муқаддас жойига айланиб қолганди. Кейинги пайтларда газеталарда Санжар ҳакида кўплаб маколалар босиб чиқилди. Радио ва телевидениедан муҳбирлар келиб, эшигтиришлар тайёрлашиди. Ана шундай кунларнинг бирида Кифоят опани мактабга чақириб қолишиди. Бугун қишлоқ одамлари тўпланганди. Байрамдагидек кийиниб олган болалар онани гулдасталар билан кутиб олиниди. Мактаб директори Кифоят опани хонасига бошлаб кирди.

- Опа, - деди ичкарига киришганда. - Мактабимизга райондан, областдан катталар келишади. Санжарбекка ҳайкал ўрнатганмиз. Бугун очилиш

маросими. Сизга ҳам сүз берамиз. Санжарбекни қандай тарбиялаганлигингиз ҳақида икки оғиз болаларга гапириб берасиз-да!

Директор онани оғиз очиргани қўймади. Бу орада меҳмонлар келишди. Улар она билан кўришиб, Ватан учун шундай жасур ўғлонни туғиб, тарбиялаганлиги учун чуқур миннатдорчилик билдиришди. Кифоят опа ҳовлига ўтганда икки одам бўйи келадиган, оқ мато билан ўраб қўйилган хайкални курди. Юраги ҳаяжондан кўксини ёриб чиққудек гурсиллаб уради. Тезроқ унинг очилишини, боласининг сиймосини кўришни истарди. Аввал катталар сўзлашди. Ҳаммалари бошига оқ рўмол ташлаб олган опага Ватанга муносийб фарзанд тарбиялаганлиги учун яна бир бор миннатдорчилик билдиришди.

- Сиз баҳти онасиз, - дейишиди сўзга чиққанлар кўз ёшларини ютиб ўтирган Кифоят опага, - ўғлингиз Ватан учун қаҳрамонлдарча ҳалок бўлди. Биз уни ҳалок бўлди дейишга ҳаққимиз йўқ. У Ватанимиз тарихида, ҳалқимиз қалбида, мана шу ёшлар юрагида абадий яшайди!

Кифоят опага ҳам сўз беришди. Она юрагидаги ҳаяжонни босолмади. Икки оғизгина гапирди.

- Болаларим, сизлар ҳам Санжар акаларингдек қаҳрамон ва мард бўлиб ўсинглар, ўз она юртларингни севинглар!

Она ҳайкал устига ташланган матони олишганда ҳушдан кетишига оз қолди. Ҳайкалтарош Санжарнинг айнан узини акс эттирганди. Аскар кийимидаги йигит қулидаги қуролни маҳкам ушлаганча, кўкрагини кериб туарди. Қарсақдан борлиқ лаъзага келди. Болалар югуриб қаҳрамоннинг пойига гулдасталар қўйишиб, “Сиздек қаҳрамон бўлишга, Ватанини чин юракдан севишга онт ичамиз!”, деб қасамёд қилишди. Шунда она узини босолмади. Ўкириб йиғлаб юборди. Юзини совуқ мармарга босиб йиғлади. Кўпдан бери бу қадар тўлиб-тошиб йиғламаганди.

Зулайҳо ҳам шу ерда эди. У Кифоят опанинг

ёнига көлиб, олдига тиз чўкиб, ўзини тутолмай элнинг олдида ошкора йиглаб юборди. Соғинч туйгуларидан ҳосил бўлган юрагидаги яра ниҳоят ёрилганди.

Зайнiddин маросимга бир даста гул кўтариб келганди. Шу кунга қадар Санжарнинг қаҳрамонлик кўрсатганига шубҳа билан қараганди. Ахир уни фор ичига кириб кетганини кўрганди-да! Балки кейин қисмга қайтиб, жангда ҳақиқатдан ҳам қаҳрамонлик кўрсатгандир, деб ўйлади. У лагердан қочгандан кейин Санжарнинг қисматидан бехабар эди. Ҳатто сўраб-суриширишни ҳам хаёлига келтирмаганди. Бугун ҳарбий комиссариатдан келган вакилларнинг сўзларини эшитиб, юрагидаги шубҳа ва гумонларни қувиб ташлади. Зайнiddин қўлидаги гулни ҳайкал пойига қўяётиб, Зулайҳони кўриб қолди. Ўша кунги учрашувдан кейин онаси билан аммаси қизнинг уйига икки-уч боришган, бироқ ота-оналари рози бўлса-да, ўзи рўйхушлик бермаганди. Совчиларни кузатаётганда “Энди бошқа келманглар, мен турмушга чикмайман!”, деб айтганди. Санжарнинг қабридаги райҳонларнинг юлиб ташланиши, расмининг синиши Зулайҳонинг қалбида Зайнiddинга нисбатан нафрат уйғотганди. Бу ишни ундан бошқа одам қилиши мумкин эмас, деб ўйлаганди.

Зайнiddин гулни ҳайкал пойига қўяётганда қулоқларига Зулайҳонинг йиги аралаш айтаётган сўзлари чалинди. «Умримнинг охиригача сизга вафродор бўлиб қоламан!»

Маросим тугагач, раис меҳмонларни колхоз bogигa олиб кетди. Жўрабек улар учун катта зиёфат уюштирганди.

Эрталаб Зайнiddинни онаси уйғотди. Участка нозири Шерхон Каттабоев тумандан келган жиноят қидирув бўлими ходимларини бу ерга бошлаб келганди. Йигит кўзларини ишқалаб чиққанда, фуқаро кийимидағи милиция ходимларидан бири унинг қўлига кишан солиб, токнинг устунига боғлаб

кўйди. Уч ходим қаердандир нарвонни топиб, чордоққа чиқиши. Беш дақиқадаёқ қўлларида латтага ўралган буюмни кўтариб тушиши. Бу орада Шерхон Каттабоев уч нафар қўшнини чақириди. Милиция ходимлари томдан олиб тушган тугунни қуни-қўшниларнинг олдига ташлаши. Уларнинг гувоҳлигига очиши. Ундан ярим килограммдан мўлроқ наша чиқди. Қўшнилар ҳайрон қолиши. Зайниддиннинг ўзи ҳам нима дейиши билмай, атрофида турганларга жовдираб боқарди. Жиноят қидирув бўлими ходим-лари гувоҳлар иштирокида далолатнома тузиши. Керакли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Улар қўл қўйиши. Шундан кейингина Зайниддин ўзига келди.

Бу туманинг деди у гувоҳларга имзо кўйдираётган милиционерга. - Кимdir атайлаб буни томимизга ташлаб кетган. Мен умримда наша чеккан эмасман!

- Бақирма! - деди қидирув бўлимининг ходими. - Сен афғонда жангарилар қўлига асир тушганингда улар билан наша чекканинг ҳақида бизда маълумот бор. Керак бўлса гувоҳларни чақириб, юзлаштириб қўйишим мумкин!

- Гувоҳлар? Топиб келинг, юзлаштиринг!

Капитаннинг жаҳли чиқди.

- Сен бола ҳали менга буйруқ бераяпсанми? Кимсан ўзи? Жа бурнинг кўтарилиб қолгани рост эканда, а? Ҳали орқангни бурга чақмаган-да! Қўрамиз, икки кундан кейин аҳволингни!

Зайниддиннинг атрофида турган қуни-қўшнилари ҳайрону лол бўлиб, бир-бирларига қарашди. Ранги докадай оқариб кетган бу йигитнинг наша чекишидан улар ажабланишганди. Ҳамманинг назаридаги милиция ходимлари ёлғон гапириши, ноҳақ тухмат қилиши мумкин эмасди. Айниқса, «афғонда жангарилар билан наша чекканингни кўрган гувоҳлар бор», деганда улар капитаннинг сўзига чиппа-чин ишониши.

Шерхон Зайниддиннинг қўлига солинган кишани

иккинчи тóмонини ўзининг қўлига солиб, ташқарига йўл олди. Анчадан бери рўмолининг учини тишлари орасига олиб, фижимлаб, кўз ёшларини унсиз ичига ютиб турган онанинг сабр косаси тўлди. У боласининг ортидан эргашиб, милиция ходимларидан бирининг қўлига ёпишиб, дод солиб йиглади.

- Боламни қаёққа олиб кетяпсизлар? Унинг ўрнига мени олиб кетинглар. Үглим наша чекмаган! Бу қайсиdir уйинг куйгир, Худо қарғаган одамнинг атайлаб қилган иши! - деб дод соларди. Бироқ капитан онанинг нолаларини эшитишни истамади. Боласи томон ошиқиб келаётган онанинг йўлига кўндаланг туриб, уни яқинлаштиrmади..

- Нари туринг! - лея жеркиб ташлади. - Маҳбусга яқинлашиш мумкин эмас!

- Она, йифламанг. Айбим йўқ. Худо хоҳласа кечгача қайтиб келаман!

Милиционерлар йигитни гапиришга қўйишмади. Уни туртиб-суртиб, бу ҳам етмагандек елкасидан босиб, машинага ўтқазиши. Каттабоев эса қўлидаги резина таёқни боши узра баланд кутариб, Зайниддинга дағдаға қилиб қўярди.

- Ўчир овозингни, банги!

Тўплангандар машина ортидан қараб қолиши. Тинка-мадори қуриган она ҳамон ўзини босолмасди. Боласининг ортидан бўзлаб, ҳолсизланиб, ниҳоят остонаяга ўтириб қолди.

Идорага келишгандан кейин Зайниддинни уч соатдан кўпроқ сўроқ қилиши.

- Нашани сен чекмадинг дейлик, демак, уйингда кимдир чекади. Балки онанг, ёки отанг чекар. Ҳар қалай уччалангдан биринг бангисан. Керак бўлса, уларни ҳам чақириб сўроқ қиласман. Билиб қўй, отанг ёки онанг сени қутқариб қолиш учун айбни бўйнига олиши мумкин, - деди терговчи. - Нима, уларга ачинмайсанми? Сен учун улар қамалиши керакми? Ҳой бола, яхшиликча бўйнингга ол. Ёши етмишдан ошган қариянинг турмада ётиши сен учун иснод

эмасми?

Терговчининг важоҳати хунук эди. Ҳозироқ отасини тутиб келиб, қамаб қўйишдан ҳам қайтмасди. Зайниддин унинг айтганига қунишга мажбур бўлди.

- Нари борса икки-уч йилда қутулиб чиқасан, - деди терговчи унинг қўрсатмасини олиб бўлгач. - Ҳозирги турмалар санаторийга ўхшаб қолган. Афғонда жангариларга хизмат қилиб, асабларинг ҳам чарчаган қўринади. Ўзингга дам беришни ҳам билгин-да, афғончи?

- Буларнинг бари түхмат. Сизлар мени ноҳақдан қамаяпсизлар, - деди Зайниддин ўзининг ҳақлигини исботлаш мақсадида. - Оиласизда ҳеч ким наша чекмаган!

Бу сўз терговчининг баданига наштар санчгандек таъсир қилиб ўрнидан иргиб турди-да, йигитнинг бўйнидан бўғди.

- Нима дединг, яна бир қайтар, ким сенга түхмат қиляпти, абллаҳ! Совет милицияси түхматчи бўлиб қолдими ҳали? Бу гапинг учун жавоб берасан. Яна битта статия қўшаман, сени хоин эканлигингни билардиму, аммо иғвогарлигингни билмас эканман. Билиб қўй, бу ерда ҳунарингни ўтказолмайсан! Давлатни орган бошқаради. Сендеқ галамис, муттаҳамлар ҳамиша назоратимизда туради!

Зайниддин тилини тишлаб қолди. Кўз олдига мункиллаб қолган отаси келди. Уни ҳам терговга чақиришлари, қолаверса, кўпдан бери касалманд бўлиб, зурга элнинг корига яраб, битта-иккитта одамнинг тегирмонга олиб келган донини майдалаб, тириклигини ўтказаётган отаси бу безбет терговчининг дўқ-пўписаларини кўтара олармикин? Унинг чин дилдан айтиётган сўзларига ишонмайдиган бу одам кекса чолнинг гапига ишонармиди! Ичкарига олиб кириб, заҳ ва тор хонага қамаб қўйса, унинг ҳоли не кечади? Баттар дарди кучайиб, касали оғирлашиб қолмайдими? Шуларни ўйлаб Зайниддин жим қолди. Терговчи ўзининг дўқ-пўписалари

йигитта таъсир қилғанлигини сезди..

- Мабодо судда ҳам шунака бўлмагур гапларни оғзингдан гулласанг, билиб кўй, ўзингга қийин бўлади! Ҳозир отангни чақиртираман. У билан сени юзлаштираман. “Тўғри, мен наша чекардим. Бу нашани дарё бўйига, қамишлар орасига эккандим”, деб кўрсатма берасан. Гапим тушунарлим? Шундай қилсанг кекса отанг жазодан қутулиб қолади.

Зайниддин истар-истамас бош силкитди.

- Мен сендан сўраяпман, - деди қайсарлиги тутган терговчи. - Тилинг борми, «ҳа» деб жавоб бер ёки ертўлага олиб тушиб, йигитларга дўппослатайми?

Қутуриб кетган терговчи ҳеч нарсадан қайтмаслиги унинг афти-ангоридан билиниб турарди.

- Ҳўп, - қисқа жавоб қилди Зайниддин.

Капитан кечга яқин тегирмончини чақиртирди. Қария ўғлини милиция ушлаб кетганлигини эшитиб, адо бўлганди. Ҳаста юраги фарзандининг жангариларга асир тушиб, ҳамма «Ватан хоини», деб таъна-дашномлар тошини отишаётгандан бир эзилган бўлса, милиция қулига кишан солиб олиб кетганидан яна эзилганди. Қария мункиллаб, озгин гавдасини аранг кутариб, ичкарига кириб келди. Зайниддин отасининг афти-ҳолини кўрдию, юраги тўлиб, додлаб юборишига бир баҳя қолди. Ота ўғлининг синиққан чеҳрасига ёш оқаётган кўзларини тикди.

- Нима қилиб қўйдинг, болам? Бир оёғим гурда, бир оёғим ерда юрганда мени маломатга қўйдинг-ку. Щусиз ҳам маҳалла-куй олдида юзим шувит булиб, кўчала қаддимни кўтаролмай, элнинг кўзига қаролмай юргандим-ку!

- Мана кўрдингми, отанг ҳам сени «дори» чекишинги билмас эканлар, - деди терговчи қариянинг сўзини бўлиб. Сўнг Тоир акага юзланди. - Бобой, бу йигит сизнинг ўглингизми?

Чол соchlари қирдовдек оқариб кетган бошини силкитди.

- Ўглингизни наша чекиб туришидан хабарингиз

бормиди?

- Бунака ҳунари йўқ эди.
- Армияда ўрганган экан-да. Болангизни жангагилар қўлига асир тушганини эшитганмисиз?
- Эшитганман, аммо командирлари ўғлимни Ватанга хиёнат қилмаган, дейишди.
- Асирга тушгани чин-а?
- Кўзим кўрмаган бўлса, мен қайдан билай?
- Асирга тушгандан кейин Ватанимизнинг унга бўлган ишончи йўқолади, бобой. Уруш йиллари бундай одамларни Сибирга сургун қилишган, отиб ташлашган! Ҳозир партия ва ҳукуматимиз меҳрибонлик қилиб, афв этяпти. Ўғлингизнинг ҳам айби кечирилган. Лекин Зайнiddин ҳукуматимизнинг фамхўрлигига ношукрлик қилди. Жангарилар билан наша чекишини ўрганган экан. Бу ерда ҳеч кимга билдирамай, дарё бўйидаги қамишзорга наша экиб, уйда сақлаётган экан.
- Астағфуруллоҳ?
- Биз далилий ашё билан, қуни-қўшниларингизнинг гувоҳлигига ўғлингизни қўлга олдик, бобой!
- Болам, бу бир англашилмовчиликдир. Ўғлим наша чекиш у ёқда турсин, ҳатто папиросни ҳам оғзига олмаган. Бу туҳмат! Бу сафарча кечир.
- Биз ўғлингизга туҳмат қиласидик, бобой. Оғзингизга қараб гапиринг! Давлатнинг идорасида ўтирганингизни унутманг. Ёки ўзингиз ҳам оз-моз отиб турасизми?
- Худо сақласин, болам. Шу ёшга кириб, наша нималигини билмайман, ҳатто унинг афтини ҳам кўрмаганман! Номозхон одамни гиёҳванд дейишга Худодан кўрк, ўғлим.
- Бу ер давлат идораси! Худони тилга олманг! - терговчи ўрнидан туриб, қариянинг тепасига келди. - Каерда ва кимнинг олдида ўтирганингизни унутиб қўйганга ўхшайсиз! Тулинг ўрнингиздан, сал буш келсан, мени менсимай бу ердан болангизни ҳам етаклаб чиқиб кетадиганга ўхшайсиз?!

Қария қўркиб кетди. Қўлидаги асога суюниб, оёқлари қалтираб ўрнидан турди.

- Менинг саволларимга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг, тушунарлимиси?!

- Тушундим!

- Ўғлингиз наша чекишини билармидингиз?

- Йўқ!

- Демак, у сиздан яширинча чеккан, шундайми?

Тегирмончи нима дейишини билмай тилини тишлади. Ҳа деса ҳам, йўқ деса ҳам боласини чукурга ташлашини биларди. Шу сабабли жим қолди. Терговчининг важоҳати ўзгарди.

- Гапиринг! Ҳа ёки йўқ деб жавоб қилинг! - дўк уради кўзларини чолга ўқдек қадаб турган капитан.

- Демак, уни наша чекканини кўрмагансиз?

- Ҳа, - қариянинг оёқлари толикди. Гавдасини кутаролмай оғирлигини гоҳ у оёғига, гоҳ бунисига оларди.

Шундан сўнг терговчи гумондорга юзланди.

- Наша чекишингдан отангнинг хабари бормиди?

Терговчи унга ҳам «ҳа» ёки «йўқ», деган жавобни берасан, деб талаб килганди. Зайниддин аросатда қолганди.

- Гапир, нега жимсан?! - ушқирди капитан.

- Йўқ.

- Демак, сен ота-онангдан яширинча наша чеккансан, шундайми?

Зайниддин учун ўз айбини бўйнига олишдан бошқа йўл қолмаганди.

- Ҳа.

- Мана, курдингизми, бобой, болангиз сиздан яширинча наша экиб, беш-офтита ўзига ўхшаган безориларни чекишга ўргатган.

Тегирмончи ўғлига юзланди. Зайниддиннинг кўзларига ёш тулганди.

- Шу гаплар ростми, ўғлим, - деди ота фарзандининг кўзларига тикилиб:

Йигит нима дейишини билмай талмовсиради.

Терговчи унинг олдига ўтди. Айбланувчининг юзига юзини яқин келтириб.

- Гапир! - деди. Унинг паст овозда айтган сўзи йигитнинг қулоғига момақалдироқнинг гумбирлашидек ваҳимали эшитилди. У қисилган кўзларини собиқ афғончига наштар мисоли қадаб турарди. Қув кўзлари тубида фаразгўйлик, ҳасад, ичи қоралик ва камдан-кам одамларда учрайдиган ўта пасткашлик учқунлари ялтираб турарди.

- Ота, - деди ўз тақдирига тан берган Зайниддин, - мени кечиринг, ҳакиқатдан ҳам дарё бўйига яширинча наша эккандим. Терговчининг айтган гаплари чин. У киши тўғри гапиряптилар.

Тегирмончи турган жойида қотиб қолди. Қулидаги асо тушиб кетди, йиглаб юборди.

- Ҳа, баракалла, - терговчининг юзи ёришиб кетди. - Мана энди ақлинг кирди.

- Мени сендей болам йўқ, сени оқ қилдим, берган тузимга рози эмасман, - кўкрагига уриб, фарзандини дуоибад қиласарди Тоир тегирмончи. - Қариганимда юртга шарманда қилдинг. Етмиш йил топган обруҳурматим тупроқ билан teng бўлди.

- Ота, отажон ундей деманг, мен... - Зайниддин столга бошини уриб йифларди.

- Ўчир овозингни, - жеркиб берди капитан, сўнг ташқарига қараб қичқирди. - Навбатчи!

Милиционер кирди-да, Зайниддиннинг қулига кишан солиб, камерага олиб чиқиб кетди.

Терговчи билан тортишиш ва ўзининг ҳақлигини исботлаш фойдасиз эди. Капитан собиқ афғончининг сўзларини эшитишни истамасди. Муҳими юқоридан берилган топшириқни бажариши, унинг бўйига «уйимда наша сақлаганим рост», деган айни қўйиб, турмага тикиши шарт эди. Бу ишни қанчалик тез ва нуқсонсиз бажарса, мансаби, погонидаги юлдузлар сони кўпайишини биларди. У йигитни қўрқита олди.

У терговчининг барча таклифларини сўзсиз бажарди. Қофозларига кўл қўйиб бергандан сўнг

капитан ўзини анча енгил ҳис этди. Топшириқ бажарилғанлигини, айбдор ўз қилмишига иқрор бұлғанлигини айтиш учун прокурорнинг ҳузурига жұнаб кетди.

Адҳам Собирович терговчи билан бир неча бор боғланиб, гумондорнинг уйидан наша чиққан-чиқмаганлигини сұраб суриштири.

- У үта айёр ва маккор йигит. Айбини тан олмаслиги мүмкін. Қаттық туриң!

Прокурор бу гапи билан терговчини «Нима қилиб бұлсада, бүйніга айб құясан!», демекчи эканлигини капитан тушуниб етганди. Ўзининг барча ҳийла-макрларини ишга солиб, Зайниддинни иқрор қилдирди.

Адҳам Собирович терговчини күттирмади, тезда қабул қилди.

- Хүш, айбдор қилмишига иқрор бұлдими?

- Бүйніга қўйдик, хўжайин. Айтганингиздек, ўзини гўлликка солишга, тан олмасликка кўп уринди. Сени ўрнингга отангни қамайман деб қўрқитганимдан сўнг бўшашиб қолди. - Терговчи бўлиб ўтган воқеани прокурорга сўзлаб берди.

- Э, қойил. Жамолиддин укам. Санъатингизга беш кетдим. Сиздек ишбилармон терговчилар ҳозирги кунимиз учун ҳаводек зарур-да? Баракалла, иним.

- Раҳмат, меҳнатимизни қадрига ҳамма ҳам етавермайди, ака.

- Үндай деманг укам, меҳнатингизни қадрлаймиз, бошлиғингизга хат чиқараман, унвонингизни оширади, бўлим бошлиғи лавозимига ўтказади.

- Куллук, ака.

Адҳам Собирович темир сандықдан Зайниддинни қамоққа олиш учун санкция олди.

- Ҳужжатлари жойидами? - сұради у санкцияни терговчига берар экан.

- Хотиржам бўлинг ака, ҳаммаси жойида.

Прокурор дилига келган гапни айтгиси келди.

- Бу Жамолиддин, наша билан неча йилга қама-

лиши мумкин?

Прокурорнинг шу саволни бериши терговчига кулгили туюлди. Бироқ унинг ҳали янгилигини, узок йиллар хўжаликда ҳуқуқшунос бўлиб, қонунлар билан яхши таниш эмаслигини эслаб қолди.

- Бу ёги биз тўплайдиган ҳужжатларга, қолаверса, сизга боғлиқ-да, ака!

- Уч-тўрт йил берар, а?

Терговчи кулгисини яшиrolмади.

- Ўн йилдан тепани гапиринг, хўжайин! Наша чекиш, сақлаш ва олиб сотиш ўта хавфли жиноятлар турига киради.

Адҳам Собировичнинг юзига кулгу ёйилди.

\* \* \*

Бир кишилик камерада ётган Зайниддин терговчига осонликча таслим бўлганидан пушаймон эди. Ўзини оқлаш, наша чекканини кўрган гувоҳлар билан юзма-юз қилишни нега талаб этмади? Айлов хулосасини қўлига олганда, қилган «айби» учун тегишли моддалар қўйилганлигини ўқигандагина кўзи ярқ этиб очилди. Афсуски, энди ўзини оқлаш пайти ўтганди.

Зайниддиннинг назарида уни қамоқقا олишдан кимдир манфаатдордек туюлди. Уззукун шу ҳакда ўйлади. Қамалмасдан бир-икки хафта аввал кимдир Санжарнинг қабрини бузиб, атрофга экилган райҳонларни топтаб, расмини синдириб кетганини эшитганди. «Балки буни мендан кўришаётгандир. Зулайҳо билан учрашганим, унинг уйига совчи жуннатганимдан хабар топишгандир. Нима қилса ҳам отаси прокурор. Faши келиб, шу ишни ўйлаб топгандир», - деган хаёлга борарди йигит.

Зайниддин ўзини судда оқлаш ва турмадан чиқиб кетиш учун нажот изларди. Лекин унга ким ёрдам беради?

Хаёлига собиқ командири Ушаков билан бир қисмда хизмат қилган куролдош дўсти Дарасели

келди. Улар жуда ҳам олисда. Бири Грузияда яшайди. Манзилини эслаб қолган. Кел деб илтимос қилгани билан келолмайди. Ёзма равишда берган курсатмасини суд инобатга олармикин? Анатолий Васильевич Ушаков ўзининг собиқ жангисини ҳимоя қиласмикин? Ҳеч булмагандан Ватанга хиёнат қилмаган, қисм учун ўта муҳим ҳужжатни етказиб келган, деган иккى энлик хатни ёзиб юборармикин?

Танҳоликда адоксиз ўйлар Зайниддиннинг бошини ари уясидек говлатарди. Ҳаёлига келаётган мушкул саволлар гоҳида руҳини кутарар, гоҳида кайфиятини тушириб юборарди. Нихоят, қисм командири Ушаковга мурожаат қилишни лозим топди. Анатолий Васильевич унга ёрдам бериши мумкин. Бирдан бир нажот ундан эди.

## МОСКВА

Қосим Негматулин самолётдан тушганда уни йигитлар кутиб олишди. Машинага ўтириди. У уйига ҳам, ишхонасига ҳам қўнғироқ қилишни хаёлига келтирмади. Нима қилиб бўлсада, олиб келган буюмни тезроқ эгасига етказиб, ўзига тегиши лозим бўлган муллажирингни олиши зарур эди. Бошлиқ полковникни кучок очиб кутиб олди.

- С приездом, Қасим Зайтуллаевич! Бунча тез қайтибсиз, азизим?

- Сиздек одамни куттириш инсофдан эмас, Ринат Аҳмедович.

Улар бир-бирларини бағриларига босишли.

- Қўринишингиздан ишларингиз бешга ўхшайди!

- Мен бирор маротаба ишни қойил қилмаган вақтим борми, биродар?

Ринат Аҳмедович меҳмонни хонасига бошлади. Афтидан, унинг келишини кутган бўлса керак, стол устидаги дастурхонни ноз-неъматларга тўлдириб ташлаганди. Меҳмон очиқканди. Ринат Аҳмедовичнинг полковник олиб келган буюмни куришга бўлган

ишиёки қанчалик кучли бўлса-да, ўзини босишга, сабр қилишга ҳаракат қиласди. Бироқ кўзлари ўзига итоат этмасди. Қосим Зайтуллаевичнинг оёғи остида турган «дипломат»га тез-тез қаарди. Аксига олиб меҳмон келтирган нарсаси ҳакида оғиз очишга шошилмади. Улар ичишди. Ба, ниҳоят, уй эгасининг бардоши тугади.

- Қийналмай топиб бордингизми?

- Дўстларимиз ёрдам беришди, - деди полковник ҳам «дипломат»га қараб. - Бу қишлоқ одамлари жуда ҳам содда бўлишади-да. Ярим тунда қабрни энди очаётсак, участка нозири келиб қолса бўладими. Гувоҳномамни кўрсатишим биланоқ чест бериб, уртоқ полковник, нима хизмат, деб атрофимда гирдиқапалак бўлиб қолди. Бир амаллаб, қоровулнинг олдига жўнатиб юбордим.

Қосим Негматулин «дипломат»ни олиб, стол устига қўйди. Код рақамларини териб, унинг қопқоғини кутарди. Пакетларни олди. Гатаулиннинг кайфияти кўтарилиб кетганди..

- Буларнинг ҳаммаси мариҳуанами?

- Нима деб ўйловдингиз? Ахир биз майда-чуйда иш қилмаймиз-ку, Ринат Аҳмедович.

- Қойил, гап йўқ, полковник!

- Буларни ўзингиз олиб қоласизми ёки сиздан ортганига ўзим харидор излайми?

Гатаулин «дори»ни бегона одамга берилишини хоҳламасди. Катта бойлик, жарак-жарак пуллар унинг кўз олдида жонланди. Ахир булардан кела-диган фойда бутун шаҳар аҳолисининг бир ойлик иш ҳаки-ку!

- Ҳаммасига ўзим пул санайман, полковник! Бегона одамни аралаштирунган, гап-сўз кўпайиши мумкин.

Полковник ўйланиб қолди.

- Розиман, аммо бир шартим бор, - деди у уртага чўккан жимликдан сўнг. - Юкни сизда қолдираман, факат «сокқа»сини бир санашда тўлайсиз!

Қосим Негматулин нозик жойдан ушлаганди. Ринат Аҳмедовичда бир санашга етадиган пул йўқ эди.

- Бу «дори»нинг харидори ва нақд пул ташлайдиганлар шаҳримизда битта-иккита топилади.

Гатаулин бойликни қўлдан чиқаришни истамасди. Нонни яримта қилиш кимга ҳам керак?

- Харидор излашингизнинг ҳожати йўқ, полковник, сизни рози қилишга етадиган пул бизда топилади. Факат бир ҳафта сабр қилишингизга тўғри келади!

- Сиз билан тузган битимимизга асосан юкни қабул қилган заҳотиёқ «бакс»ни санашингиз керак эди. Энди бир ҳафта кечикиришингиз сабабини тушунолмай қолдим, Ринат Аҳмедович! - Полковник бироз қизишиб кетди. Бу сўзлар ҳақиқатдан ҳам сухбатдошига оғир ботди. Унинг ичкиликдан бўғриқиб кетган юзлари янада қизарди. Гатаулин нима дейишни билмай қолди. Ҳақиқатдан ҳам улар юкни қабул қилиб олган куниёқ пулнинг ҳаммасини санашга келишиб олишганди. Қолаверса, полковник насияни ёқтирумасди.

Қосим Зайтуллаевич Гатаулиннинг ҳамёни кутарадиган «дори»ни қолдириб, қолганини ўзи билан олиб кетишга қарор қилди.

- Мени кечиринг, Ринат Аҳмедович, сизнинг таклифингизни қабул қилолмайман. Ҳамёningиз кутарганини олиб қолинг, қолганига ўзим харидор топаман!

Бу таклиф Гатаулиннинг бошига таёқ билан ургандек таъсир қилди. Рӯпарасида ичини ёндириб турган катта бойлиқдан ажраб қолишни истамасди. У полковникни таклифига кўндириш йулини ахтара бошлади. Уни бу қадар хасис деб үйламаганди. Жўнаш олдидан катта ваъдаларни берганди. Қосим Негматулин чекқа бир қишлоқда, афғончи йигитнинг жасади ўрнига ўн килограмм марихуана солиб жўнатганини, қабрни шу кунга қадар ҳеч ким

очмаганлигини айтиб, уни ишонтирганди.

- Нима, сиз менга ишонмаяпсизми, полковник? Мен бир сўзли одамман. Берган ваъдамнинг устидан доимо чиқиб келганман.

- Сизга ишонаман, азизим, аммо ҳозир менга пул ҳаводек зарур. Бошлиқларимга ташлашим керак, улар мени кутишмоқда!

Гатаулин сўнгги чорани қўллашдан ўзга иложи қолмади.

- Яхши, - деди у полковникка юзланиб. - Ҳозир пулимиз етган «дори»ни ташлаб кетасиз, эртага шу пайтда қолган юкингизга пул санаймиз. Унгача «дори» сизда тура қолсин!

Косим Негматулин эътиroz билдиrmади.

Гатаулин қулини кутарди. Эшик олдида турган йигитлардан бири югуриб келди.

- Пулни олиб кел!

Йигит қўшни хонадан «дипломат»ни кутариб чиқди.

- Беш юз минг «бакс»!

Полковник учун бу жуда оз эди. Бир кўнгли «ҳамёнингиз чатоқ экан, нима қилардингиз менга олдиндан бир санаашда тўлайман, деб», дегиси келди.

- Текшириб кўришингиз мумкин!

Полковник ўрнидан туриб эшик томон юрди. Гатаулиннинг юраги ёниб кетди. Назарида «дори»ни қайтиб кўрмайдигандек эди. У йигитларига маъноли бош иргаб қўйди.

- Азиз меҳмонимизни орқа эшикдан кузатиб қўйинглар!

Йигитлардан бири гавдаси билан Косим Негматулиннинг йўлини тўсди.

- Ўртоқ полковник, чиқиши эшиги нариги томонда!

Косим Негматулин бош иргади ва орқага бурилди. Йулак ним қоронғу эди. Эшикни очиб, остонаядан ўтиши биланоқ қадам босиб турган жойи икки томонга булиниб, полковник пастликка шўнғиб кетди. Унинг бақирган овози торгина йўлакда акс-садо

берди. Бир соатдан сүнг ҳушига келди. Қоп-қоронғу ер остида күзи ҳеч нарсани күрмади. У тепага боқди. Милт этган нур күринмади. Құллари билан ерни пайпаслади. «Дипломат» йүқ әди. Полковник аламига чидаёлмай қичқириб юборди...

## МАРЖОНБУЛОҚ

Анатолий Васильевич Ушаков собиқ жангчисидан келган мактубни үқиб чиқдио, ҳарбий прокуратурага құнғироқ қилди. Зайниддинни яхши эслаб қолғанди. У олиб келган мұхим маълумот қисмни парчаланиб кетишдән сақлаганди. Оддий сигарета ҳам чекмайдын үйгитни гиёхвандликда айбланиб қамоққа олиниши, бунинг устига хоин, деган тамға құйиб камситилиши Ушаковни ҳайрон қолдирди. Бедарак үйқолғанда уни қидиришгани ва ҳарбий комиссариатта мактуб жұнатгани рост бұлсада, унға нисбатан ҳеч қандай айб қўйилмаганди. Даrasели билан Зайниддиннинг ўта мұхим маълумотни қисмга келтириб беришининг ўзи катта қаҳрамонлик әди.

Ушаков хат билан танишиб чиққач, үйгитни «Шұхрат» орденига лойиқ топиб, Мудофаа вазирлигига тавсиянома жұнатганини эслади. Шу пайтга қадар тақдирлашмагани командирни ҳайрон қолдирди. Тавсиянома кимнингdir эътиборсизлиги билан бир четда қолиб кетген бұлса керак, деб үйлади. Анатолий Васильевич тавсия жұнатган бўлимга құнғироқ қилди. Полковник Преверзов гўшакни олди.

- Жангчиларингиз хотирамиздан күтарилгани йўқ, ўртоқ генерал, - деди Преверзов бироз хижолат бўлиб. - Аскарларингиз армия куни муносабати билан тақдирланишади. Вазирнинг ўзи шахсан сизнинг тавсиянгизни маъқуллади.

- Менинг жангчиларим нафакат қисм учун, балки, бутун бир мамлакатнинг обру ۋا эътибори учун ўта мұхим бўлган ҳужжатларни душман кўлига топширмай бизга етказган.

- Хабарим бор, ўртоқ генерал, ахир бундай

жасоратни унутиб бўлармиди!

Шундан сўнг Ушаков телефон орқали ҳарбий трибунал бошлиги билан боғланди.

- Бизга ўша мактубни жўнатинг, - деди прокурор. - Танишиб чиқамиз. Агар сиз айтгандек кимларнингдир зўравонлиги билан аскарингиз ҳибсга олинган бўлса, биз мамлакат бош прокурорига раддия билдирамиз.

- Кўнглим сезиб турибди, - деди генерал. - Бу ишдан қандайдир ёмонлик ва ҳасаднинг иси келяпти. Менимча, сизнинг одамларингиз Зайниддин билан учрашиши лозимга ўхшайди. У билан суҳбатлашгандан сўнг кўп нарсалар ойдин бўлади.

- Ҳаракат қиласиз, уртоқ генерал, - деди ҳарбий прокурор. - Бу ишни ҳозироқ Туркистон ҳарбий округи прокуратурасига маълум қиласман. Улар ўрганишади.

Туркистон ҳарбий округи прокуратурасидан келган икки терговчи Зайниддиннинг жиноят иши билан танишиш учун суддан ҳужжатларни сўрашди. Бироқ судья уларнинг талабларини очиқласига рад этди.

- Маҳбус ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, ҳарбийга алоқаси йўқ, шунинг учун бу жиноий ишга сизларнинг аралашишга ҳақларингиз йўқ! - деди.

- Собиқ жангчи бизга ариза билан мурожаат қилган, - деди терговчилардан бири. - Конституция ва жиноят процессуал кодексининг тегишли моддаларига мувофик, собиқ жангчи истаган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига шикоят қилишга ҳақлидир. Буни ўзингиз яхши биласиз.

- Бунинг учун туман прокурорининг рухсати керак. Унинг кўрсатмаси бўлмаса, мен сизларга ҳужжатларни беролмайман, - деди судья қандай баҳона топишни билмай.

Терговчилар Адҳам Собировичнинг ҳузурига боришидни. Прокурор уларни Зайниддиннинг иши билан келганлигини эшлитиб, қош-қовоғини осилтириб олди.

- Ким сизларга рухсат берди? Бундай қилишга ҳақларинг йўқ. Ахир у ҳарбий эмас, фуқаро сифатида жиноят содир этган. Шунинг учун жиноий ишни биз тёргов қиласиз ва биз ҳукм чиқарамиз.

- Лекин биз ўз жангчиларимизнинг тақдирига бефарқ қарай олмаймиз, ўртоқ прокурор! Сиз билан бизнинг мақсадимиз қонун бузилишининг олдини олиш ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эмасми?

- Гапингиз ўринсиз, - терговчининг сўзини бўлди Адҳам Собирович, - у ашаддий гиёҳванд бўлибгина қолмай балки, терговда шахси аниқланмаган кўплаб ёшларга наша чекиши ўргатганлигини тан олган. Бундан ташқари, сизлар ҳимоя қилмоқчи бўлган бу йигит Ватанимиз ва халқимизнинг юзини ерга қаратиб, ота-боболаримизнинг шаънига иснод келтириб, ўз хоҳиши билан жангарилар томонга ўтиб, давлатга хиёнат қилган ҳарбий қисмнинг маҳфий сирларини фош этган!

Терговчилар бир-бирларига қараб қўйишли.

- Бироқ бизнинг қўлимида унинг хоинлигини тасдиқладиган далил йўқ!

- Сизда бўлмаса Давлат хавфсизлик комитетида бор. Улар бу айғоқчи йигитни ўрганишган. Уларнинг олдига кириб, керакли ҳужжатларни талаб қилишларинг мумкин.

- Бу бошқа иш, ўртоқ прокурор, - дейишли тергов-чилар, - ҳозир биз маҳбуснинг аризасига мувофиқ текширув ўтказгани келганмиз. Жиноят иши билан танишиб чиқсан!

Адҳам Собирович Зайниддиннинг устидан қўзгатилган жиноят ишида етарли ҳужжат ва маълумотлар йўқлигини яхши биларди. Уларни ҳарбий терговчилар қулига топширгудек бўлса, терговчининг ҳам, судьянинг ҳам айби очилиб қолишини, маҳбусга нисбатан қасддан маълумотлар тўпланганлиги ошкор бўлиб қолишини биларди. Шунинг учун тиш-тирноғи билан жиноят ишини уларга курсатишни истамасди.

- Ишни ҳарбийларга топширишга қаршиман! Ҳар биримиз ўз йўналишимиз бўйича ишлаганимиз маъқул! - Адҳам Собирович гап тамом, дегандек ўрнидан турди.

- Унда телефонингиздан фойдаланишга ижозат берсангиз, - илтимос қилди пастак бўйли терговчи.

Прокурор ноилож бош иргади.

- Менга Туркистон ҳарбий округ прокуратура-сидан ўта муҳим ишлар бўйича прокурор Азамат Латиповични улаб берсангиз.

Адҳам Собировичнинг кўзлари косасига сигмай кетди. У бу ишни иттифоқ прокуратурасига етиб боришини кутмаганди. Терговчининг қўлидан ушлаб, қўйинг, бу ишни ўзимиз ҳал қилайлик, демоқчи бўлдию, аммо фурури йўл қўймади.

- Азамат Латипович, салом. Мен ҳарбий прокуратуранинг ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Олимжон Аҳмедовичман. Биз собиқ афғончи Зайниддин Жалоловнинг аризасига асосан текширув ўтказиш мақсадида у яшаб турган туман прокуратурасига келгандик. Ҳужжатларни ўрганишимиз учун прокурор қаршилик кўрсатмоқда.

Азамат Латиповичнинг прокурорга «гўшакни беринг», деган сўзини Адҳам Собирович аниқ эшитди. Негадир юраги шув этиб кетди. Титроқ қўллари билан гўшакни ушлади.

- Эшитаман, Азамат Латипович!

- Бу қанақа интизомсизлик?! Ҳужжат билан танишишга тўсқинлик қилишга сизнинг нима ҳаққингиз бор? Ҳозироқ терговчилар учун барча шароитларни яратиб беринг, тушунарлими?

- Тушундим!

Маҳбуснинг жиной ишини ўрганиш учун ҳарбий прокуратурадан терговчиларнинг келганини эшитиб, Жамолиддин типирчилаб қолди. Тўпланган маълумотлар етарли эмасди. Тергов материалларида чалкашликлар кўп эди. Даилий ашёлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари, тиббий хуросалар слинмаганди. Капи-

тан прокурорга құнғироқ қилди.

- Бу ишга мени аралаштирманг. Иложи булса үзингиз тинчтиб юбораверинг! - деди Адҳам Собирович.

- Гапингизга тушунмадим, ахир сиз жиноятчининг ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, уни қамоққа олишга рухсат бергансиз-ку. Калтакнинг бир учи сизга тегади.

- Мен қонун доирасида ҳаракат қилғанман! Ҳаммаси қонун талаби бүйича күрилган. Құрқадиган жойим ҳам йўқ! - деди прокурор. Унинг бу қадар кескин оҳангда сўзлаши Жамолиддинга оғир ботди.

- Жиноятчининг кўргазмаларини сиз олиб келганимисиз?

- Бироқ тергов ҳужжатлари етарли эмас эди. Қўлимизда далилий ашёлар...

- Бу сизнинг хатоингиз. Мен фақат айблов хulosам учун жавоб беришим мумкин. - Прокурор гўшакни кўйиб қўйди.

Олимжон Аҳмедович ишни милициядан бошлади. Терговчи уларнинг олдига бир даста ҳужжатларни тацлади.

- Биз жиноятчини қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда ушлаганмиз, - деди Жамолиддин.

- Маҳбуснинг уйида наша сақлананаётганлигини сиз кимдан эшитгансиз? - сўради ҳарбий прокуратура ходими.

Жамолиддин ўйланиб қолди.

- Хабарчининг исми сир сақланади, буни мендан кўра сиз яхшироқ биласиз! Айтишга ҳаққим йўқ!

- Уйни тинтишдан олдин прокурорнинг санкциясини олганмисиз?

- Йўқ!

- Нега?

- Шароит тақозо қилған. Прокурорнинг санкциясини кейин олганмиз.

- Қамаш учун, шундайми?

- Шундай!

- Нашани қамишзорга эккан экан. Ўзингиз бориб кўрганмисиз?

- Йўқ! Ахир айбланувчи буни ўзи тасдиқлаб турибди-ку!

- Сиз унинг сўзига ишондингизми?

- Албатта, у тўғри кўрсатма берди.

- Афсуски, наша билан қамиш бир жойда ўсмайди. Шуни билармидингиз?

- Айтгандан кейин ишондим-да, ўртоқ прокурор.

- Маҳбус яшаб турган уйининг томидан топилган наша цеплофан идишга солинган экан, нега экспертизага жўнатмадингиз?

- Бу менинг айбим, ўртоқ прокурор. Айбланувчининг сўзларига ишонганим учун...

- Айбланувчи наша чекишни Афғонистонда жангарилар қўлига асир тушганда ўрганган, деган айблов қўйяпсиз. Бунга бирорта далил-исботингиз бормиди?

Жамолиддиннинг баданини совук тер босди. Прокурорнинг устма-уст бераётган саволидан довдираб, ўзини йўқотиб қўйди.

- Ўз оғзидан гуллади, - капитан энди айбни Зайниддинга ағдара бошлади.

- Жиноятчи айбини ўзи ошкор қилиши жуда қизик-ку! Сизнинг тажрибангизни ўрганиш керак экан, ўртоқ капитан. Нега айбланувчини экспертизага олиб бориб, тиббий кўрикдан ўтказмадингиз?

- Боя айтдим-ку, ўртоқ прокурор, мен маҳбуснинг сўзларига ишонгандим.

- Жалолов дарё бўйларига яширинча эккан нашаларни терговда исми аниқланмаган шахсларга сотган, уларга чекишни ўргатган, деб айб қўйгансиз, тўғрими?

Капитан бош иргади.

- Шахси номаълум шахсларнинг наша олгани ва чекканини сиз қайси манбадан олдингиз?

- Ўзи тан олди.

- Тан олган одам наҳотки шерикларининг исми-

шарифини айтмаса?

- Уни мажбуран ва зўрлаб айттириш жиноят-ку!

- Жиноят процессуал кодексида «Тергов давомида ўзининг доимий исботини тополмаган ҳар қандай гумон ва гумон қилинувчи айбланувчининг фойдасига ҳал этилсин», деган модда борлигини билмасмидингиз?

Терговчининг тили айланмай қолди.

Ҳарбий терговчининг охирги саволи шу бўлди:

- Ўртоқ капитан, менга айтинг-чи, Зайниддин Жалоловни қамашдан мақсадингиз нима эди?

Кора терга ботиб кетган терговчи бу саволга жавоб беролмади. Зайниддин қасддан қамалгани, уйига наша ташлаб қўйилганлиги ўз-ўзидан аён бўлди.

Ҳарбий терговчилар Зайниддин Жалоловнинг ҳужжатлари билан танишиб бўлгач, маҳбус сақланаётган изоляторга боришиди. Жалолов юқорида берилган жазодан норози бўлиб, шикоят аризаси ёзганлиги сабабли уни жазо ўташ колониясига жўнатишмаганди. Терговчилар маҳбус билан суҳбатлашиши.

- Бизга фақат ҳақиқатни айтинг. - Қанчалик тўғри ва рост гапирсангиз, сизни оқлаш шу қадар осон кўчади.

Зайниддин бўлиб ўтган воқеани рўйи-рост сўзлаб берди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, маҳбус турмадан озод қилинди. Ҳарбий прокуратура терговчиларининг хулосаси билан туман судининг ҳукми бекор қилинди. Терговчи қонунни атайлаб бузганлиги, Зайниддинга нисбатан ноҳақ айб қўйганлиги сабабли ҳибса олинди. Суд раиси ишдан бўшатилди. Прокурор Адҳам Собирович «Бу ишга менинг алоқам йўқ!», деб туриб олди. Шундай бўлсада у тергов ва суд ишини назорат қилмаганликда айбланди ва ҳайфсан билан кутулиб қолди. Зайниддин эса турмадан чиқсан куниёқ қишлоқда қолишини истамади. Ҳамқишлоқларининг дастлаб хоинликда, сўнгра нашавандликда

айблашлари, бунинг устига отасининг жаҳл устида «сендай фарзандим йўқ, оқ қилдим», деб қарғагани йигитга қаттиқ таъсир қилганди. Турмадан чиққан куниёқ у қишлоқдан кетишга қарор қилди.

Ярим тунда қабристонга ўтди. Изғирин шамол эсиб туради. У гурлар орасидан ўтиб, Санжарнинг мармар плита ўрнатилган қабрини излаб топди. Унинг ой нури тушиб, ялтираб турган суратига сўзсиз тикилиб турди. Назарида, у озиб-тузиб кетган Зайниддиннинг устидан кулиб тургандек туюлди. “Агар сен аблаҳ битта магазиндаги ўқни менга берганингда қанча дўстларим, командирим Богатирёв ўлмай қолармиди?”, деган фикр хаёлидан кечди.

“Уларнинг ўлими учун, менинг бошимга тушган мана шу савдолар учун сен жавобгарсан. Сен қаҳрамон эмас, Ватан хоинисан! Сендан нафратланаман, ифлос!”

Зайниддин қабр атрофига териб қўйилган тошлардан бирини олиб, расмнинг башарасига солди. Плита иккига бўлиниб кетди.

Эртаси куни тонг сахарда Зайниддин йўлга отланди. У бир-икки йил Россияяда ишлаб келишни мақсад қилганди. Вакт ўтиб, отамнинг қаҳри босилар, деб ўйлаганди. Танишларидан бири унинг уйига бориб, ҳужжатларини келтириб берди. Дўстларининг илтимосини ҳисобга олмай, Россияга жўнаб кетди. Бир-икки ҳафта нима иш қилишни билмай, тентираб юрди. Бозорда ўзига ўхшаган йигит билан танишиб қолди. Унга қўшилиб арава тортди. Топиши ёмон эмасди. Аммо кўнглининг бир чети гаш эди. Бургага аччиқ қилиб, кекса ота-онасини, туғилиб ўсан қишлогини ташлаб келганидан дили бир азбланса, унга уюштирилган тухматдан яна бир азоб чекарди.

Кунларнинг бирида қалпогини бостириб кийган ўзи тенги йигит Зайниддинни чақириб қолди.

- Араванг бушми, биродар? - деди у йигитга.
- Буш, - деди Зайниддин ўзига тикилиб турган йигитга. Негадир кўзларини бакрайтириб туриши

Зайниддинга малол келди. - Нима хизмат? - бироз жаҳли чикиб сўради.

Йигит индамади, кўзларини узмай тураверди.

- Исминг нима, биродар? - ниҳоят тилга кирди нотаниш кимса.

- Хизматингиз бўлса айта қолинг, вақтим утаяпти, - деди зардаси қайнаб Зайниддин. У аравасини тортиб кета бошлади.

- Тўхта! - буюрди нотаниш кимса унга яқин келиб.

- Гапиринг!

- Афғонда хизмат қилмаганмисан? - Зайниддин бошини баланд кўтарди ва қаршисидаги йигитга кўзларини тикди.

- Юра! - унинг қулидан арава тушиб кетди.

- Зайн!

Улар бир-бирларини бағриларига босиб, гоҳ униси, гоҳ буниси кўтариб, ҳол-аҳвол сўрашди.

- Учрашган жойимизни қара! - Зайниддин дўстини кучогидан бўшатмай деди.

- Бу ерларда нима қилиб юрибсан?

- Сўрама, дўстим, айтсан ишонмайсан.

- Кўпдан бери шу ерда ишляяпсанми?

- Бир ҳафта бўлди.

- Каерда турибсан?

- Бозоркомнинг дачасида.

- Ишларингни йифиштир!

- Нимага?

- Кейин биласан.

Зайниддин аравасини топширди. Юра иккиси бозордан майда-чуйда харид қилишиб, унинг машинасида шаҳардан чикиб кетишиди. Юра дўстини дала ҳовлига бошлаб келганди. Уларни ўн саккиз ёшлардаги қиз кутиб олди.

- Таниш, холамнинг қизи Света! - деди Юра дўстига.

- Зайниддин!

- Айтиш қийин экан, - кулди қиз.

- Ўрганиб кетасиз.

- Эртага байрам, биласанми? - деди Юра ичкарига киришгандан сұнг.

- Едимдан күтарилибди.

- Унудиши яхши әмас. Бугун бу ерга ағфонда хизмат қылған барча қуролдош дүстларимиз, үзимнинг бошлиғим келишади. Сени учратганим яхши бўлди. Палов тайёрлайсан, ҳаммамиз соғинганмиз!

Юра иккиси ошхонага кириб, палов учун масаллиқларни тұграб тайёрлашди. Света уларга ёрдам беребі турди.

- Мен паловни жуда яхши кўраман, бироқ тайёрлашни билмайман-да, - деди Света сабзи тұғраётган Зайниддинга қаратса.

- Ҳечқиси йўқ, бугун ўрганиб оласиз, факат менинг ишимни дикқат билан кузатиб турсангиз бўлгани!

Юра хонага жой тайёрлади, дастурхон безади. Зайниддин дүстини нима иш қилишини сұраб-суриштиirmади. Ҳар холда ёмон яшамаслигини билди. Дала ҳовли, машина, демак, у катта лавозимда ишлаётган бўлиши аниқ. Меҳмонлар кечки пайт келишди. Бу ерга ташриф буюрганларнинг кўпчилиги ағfonда хизмат қылған йигитлар эди. Зайниддин улар орасидан үзи билан бир қисмда хизмат килған танишларини учратди. Юра «паловни яхши кўришларингни билиб, атайлаб Зайниддинни Маржонбулоқдан чақиртирдим», деб ҳазиллашди. Меҳмонлар тұпланишгач, Юранинг бошлиғи ҳам етиб келди. Үнвони каттароқ одам экан; ҳамма уни ўрнидан туриб, ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олди. Шундан кейин Зайниддин Юранинг ҳарбийда ишлашини билди.

- Бу киши менинг бошлиғим, полковник Сергей Петрович Тарасов, - деб таништириди Юра. Полковник «хурсандман», дея Зайниддинга қўл чўэди. У армия куни билан собиқ ағfonчиларни қутлади.

- Бугун шонли армиямизнинг таваллуд айёми,

адашмасам бу хонада афғонда хизмат қилган собиқ жангчилар тұпланишган. Сизларнинг даврангизда үтириш мен учун ҳам фахр. Күплаб дүстларимиз жангарилар билан бұлған омонсиз жангда қурбон бұлишди. Мардлик ва жасорат күрсатиб, ҳалок бўлған байналмилалчи биродарларимизни биз ҳеч қачон унтишга ҳаққимиз йўқ! Мана, бугун газетада ҳукуматимиз Афғонистонда йигитлик бурчини ўтаб қайтган уч нафар жангчимизни Ватанинг юксак орден ва медали билан тақдирланганлиги тўғрисида Олий Советнинг фармони эълон қилинибди. Вақтларингни олсамда, уларнинг исм-шарифини ўқиб бермокчиман. Зеро, сизлар уларни танишларинг мумкин.

Полковник қўзойнагини тақиб, ён чўнтағидан газетани олиб, биринчи саҳифасини очди.

- Ўзининг байналмилал бурчини бажаришда, жангарилар билан булған жангда, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган сержант Дарасели Гурам ГрИгорьевич (марҳум), оддий аскар Леонид Николаевич Кутузов, оддий аскар Зайниддин Бурхонович Жалоловлар «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлансин!

Зайниддин тўлқин ургандек қалқиб тушди. У қулоқларига ишонмасди. Юра бир сакраб, дўстининг олдига келди ва уни маҳкам қучоқлагандага кўпчилик ҳайрон қолди.

- Кутлайман, дўстим, муборак бўлсин!

Шундан кейин үтирганлар ўринларидан туришди ва бир-бирини маҳкам бағрига босиб турган йигитларга ҳайратланиб боқишиді. Улар қаршиларидағи йигит ҳозиргина полковник номини ўқиган ва «Қизил Юлдуз» ордени нишондори бўлған Зайниддин Жалолов эканлигини сира ҳам хаёлларига келтиришмаганди. Полковник столни айланиб ўтди.

- Мен ҳали қаҳрамон билан бирга үтирибманми? - дея Зайниддинни бағрига босди. - Чин юрагимдан кутлайман!

Света ҳам ўрнидан туриб Зайниддиннинг қизариб

кетган юзидан упди.

- Чин юрагимдан кутлайман!

Полковник Зайниддин билан қизиқиб қолди. Овқатланиб булишгач, йигитни қүшни хонага таклиф қилди. У бошидан ўтган воқеаларни Сергей Петровичга сұзлаб берди. Тарасов уни дикқат билан тинглади. Лекин юпатмади, тасалли ҳам бермади. Унинг бұлимиға айнан афғонда хизмат қилған, тилни яхци биладиган, юз-түзилиши мақаллий халқа үхашаш йигитлар ҳаводек зарур әди. Полковникнинг күлида мамлакат ичкарисига ташлаш мақсадида Афғонистон ва Покистон ҳудудида құпорувчилик ва айғоқчилик ишлари билан шуғулланаётган жангари-лар тайёргарликдан ўтаётганды тұғрисида хавотир-ли маълумотлар бор әди. Бирок мамлакатда турли диний оқимлар, гурухлар күпайиб, улар ўртасида ички уруш бошланиб кетганлиги сабабли давлат әлчихона ходимларини чакириб олғанди. Жұмладан, Тарасовнинг ходимлари ҳам қайтиб ўтганди. Жангари-ларнинг қачон ва қаердан кириб келиши ноаниқ әди. Улар тайёргарлик күраётган лагерга ўз одамини киритиш тұғрисида полковник уззукун бош қотираради. Муносиб ходим тополмай қийналиб юрганда, Зайниддиннинг дуч келиши унинг учун мұъжиза әди.

Ташқи разведка бошқармасида ишлаш Зайниддин учун шараф әди. Шу сабабли Сергей Петровичнинг таклифига рози бўлди.

Зайниддин ташқарига чиққанда Света уни ошхонага бошлади.

- Овқатни қачон сузасиз, қаҳрамон!

## ВАЗИРИСТОН

Зафар Афғоний Карим Ризонинг Германияда шундай соҳибжамол қизи борлигини эшитган бўлса-да, рухсорини кўрмаганди. Кўрганда қаршисидан куёш чиққандек томирларидаги қон жунбушга келди.

- Шундай латофатли қизингиз борлигини нечук илгари айтмагандингиз? - ажабланиб сұраганди бундан бир неча ой мүқаддам Афғоний қаршисида ой мисоли тұлиб, жилмайиб турган Шабнамдан күзини узмай. Үшанды қизнинг юzlари қизариб кетди. Бу шаънига айтилған мақтывдан әмас, аксинча, қариянинг беҳаёларча күзини қадаб турганидан әди. Шудақиқадан бошлаб қариянинг юраги нотинч ура бошлади. Бошидан ақли-хуши учеб, хаёлидан Шабнам кетмай қолди. Бир-икки бор нималарни дір баҳона килиб, Ризонинг уйига келиб кетди ва ҳар галги ташрифи чогида Шабнамнинг қулидан чой ичиш баҳонасида унинг рухсоридан қалвидаги согинч хиссенинг нағсинаи қондирди.

Томас Бекирнинг «Шабнам билан учрашдим», деган сузидан сұнг қариянинг ороми йүқолди. Айёр ва мунофик Бекир қизни аллақачон үз қармоғига илинтириб олған, деб үйларди. Қандай қилиб бұлсада турки совуқ бу йигитни қизга яқынлаштирмаслик тұғрисида бош қотирди. Томасга ноурын топшириқ берганидан пушаймон бұлды. «Топшириқ бажарилди», деган құнғирогини жавобсиз қолдирғанининг боиси ҳам шунда әди.

Әрталаб Қорачаён билан, танишиши мақсадида Афғоний у яшаётган уйга ошиқди. Шу баҳона Шабнамнинг рухсорини күриш илинжида әди. Хоним қарияни иззат ила кутиб олди.

- Отамни даракладингизми, ҳазрат? - қарияга умид күзларини қадаб суради Шабнам.

- Ёру-дүстларимга сим қоқиб маълум қилдим, хабар келиб қолар. Карим Ризо жанобларининг индамай кетиш одати йўк әди, хоним. Кейинги пайтда у киши мени ҳам огоҳ этмасдан қаёққадир кетиб қолмоқда. Воқиғингиз бұлсингим, бу юрт сиз билан бизга ётдир. Қалбимиздаги ота юртимиз сари интилиш бизни шу ерда қисинди бұлиб яшашга мажбур қиласадур. Бир-биримиз-ла иттифоқ, ҳолимиздан огоҳ бұлмогимиз лозим. Айниқса, Томас Бекирга ҳушёр-

лик ва зийраклик даркор. Улар бизга эл бўлмас.

Шабнам гарчи қариянинг сўзларини бош иргаш билан тасдиқлаб турса-да, мақсадига тушунмади. Шу сабаб жим ўтираверди.

Кекса жосуснинг панду насиҳатини телефоннинг жиринглаган овози бўлди. Киз “отам қўнғироқ қилаётган бўлса керак”, деган ўйда шошиб гўшакни қулогига тутди.

- Салом, Бекир жаноблари. Отамдан хабар борми? Шундайми, умидим сиздан. Бугун вақтим йўқроқ, яхшиси ўзингиз кела қолинг, уйдаман.

Қўринмас одам Зафар Афғонийнинг бошидан совуқ сув қуйиб юборгандек туюлди. Типирчилаб, ўтирган курсисига сифмади. “Аблаҳ, қизни илинтирибди-да», деган ўй чақмоқдек миясида чақнади. Юраги қасос ўтида ёнди.

“Сени шу дўндиқчанинг қўли билан ўлдирмасам отимни бошқа қўяман!» Титроқ қўлларини қаерга яширишни билмай, чўққи соқолини тутамлаб ўтирган Зафар Афғоний овозини ичига ютган қўйи онт ичди.

- Бир сўз айтдингизми, ҳазратим? - Шабнам телефонни жойига қўяр экан, қарияга юзланди.

- Менга изожат берсангиз, қиласидирган юмушларим бисёрдир. Хизматчиларим маҳтал бўлиб қолишмасин.

Жосус уй бекасининг қўлидан ушлади, бармоқлари билан силади-да, дириллаб турган лабига босди. Худди елимга ёпишиб қолгандек узоқ вақт лабини олмади...

Тонг ёришмаган пайтда телефон қўнғироғи Зафар Афғонийни уйготиб юборди.

- Эшитаман, - ҳазрат уйқусираган кўзларини очолмай жавоб қилди.

- Афандим, сизга чўнг хушхабар вар, - деди Туркиядан қўнғироқ қилаётган Тафиқ жаноблари.

- Не хабар экан?

- Суюнчисинида бергайсиз. Шуро ҳукумати парчаланиб кетди.

Зафар Афғоний қулоқларига ишонмади. Сапчиб ўрнидан турди.

- Сўзингиз чинми?

- Муборак бўлгай, иншооллоҳ энди Ватан бойликлари бизнинг мулкимиз бўлажак!

- Иншооллоҳ! Бу хабарни кимдан эшитдингиз?

- Арқадашларимиз айни замонда хабар вериш.

Зафар Афғоний Томас Бекирга сим қоқди.

- Шўро ҳукумати парчаланибди, шу гап ростми?

- Рост ҳазрат, ниҳоят биз мақсадимизга эришдик!

- Тантанавор оҳангда деди Бекир. - Коммунистлар зулмидан қутулган халқ Москва кучаларини тўлдириб байрам қилмоқда. Туни билан телевизорда томоша қилдим.

- Нечук мени огоҳ этмадингиз?

- Қувонганимдан унутибман, ҳазрат!

Афғоний Бекирдан қаттиқ хафа бўлди. Юрагида унга нисбатан иккинчи тугун ҳосил бўлди.

\* \* \*

Икки кун Зафар Афғонийнинг уйи хорижий мамлакатлардан келган биродарлари билан тўлди. Мехмонлар учун катта зиёфат берди. Кўй сўйиб, ош дамлади. Базмдан сўнг меҳмонлар Урта Осиёning харитаси тепасида тўпланишиб, мустақил мамлакатларнинг ер ости ва усти бойликлари, пахтазорлари, боғ-роғлари жойлашган ҳудудларни ўзаро тақсим килишга киришдилар. Бироқ беш соат давом этган тортишувда улар бир тўхтамга келишолмади. Бир-бирларини қучоқлаган, бир-бирларини табриклаган ватандошлар (аслида ватангадолар) ўртасида охир-оқибат келишмовчилик юзага келди. Бойликларни тенг ва адолатли тақсимлаш мақсадида келгуси ойнинг бошида Туркияда учрашишга келишиб тарқалишди.

Зафар Афғонийнинг хонадонига келган меҳмонларнинг ташрифидан Томас огоҳ эди. Улар ўртасида қандай тортишувлар бўлганини билиши ва бу ҳақда

ўз бошлиғига хабар жұнатиши лозим әди. Аммо Афғоний бу ҳақда маълумот беришни истамади.

- Кимнинг ҳимоясида юрганингизни унутманг, ҳазрат, - деди Бекир қовогини осилтириб. - Биз сизнинг хавфсизлигингизни таъминлаяпмиз. Эртага бирор кор-хол содир бұлса, мен жавоб беришім керак. Учрашувга кимлар келган, улар нима ҳақда суҳбатлашдилар - билишим шарт!

Қария бироз қизиши.

- Ватандошларим сизни ва идорангизни кизиқтирадиган ножұя ҳаракат қилишмади. Биз Марказий Осиё республикаларининг мустақиллікка эришганини байрам қылдик, холос.

- Бу сұzlарингизни раҳбарларим әшитгудек бұлса, сиздан хафа булишади, ҳазрат, - деди ҳафсаласи пир бұлган Бекир. - Сиз мендан сир яшираяпсыз!

Томас бошқа гапиремади ва ҳазратнинг уйини тарк этди. Зафар Афғонийнинг юрагида учинчи тугун пайдо бұлды.

\* \* \*

Ҳамон отасидан дарап топмаёттан Шабнам Зафар Афғонийнинг телефонига құнғироқ қилди.

- Әшитдингизми хоним, шүро давлати пароканда бұлибди. Ҳеч қулоқларимга ишонгим келмаяпты! Қандай баҳт, қандай қувонч, мана энди бизлар отабөбөларимиз юритидаги бойликларға әгалік қиласмыз!

Шабнам учун ҳукуматнинг тарқаб кетиши ҳам, ҳазратнинг бойликларға әгалік қилишининг заррача аҳамияти йүқ әди. Юраги үз падарининг ташвиши билан тепарди.

- Отам ҳақида янгилик борми?

- Дилингизни хушнуд қиласынан хабар йүқ, хоним, - деди Афғоний. - Аммо сиз билан маслаҳатлашадиган муҳим гапим бор. Имкон топсанғыз келинг!

- Отам тұғрисидами?

- Шундай!

Шабнам ұша заҳоти Зафар Афғонийнинг уйига

ошиқди. Ҳазрат қайғули нигоҳ ила қарши олди. Үкізни машинасига үтқазиб, шаҳар четига йўл олди. Икки соатча йўл босишгач даштга келишди. Жар ёқасида машинани тўхтатди. Юрагига қўрқув соя ташлаган қиз пастга тушди.

- Хоним, - деди ҳазрат пастга тушиб. - Менинг йигитларим биродаримни шу ерда отиб ўлдиришганини аниқлашди.

Қиз турган жойида ҳайкалдек қотиб қолди.

- Ким?

- Сўраманг, буни сизга айттолмайман.

- Нечук?

- Отангиз менинг энг содик дўстим эди. Биз бир-биримизга суюниб қолгандик, қисмат экан-да.

- Айтинг, қотил ким?

- Мени қийнаманг, хоним.

- Яширманг!

- Қотил ўта нозик одам, хоним, кимлигини айтсан орамиз бузилади.

- Худони ўртага қўйиб онт ичаман, ҳазратим, сизнинг номингизни айтсан, Аллоҳнинг нафратаiga учрай.

- Мени қийнаманг, азизам, - ҳазрат атайлаб қизни ялинтириш ва кўнглида туғиб юрган ниятини рўёбга чиқариш учун унинг томонидан розилик аломати сифатида бирор гап айтилишини кутди. - Отангиз иккимиз бегоналарнинг хизматини қиласиган ва уларнинг паноҳида кун кечирадиган одамлармиз.

- Сиздан ўтиниб сўрайман, қотилнинг исмини ошкор қилинг, - кўз ёш тўкиб ялина бошлади Шабнам. - Бир умр чўрингиз булиб, хизматингизни қиласман, ҳазратим.

- Мени уялтириб қўймайсизми?

- Асло.

- Унда бир илтимосим бор.

- Сўзланг!

- Буни кейинчалик айтаман.

- Ҳозир айтаверинг, энди бу юртда сиздан бошқа

ишенчли одамим қолмади.

- Ишонсам буладими?

- Худони ўртага қўйиб онт ичаман.

Зафар Афғоний чўнтағидан бир даста сурат олиб, хонимнинг қўлига тутқазди.

- Бекир?!

- Ҳа, сизнинг пинжингизга кириб олган ўша ярамас падарингизнинг қотили! Карим Ризони шу ерда отиб, жасадини мана бу жарга улоқтириб ташлаган. Менинг одамларим уни кузатиб келишган. Афуски, биродаримнинг ҳаётини сақлаб қолишга улгурмаганлар.

Шабнам ўзини ҳазратнинг қучогига отиб йиглаб юборди.

Шаҳарга қайтишганда қария қизга шу гапни тайинлади.

- Узингизга эҳтиёт бўлинг. Томасга билдиrmанг. Шубҳаланиб қолса, сизни ҳам йўқотиши мумкин. Ҳеч нарсадан бехабар одамдек юраверинг. Шаҳардан ташқарига таклиф қилса рози бўлманг.

- Қасос олишим керак-ку, ҳазрат! - юрагида алам ўти ёнаётган Шабнамнинг танаси титрарди.

- Қандай усулда ўч олмоқчисиз?

- Отамни қандай ўлдирган бўлса мен ҳам шундай ўлдирмоқчиман уни!

- Булмайди.

- Йўлини ўргатинг.

- Мавриди келади, айтаман.

Улар хайрлашдилар.

\* \* \*

Қорачаён ўзи учун ажратилган хонада уззукун камалиб ётарди. Бекорчи пайтларда она-юртини, бирга ўсан тенгу-тўшларини эсларди. Богатирёв яраланди. Зайнiddин билан Дараселининг ўқи туаганди. Уларнинг қисмати нима бўлди? Жангариларга асир тушишдими? Ёки уларни ҳам отиб ташлашдими? Балки улар ҳам кимнингдир хизматини қилиб

юришгандир? Ўшанда ёнидаги үқларни дўстларига берганда бундай аянчли кунлар бошига тушмасмиди? Ҳозир Ватанида юрарди! Зулайҳо билан тўйлари ҳам ўтган бўларди...

Карим Ризо сирли гойиб бўлганидан кейин Қорачаён «тиқ» этган товушдан чўчиб тушадиган бўлди. Шабнамнинг «Сен ҳам эркакмисан?!» дегандек тумтайиб боқиши уни баттар хавотирга соларди. Ўша кундан кейин қиз йигитга яқинлашмай қўйганди. Лагерда қулоғига қўйилган шоҳона уйлар, хизматкорлар қаерда? Сувдек оқиб келадиган пуллар-чи? Наҳотки алдашган бўлса? Унда нега қўпорувчиликка ўргатишиди? Ким учун керак эди бу? Карим Ризо йўқ. Тақдири нима бўлади? Ким уни ҳимоясига олади?

Ўйга қайтган Шабнам Қорачаённинг ошхонада чой ичиб ўтирганини кўриб, қўлидаги сумкани стол устига отди. Унинг важоҳати хунук эди. Йигитга ўқрайиб қаради.

- Мени бирор ким сўрадими?

- Ҳеч ким сўрамади, хоним.

Шабнам ичкарига кириб кетди. Бир муддат ўтиб қайтиб чиқди. Қўлида бир даста кийимлари. Қиз уларни йигитнинг оёғи остига ташлади.

- Яхшилаб юв!

## ҚАСОС

Қариянинг фикру ёди Томасдан ўч олишда эди. Уни шаҳар ичида ўлдириб, жасадини яшириб бўлмасди. Қотилликда Афғонийнинг иштирок этиши ҳам хатарли эди. Томас ўз бошлиқларига Карим Ризони ўлдириш тўғрисида унинг топшириқ берганини айтган бўлиши мумкин. «Ўлдиришнинг осон йўли - бу заҳар», - деб ўйлади кекса жосус. Шундай қилганда ундан ҳеч ким шубҳаланмайди. Зафар Афғоний саккиз соатдан сўнг таъсир қиласидиган заҳарни топиб, Шабнамнинг ҳузурига жунади. Ҳар эҳтимолга қарши унинг бир қисмини ўзида олиб

қолди. Нима қилганда ҳам аёл киши. Бошлиқлар шубҳаланиб қолса, қийноққа бардош беролмай оғзидан гуллаб қўйиши мумкин. Бундай ҳолатда дори унга асқотиб қолади.

- Томасни ресторонга таклиф қиласиз. Ўзингизни бегоналарга танитмаслик мақсадида маҳаллий аёллар кийимида ӯраниб боринг. Бу куқунни овқатига ёки ичимлигига ташланг. Такрор айтаман, Томас ўта ҳушёр одам. Эҳтиёт бўлишингизни сўрайман.

- Хотиржам бўлинг, ҳазратим, мен ундан қолишмайман!

Зафар Афғоний хонимни қучоғига тортди. Титроқ лаблар манглайидан яноқларга кўчди. Худди бол сўраётган боладек чўлпиллатиб, ютоқиб ўпди.

- Ёқдими? - хоним қарияга кўзларини сузиб бокди. Унинг шу қараши вужудини вайрон қилиб юборди.

- Асал экансиз.

- Унда шошилманг, роҳатланишнинг мавриди келади, - пичирлади Шабнам.

- Қачон?

- Ўзим айтаман!

- Унгача мен адo бўламан-ку, хоним!

- Орзиқиб кутилган нарса тотли бўлади, ҳазратим!

- Оҳ!

Афғоний яна қизга суйкалди. Унинг дудоқларидан, яноқларидан ўпди.

Хоним юзига тегиб, ачиштираётган соқолдан ғаши келди. Гавдасини орқага ташлади. Нозик бармоқлари билан қариянинг соқол босган юзига беозоргина шапати уриб қўйди.

- Йигитлардан ҳам шўхсиз-а, ҳазратим!

- Юрагимни ёндиридингиз, жоним!

- Ҳаммага ҳам юрагингиз ёнаверадими?

- Шу ёшга кириб сиздек оғатижонни биринчи кўришим!

Чол қизни яна бир бор белидан қучиб, бағрига

тортди.

## КАРАЧИ

Нормуҳаммад кутаётган меҳмондан дарак йўқ. У сувга чўккан тошдек ғойиб бўлганди. Кўнглида турфа шубҳалар уйғонғанди. «Мени таниб қолмадимикин», деган хавотирли ўй оромини бузганди. Шу ташвиш билан бир ойни ҳам ўтказди. Бу орада дўкондаги ишлар ҳам юришиб кетди. Хориждан келган сайёҳ ва савдогарлар пештахталардаги буюмларни «супириб» кетишганди. Нормуҳаммад шерикларини Эрон ва Ҳиндистонга жўнатди. Бу орада аёли ҳомиладор бўлиб, кўз ёриш вақти-соати яқинлашиб қолганди. Бир оёғи уйда бўлса, иккинчиси дўконда эди. Ишлари кўпайгани боис, Қораҷаён хаёлидан кўтарилди. Аммо юрагининг нозик бир бўлагида ҳосил бўлган ярани унутолмасди. Яра кун сайин газак олиб, вужудини кемириб, туну кунлар унга ором бермасди. Бу Ватанга бўлган адоксиз ва шифосиз соғинчи эди. Болалиқда бирга ўйнаб-усган дўсту ёрлари, меҳрибон падару волидаси, жажжигина сингилчаси кундуз кунлар хаёлида яшаса, тунлари тушларига киради. Топа-ётган бойликлари, кечираётган шоҳона ҳаёти - уларни хотирасидан ўчиролмасди. Оғриқсиз соғинч қалбини кемириб, рангу-рўйини сомон қилганди. Ҳарбий қисм унинг тақдири тўғрисида ота-онасига қандай хабар жўнатишдийкин? Жангда ўлиб кетганда, жасади борарди. Бедарак йўқолди дейишса, ота-она жигаргўшасининг йўлига кўз тикиб, бўзлаб ўтиришганми?

Нормуҳаммад ўзи ҳакида уларга хабар йўллашни истарди. Бироқ ким орқали, қандай етказиши даркор? Ёт элда таниш-билишлари бўлмаса. Элчинонага учрай деса, шахсини тасдиқловчи ҳужжати йўқ.

\*\*\*

Зайниддинни Покистон орқали Афғонистон

ҳудудига ўтиши режалаштирилганди. Икки ой муқаддам разведка бошқармасига мамлакатдаги ички вазиятни издан чиқариш, миллатларни бир-бирига гиҷ-гиҷлаш мақсадида қўпорувчилик ишларига жосулар тайёргарлик кўраётганлиги тўғрисида махфий маълумот келиб тушганди. Афсуски, бошқарма қимматли маълумотни жўнатган алоқачисидан бошқа хабар ололмади. У изсиз ғойиб бўлганди. Натижада жангариларнинг қачон ва қайси координат орқали мамлакатга кириб келиши мавҳум бўлиб қолганди. Бу ҳақда тезкор маълумотлар йиғиш, чегарани кесиб ўтиши мумкин бўлган террорчилар кирадиган йўлакни аниқлаш мақсадида разведка бошқармаси ўз одамини жангарилар орасига киритиши зарур эди. Зайниддин бошқарма излаётган одамнинг айнан ўзи эди. У белгиланган объекти топиши, жангариларнинг ичига кириши, уларнинг Россия ҳудудига қачон ва қайси давлат орқали кириб келишини аниқлаб, ахборот жўнатиши лозим эди.

Покистонга келган Зайниддин аввало бу ерда ўзи учун ишончли одам топиши ва унинг ёрдамида Афғонистонга ўтиб олиши лозим эди. Шу мақсадда Карабида бир ҳафта қолиб кетди. У туну-кун ишлади. Чекист Ватаннинг тинчлиги, одамларнинг осуда ҳаёт кечириши ўзининг ҳаракатига ва сергаклигига боғлиқ эканлигини ҳис қиласарди. Аммо ёрдамчини топиш кийин кечди. Оқшомлари хорижий мамлакатларнинг мухбирлари билан учрашди. Улар шаҳар марказидаги кичкинагина барда тўпланишиб, бир қадаҳ шампанни эрмак килишиб, кун бўйи тўплаган маълумотларни мұхимлигига қараб, пуллашарди. Бу ер ахборот олиш ва сотиш маркази ҳисобланарди.

Финляндиялик Пайва хоним Зайниддинни интиқли билан кутарди. Танишганларига эндиғина икки кун бўлсада, улар бир-бирларига ўрганиб қолишганди. Ўша куни ҳаво совиб қолганди. Пайва ўзига иссиқроқ кийим сотиб олиши кераклигини айтганда

Зайниддин унинг таклифига рози бўлиб, йўл бўйидаги дўконларга киришди. Пайва рус тилини яхши биларди. Москвадаги олийгоҳни битириб, бир йилча Ленинградда (Хозирги Санкт-Петербург) ўз соҳаси бўйича хизмат қилганди. Хоним кийимларни танлаб, Зайниддинга кўрсатиб, унинг маслаҳатини оларди.

- Русмисизлар? - сурари Нормуҳаммад уларнинг сўзларини тинглаб. Бир неча йилдан бери ўз она тилида сўз эшитмаган йигитнинг кўзлари чақнаб кетганди. Соғ рус тилида янграган сўздан Зайниддин ажабланиб, сотувчига юзланди. Дўкон эгасининг мовий кўзлари таниш туюлдио, бироқ уни қаерда ва қачон кўрганини эслай олмади.

- Сиз билан гаплашсан бўладими? - у Зайниддинга яқин келиб сурари.

- Бемалол?

- Мен русман!

- Русман?!

- Ҳа.

- Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

- Жангариларга асир тушиб, шу ерда қолиб кетганман.

- Нега Ватанга қайтмадингиз?

- Бунинг тарихи узоқ. Рози бўлсангиз гапириб бераман.

- Қулогим сизда.

- Аммо бу ерда эмас, холироқ жойда.

- Маъқул.

- Вактингиз бўлса эрталаб шу ерга келсангиз.

- Соат саккизда кутинг!

- Раҳмат сизга!

Зайниддин чиқиб кетгач, Нормуҳаммад ўзини анча сенгил ҳис этди.

Эртаси куни чекист айтилган муддатда дуконга келди. Нормуҳаммад уни уйига таклиф қилди. Шаҳарнинг бой одамлари истиқомат қиласидаган ҳовлига кириб келишди. Савдогар меҳмонни ўзининг

хонасига бошлади. Ҳақиқий исмини, жангарилар қўлига асир тушиб қолганини ва бу ерга келиб қолиш сабабларини гапириб берди. Қорачаённи шу ерда кўрганини эсидан чиқармади. Санжарнинг номини эшитганда Зайниддиннинг бадани қизиб кетди. Кўз олдига ҳашаматли қабри, мактаб ҳовлисига ўрнатилган ҳайкали келди. Наҳотки у тирик бўлса? Ахир қишлоқда одамлар уни қаҳрамонга чиқариб қўйишганди-ку? Ҳукумат орден билан мукофотлаганди-ку?

- Сиз адашмадингизми, ҳақиқатдан ҳам у Санжарми?

- Нега адашай, ахир лагерда олти ойдан кўпроқ унинг хизматини қилганман!

- Уни бу ерда қачон кўрдингиз?

- Бир ойдан ўтиб қолди.

- Мен уни топишим керак. Кўрсангиз, албатта мени огоҳ қилинг.

- Тириклигим тўғрисида ота-онамга хабар жўнатсангиз. Улар мени аллақачон ўлиб кетган, деб дарду алам чекиб, аза тутиб ўтиришгандир.

- Албатта, бугуноқ сиз тўғрингизда ўз бошлиқларимга маълум қиласман.

Зайниддин қандай қилиб бўлсада Санжарни топиш ва уни ўз кўзи билан кўришни истарди.

\* \* \*

Шабнамнинг юрагида қасос ўти ёнарди. Томасдан отасининг хунини олишини ўйларди. Лекин йўл тополмай қийналарди. Бунинг устига Томас Шабнамга қўнфироқ қилмай қўйганди. Сабр косаси тўлган қиз ниҳоят қўнфироқ қилди, аммо Томас зарур ишлар билан бандлигини айтди.

- Азизим, билсанг сени жуда соғинганман, аммо мени маъзур тутгин, қўлим бўшаши биланоқ сени ўзим топаман

Шабнам йигитни кўзлари тўрт бўлиб кутди. Ниҳоят, телефон жиринглади. Томаснинг овозини

эшитганда Шабнамнинг юрагидаги қасос ўти қайта ловуллади. Бироқ унга бўлган нафратини сездир-маслик мақсадида тилидан шундай ширин ва тотли сўзлар учиб чиқди-ки, Томас қизни чиндан ҳам соғинганига ишонмасликдан ўзга иложи қолмади. Кечки овқатни тановул қилишни қайта-қайта илти-мос қилгач, хоним бу таклифни қанчалик орзиқиб кутаётган бўлишига қарамай, зўрга розилик берди. Қолаверса, таклиф Томаснинг ўзидан чиққанидан қувонди.

- Ўша кунги учрашувнинг такрорланишини истардим, - деди Томас. - Билсанг ҳанузга қадар унугу толмаяпман.

- Хумори тутяпти денг, - Шабнам юрагидаги алам ва нафратни зўрга босиб деди.

- Очиги сендеқ жонон билан бўлмаганман.

- Қаерга таклиф қилмоқчисиз?

- Шаҳарнинг энг зур ва энг тинч ресторанини танла. Бу сен учун имконият.

- Факат ресторангами?

- Ҳозирча ресторанга.

- Кейин-чи?

- Кейин қаерга боришни танлаш менинг ихтиё-римда.

- Албатта, бу таклифни ҳисобга оламан.

"Караби"· ресторанига фақат пулдор кишилар-гина ташриф буюрарди. Томас хонимни ним қоронгу хонага бошлаб кирди. Шабнам Зафар Ағонийнинг сўзларини ҳар қадамда эслаб турди.

Томас зиёфатдан сўнг Шабнамни уйига олиб кетишини режалаشتирганди. Тансик таомларни буюрди. Миср виносидан ичгиси келди. Хоним ичмасди. Лекин Томаснинг таклифини инкор этмай, дадил булиш мақсадида бир-икки жўплам ичган бўлди, бир зумда танаси қизиб кетди. Томас қизга яқин ўтиарди. Қуллари унинг белига, гоҳида кўксига югуарди. Бир-икки маротаба юзидан ўпди. Шабнам: «Ажалинг кўлимда, кўнглинг тусаган ишни қил»,

дегандек қаршилик күрсатмай ўтириди. Хаёлида Ағфоний берган заҳарни Томаснинг овқатига қўшиш эди. Ҳозир иштаҳа билан овқатланмоқда, ҳали замон корни тұяди.

Томас ёзилиш мақсадида ташқарига чиққанда қиз учун имконият туғилди. Кайфи ошган бўлса-да, ҳушёрлигини йўқотмаганди. Гандираклаб хонадан чиқиб кетди. Ҳурандалар кўп эмасди. Беш-олти киши бурчакда сухбатлашиб ўтиришарди. Улар Зафар Ағфонийнинг айғоқчилари эканлигини Шабнам билмасди. Бўш столдаги сумка ичига жойлаштирилган махсус камера суратга тушираётганидан ҳам бехабар эди. Шабнам сумкасидан куқунни олди. ва Томаснинг овқатига сепди. Йигит қайтиб келди. У столини қизга яқин суриб ўтириди. Қўлинини Шабнамнинг елкасига ташлаб, шивирлади.

- Кетамизми, жоним?
- Қелганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ-ку, азизим.
- Қолган кайф-сафони уйда қиласмиз.
- Овқатингни емадинг?
- Ёқмади!

Шабнам устидан бирор совук сув қуйиб юборгандек жунжикди. Наҳотки юрак ҳовучлаб қилган меҳнати зое кетса?

- Яна бирпас ўтирайлик.

Шабнам йигитга овқат едиришни ўйларди. Ўзи ҳам нозланиб, бошини унинг елкасига қўйди. Йигит хизматкорни чақирди.

- Нима камчиликлар бор соҳиб?
- Буларни йифиштир, бизга бошқа таом келтир. Французларнинг виносидан ичамиз!

Хизматкор идишларни йифиштириб кетди. Шабнам мулзам бўлди.

Улар ресторандан чиқишигандан вақт алламаҳа т бўлғанди. Томас қизни уйига олиб кетди.

\* \* \*

Зафар Ағфонийнинг одамлари Шабнам Томасни

ресторанга бошлаб борганини айтишганда қария душманидан интиком олиш мавриди келганидан қувонганди. Иттифоқ парчаланиб кетгандан сунг Томасни үзининг ашаддий душманларидан бири, деб ҳисобларди. Ўн йилдан бери бирга ишлаётган бўлсада, үзига нисбатан ҳурматсизликни кўп бор ҳис этиб яшади. Айниқса Шабнам билан алоқа қилаётганини эшитгандан кейин аламига чидаёлмади ва кўпдан бери юрагига туғиб юрган қасос олишни тезлаштиришга аҳд қилди. Ўша кутлуг кун етиб келганди.

Қўнғироқ овозини эшитган Афғонийнинг хаёллари тўзғиб кетди. Шабнамни кузатиб юрган одамлари қайтиб келишганди.

- Нима гап? - сўради қария уларнинг юзидағи ташвишни кўриб.

- Томас заҳар қўшилган овқатни емади, соҳиб.
- Нечун?
- Ўёғи бизга қоронгу.
- Шабнам қаерда?
- Томас уйига олиб кетди.
- Балки шубҳалангандир?
- Бўлиши мумкин.
- Томас ташқарига чиқиб, қайтиб кирдию, хизматкорга стол устини тозалашни ва янги овқат келтиришни буюрди.

Зафар Афғоний илон чаққандек ўрнидан туриб кетди. Қўлларини бир-бирига уриб, асабий ҳолда хонада юрди. «Томас шубҳаланган, Шабнамни қийнайди», деб ўйлади. Қиз қийноқларга бардош беролмай Афғонийни сотиб қўйиши мумкин.

- Ҳозироқ Томаснинг уйига борасанлар! - одамларига буюрди ҳазрат. - Тонг отгунча тинчитиб келасанлар? Назаримда энди очик ўйин бошланадиганга ўхшайди.

- Кизни нима қилайлик?
- Бирор туки тўкилмасин!

\* \* \*

Йўлдаёқ Томаснинг кайфи тарқаб кетганди.

- Бир зум ўтириб тулинг, хоним, - деди жосус үйга киришганда. Унинг боқишиларида қандайдир сохталик борлигини гоҳ сенсираб, гоҳ сизлаётганидан тушунган Шабнамнинг юраги безовталанди. Томас косада овқат олиб чиқди ва Шабнамнинг олдига қўйди. Қиз овқатга қаради.

- Ҳозиргина овқатлангандик-ку, - унинг овози қалтираб чиқди.

Үй эгаси идиш тепасидаги сочиқни олганда Шабнам йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Томас унинг кўзларига тикилиб турарди. Овқат қизга таниш эди. Ресторанда заҳар аралаштирган таомнинг ўзи. Томас ташқарига чиқаётганда хизматкорга тайинлаб қўйганди. Қайтиб кирганда хизматкор овқатга қиз ниманидир қўшганини айтган, жосус эса овқатни ўраб, машинага солиб қўйишни буурганди.

- Идиш кўзингизга таниш кўринмаяптими, хоним?

- масхараомуз жилмайиб сўради у.

Шабнам томоғига овқат тиқилган одамдай ютинди.

- Йўқ, нега?

- Марҳамат, унда овқатдан бир қошиқ татиб кўринг!

- Биз ҳозиргина овқатландик-ку, азизим. Қорним тўқ.

- Бир қошиқ ўтиб қолар, олинг!

Шабнам ола-кула бўлиб кетган кўзларини яширишга жой тополмай қолди. Томас ундан нигоҳини узмади.

- Мен... нима десамикин, совуқ овқатни еёлмайман, томоғим оғрийди.

Томаснинг газаби тошди. Овқатдан қошиқка солиб, қизнинг оғзига яқин келтирди.

- Оч оғзингни, қанжик, боя совуқ овқатни ҳам чайнамай ютгандинг-ку!

- Томас, Томас, керак эмас...

- Овқатга нима қўшгандинг?

- Ҳеч нарса!
- Унда нега емаяпсан, манжалаки!
- Қорним түк.
- Әлғон! Овқатта нима құшгандинг? Гапир!!

Йигитнинг құлидан қошиқ тушиб кетди. У қизнинг иягидан маҳкам чангаллади. Шабнамнинг сұяклари қирсиллаб кетди.

- Ким топшириқ берганди, айт?! - Томас қизнинг юзига мушт туширди. Шабнам қичқириб юборди. - Гапир мегажин, ким овқатта заҳар құшишни буюрганди?

Қиз ёрилиб, қонга бүялган лабини артди.

- Менинг айбим йүк!
- Топшириқ берганни айт?!

Йигит қизнинг соchlарини бүйнига үради.

- Танла, овқатни ейсанми ёки ким буюрганини айтасанми!

Шабнам ҳаво етишмай ранги-рүйи күкариб кетди. Бүш қопдек шалпайиб, жосуснинг оёғига үйқилди. Шунда күз олдига үлим келди. У ҳаётининг хазон булишини истамасди. Зафар Афғонийнинг номини айтишга оғиз жуфтладио, бироқ тили айланмади.

- Мен сендан жавоб кутяпман! - яна сұроққа тутди Томас

Шабнамнинг ёшли күзларига Афғонийнинг совук юзи күринди. "Ҳеч кимга айтмайман, үртамизда сир булиб қолади", дея ичган қасамини эслади. Бироқ вақти келиб, сир ошкор булиб, Томаснинг құлига тушиб қолишини үшанда үйлаганми? Афғонийнинг номини сотса, эртага нима бұлади? Томас уларни юзлаشتыради-ку. Қариянинг юзига қараңға күзлари дош берармикин?

- Ҳеч ким буйруқ бермаган, - зўрга лабларини қимирлатди Шабнам.

- Демак, мени үлдириш фикри үзингдан чиққан, шундайми?

Шабнам бошини силкитди.

- Сенга нима ёмонлик құлдимки, жонимни олмоқ-

чи бўлдинг?!

Томас қизнинг ёлғон гапираётганини биларди. У қўлидаги пичокни стол устига қўйди. Қизни қандай жазолашни яхши биларди. Эски усулларидан бирини қўлласа, булбулдек сайраб юборади. Томас коńяк шишасини олди-да, столга уриб синдириб, ўткир тифини унинг юзига яқинлаштириди.

- Энди ўзингдан кўр! Жосус шиша билан қизнинг юзини тилиб юборди. У жон талвасасига тушиб, қичқирди.

- Ўчир овозингни, қанжиқ!.

- Бас қил! Айтаман, айтаман!

- Гапир?! Ким буюрганди?

Энсасига қадалган тўппонча Томасни орқага карашга мажбур қилди. У Зафар Афгонийнинг соқчиларини кўрдию, қўлидаги қонли шиша бўлагини ерга ташлаб юборди.

\* \* \*

Шабнам бетоб эди. Юзини шиша тилиб, жароҳатлаганди. Ўрнидан туришга, турганда эса юришга қийналарди. Қўзи чандиқقا тушса, юраги эзиларди. Асабий ва инжиқ булиб қолганди. Икки гапнинг бирида Корачаённи қарғарди.

- Хой қаро ерга киргур, қаерда қолдинг, тогора олиб кел! - Корачаён шу заҳотиёқ тогора кутариб киради. Хоним бушаниб олгунча юзини деворга ўғириб турарди.

- Тезда тўкиб кел, уйни ҳид босмасин! Сен шум қадам келганингдан бери бошимга фам-ташвиш ёғилмоқда!

Шабнам тузалиб, яралари битиб, аввалги ҳолига келса, зудлик билан отасининг бу кошонасини каттароқ пулга сотиб, Германияга жўнаб кетишни режалаштиради. Корачаён ҳам ундан безор бўлганди. Лагердаги ҳаёт бу ердагидан минг чандон яхши эканлигини тушунди. Карим Ризога эргашиб келганидан надоматлар чекарди. Уни ўлдириб кетишга-

нидан бехабар эди. Берилган ваъдаларнинг пучлигига энди росмана ишонганди. Бойлик ва мол-дунё ваъда қилган кимсаларнинг ўзи қаерда қолди? Нега куринишмаяпти? Наҳотки, улар шу қадар пасткаш ва субутсиз бўлса?

Ўша кунги тушакдаги воқеадан кейин Шабнамнинг ундан қаттиқ ранжиганлиги, ҳар иккى гапнинг бирида жеркиб туришидан сезиларди. «Нега нафсимнинг гапига кирдим? Тинчгина ётсам бўлардик? Ёнимга келганда, «Ҳазрат отам ўрнида ота, сиз менга сингилсиз», деганда бундай кўргилик бошига тушмасмиди? Мижозининг сустлиги, ҳали бу ишда тажрибасизлиги, йигирма беш ёшга кирган бўлсада, аёл зоти билан бўлмаганлиги бошига кулфат ёғдиришини ўйлабдими? Балои нафснинг гапига кириб, итнинг бошига тушмаган кунларни кўрмокда. Хонимнинг тагига тогора тутади, сассик ҳид уфириб турган лозимини ювади, эрталабдан кечга қадар чўридай хизматини қилади. Бундай яшаш қачонгача давом этади? Бундан кура дайди ўкқа нишон бўлгани дуруст эмасмиди?

Мана шу саволлар Қорачаённинг юрагини қийнарди, тунлар уйқусини ўғирларди. Тушларида туғилиб ўсан қишлогини, таниш-билишларини, дўсту-ёрларини, ота-онасини ва албатта, Зулайҳони кўрганда одамнинг кузи тушмайдиган жойларга беркиниб, кўз ёш тукиб оларди. Уларни қўмсаради, соғинчдан қалби эзилиб кетарди. Ватанидан жудо бўлганидан, хўрланганидан йигларди. Худога нола қиласади.

- Жонимни олсанг розиман, факат мана шу ялмогизнинг юзини кўрсатмасанг бас!

Нима қилишини билмай аросатда юрган кунларнинг бирида уни йўқлаб келишди...

## ОКЕАН ОРТИДА

Рахбарлар ўша куниёқ Томас Бекирнинг

ўлимидан хабар топиши. Яшаб турган уйида отиб кетишганидан ташвишга тушиши. Қотил ким, нима мақсадда ўлдирилган? Бу саволларга жавоб топиш учун туну күн бош қотиришга тұғри келди. Кейинги ойларда Томас жұнаттан маълумотлар қутарилиб, қайта ўрганилди. Олти ой давомида фақат Зафар Афғоний ва Карим Ризо билан ишлаганлиги ҳамда муҳим маълумотларни улардан олғанлиги ойдинлашди. Бундан ташқари, улар томонидан берилған маълумотларда Томаснинг ҳаётига хавф түгдирадиган муҳим ахборотлар йүқ әди. Экспертлар Томаснинг қотили Зафар Афғоний деган қарорга келишди. Ағсуски, уларнинг қарори раҳбарларга маъқул келма-ди. Бошлиқтарнинг ҳам ўз тахминлари мавжуд әди.

Томаснинг жасади олдидан 42 калибрли түппончадан отилған гилза топилған. Англияда ишлаб чиқарылған бу қурол ҳақиқатан ҳам ҳазратда бұлғанми? У ёнида қурол олиб юрмаганлиги разведка идораси ходимларига аён әди. Мана шу тахминлар Зафар Афғонийни қотилликда гумон қилинишидан асраб қолғанди. Яна бир тахмин Шабнамдан әди. Томаснинг жасади олдида қон доғлари қолған, шишадан эса соч толаси топилған. Экспертиза берган маълумотларда соч ва қон гуруҳи айнан аёл кишини эканлиги айтилған. Қотилликда Шабнамнинг құли бұлмаса-да, иштироки борлигини тахмин қилиш мүмкін әди.

Қотилни топиш Жон Карлсоннинг гарданига юқлатилди. Бириңчи галда Шабнамнинг соч толасини олиб жұнатиши лозим әди. Тахминлар ўз исботини топадиган бұлса, топшириқ берган одамни ҳам аниқлаш, сұнг иккисини йүқотиши вазифаси топширилганди.

Жоннинг Покистонга бириңчи ташрифи әмасди. Илгари ҳам бу мамлакатда уч йил хизмат қылған. Шахсий ҳаётида учраган қийинчиликтерден дили хира бұлиб, Ватанига қайтиб кетганди.

- Фақат бир шартим бор, - деди Жон жұнаш олдидан бошлиғига, - мен у ерда узок турмайман, бир йилдан сұнг чақириб оласан!

- Сен топшириқни бажариш билан бирга Покистон ва Афғонистондаги, қолаверса Марказий Осиёдаги вазиятни назорат қилишинг керак. Амин Сардор ўз одамларини Жалолобод шаҳрига олиб борган. У ерда каттагина лагерь ташкил этган. Кейинги пайтда бизнинг топшириқларимизни бажармай қўйди. Хориждаги элчихоналаримизни портлатишда ҳам унинг иштироки бўлиши мумкин. Қисқаси тарбиялаган одамимиз энди бизга қарши курашмоқда. Унинг танобини тортиб қўйиш учун Амин Сардорнинг одамлари ичига агент ташлашимиз лозим. Босган қадамидан огоҳ бўлмас эканмиз, у бошимизга оғир кулфатларни ёғдиради. Кўпгина мамлакатлардаги агентларимиз Амин томонга ўтиб кетишиди. Марказий Осиёдаги жосусларимиз билан алоқа узилган. Ҳазратга тайинла, Амин Сардор билан алоқани мустаҳкамласин. Бизни маълумотлар билан таъминлаб турсин, - деди бошлиқ. - Ўйлайманки, сен мана шу ишларни уddyалайсан! Яна бир муҳим топшириқ, Амин Сардор жойлашган манзилнинг аниқ координатини бизга жұнат. Бу ишни агентларга ишониб бўлмайди. Топшириқни ўзинг бажарасан!

Жосус ўз гарданига катта масъулият юкландырылғанлигини ҳис этди. Бироқ ўзи учун муҳим бўлган нарсани эсдан чиқармади.

- Гонорарим қанча бўлади?

Бошлиқ учун кутилмаган савол эмасди бу. У ўрнидан турди ва дераза ёнига борди.

- Ташкилотимиз сенга ойига юз минг доллар иш ҳақи ажратган! Албатта, харажатлар ва мукофот пули бундан мустасно!

Юзида белгиланган маошнинг бир оз камлигини билдирувчи аломатлар пайдо бўлган Жон ўрнидан турди.

## ПОКИСТОН

- Азизим Жон, сизни бу юртда кўраман, деб сира уйламагандим? - Зафар Афгоний хонасига ташриф буюрган эски танишини шу сўзлар билан қарши олди. - Сафо келибсиз, биродар!

Улар бир-бирларини бағриларига босиб қўришдилар.

Афгоний у билан Германияда жойлашган НТС ташкилотида ишлаб юрган кезлари танишганди.

- Тоф тоф билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, деганлари тўғри эканда! Қадамларига ҳасанот, биродар.

Зафар Афгоний меҳмоннинг шарафига дастурхон безатди. Гап орасида бирга ишлаган кезларини эслашди.

- Эшитишумча, лагерингизни қандайdir одамлар портлатиб, йигитларингизни ўлдирганмиш? - сўради Жон.

Афгонийнинг қошлари чимрилди.

- Сўраманг, дўстим. Мен жуда катта маблагни бой бердим.

- Бу қайси ташкилотнинг иши?

- Бирорта тирик жон қолмаган. Ҳамма ўлган. Назаримда, бу ишда русларнинг қўли бор.

- Наҳотки бирорта тирик жон қолмаган бўлса?

- Лагерда бўлган куним менга Игорь исмли русни олти ойдан бери зиндонда сақлашаётганини айтиш-ганди. Лагерь портлатилгандан кейин одамларим унинг жасадини топишолмади. Зиндоннинг қулфи бузилган. Шундан кейин бу ишда русларнинг қўли бор, деган хulosага келдим.

- Игорь топилдими?

- Одамларим изига тушган. Боши учун эллик минг доллар мукофот ажратганман.

- Эллик минг нима бўларди, керак бўлса юз минг ажратиш лозим. Шундагина бутун мамлакат бўйлаб шов-шув кўтарилади. Одамлар қидиришади.

- Ҳали ҳам кеч эмас.
  - Ҳўш, энди нима қилмоқчисиз?
  - Олдимга қўйган мақсад йўлида курашаман.  
Ортга чекиниш йўқ. Янгидан иш бошламоқчиман.
  - Одамлар топдингизми?
  - Ҳаракатдаман
  - Истасангиз, ёрдам беришим мумкин...
  - Тушунмадим?
  - Қўлимда ҳозирда кочиб юрган собиқ афғончиларнинг рўйхати бор. Ҳаммасининг юрагида ўз юргларига нисбатан адовати бор. Уларнинг маошини тўласангиз хизматингизни қилишади.
  - Бу яхшилигинги бир умр қалбимда қолади.
  - Шу ҳафта ичида рўйхатни қўлингизга топшираман.
  - Кўнглимни кўтарганингиз учун миннатдорман, Жон!
- Афғоний меҳмоннинг бу юрга нима сабабдан ташриф буюрганини билгиси келди..
- Томаснинг ўлимидан бошлиқлар ташвишда! Мақсадим қотилни топиш!
  - Мен ҳам қаттиқ қайғудаман. У билан узоқ йиллар бирга ишладим. Қотил тўғрисида бирор маълумот топдингизми?
  - Агентларимиз ҳаракатда, гумондорлар ҳам йўқ эмас. Воқеа жойидан топилган далилий ашёлар қотиллик маҳаллий одамлар томонидан содир этилмаганлигини исботлади.
  - Демак, қотил ажнабий экан-да?
  - Нега бир кишини назарда тутяпсиз?
  - Улар кўпчиликми? Назаримда, бундай қора ишлар гувоҳсиз қилинарди, шекилли?
- Жон ҳамсухбатининг кўзларига тикилдию, бироқ унинг қарашларидан ўзи кутган маънони тополмади.
- Афсуски, қотил ёлғиз эмас. Уч киши булишган..
  - Жон қотиллар орасида аёл киши ҳам бўлганини, воқеа жойида унинг соч толаси топилганлигини айтишига бир баҳя қолди.

- Ишингизга омад тилайман, азизим!

Жосус кетгач, Афғонийнинг хаёлига ҳар турли ўйлар келди. Гарчи унинг таклифини миннатдорчилик ва қўзларида қувонч билан кутиб олган бўлса-да, ўша қочоқларни лагерга яқин йўлатиш фикридан йироқ эди. Жоннинг идорасига яна боғланиб қолишини зинҳор истамасди. Ҳазрат одамларни ўзи топишни ва Қорачаённи уларга йўлбошли қилиб тайинлашни, бугунни эртага қўймай у билан учрашишни ўйлади...

## ВАЗИРИСТОН

Шабнам соғая бошлади. Бироқ кўп юролмасди. Ҳожатта бир амаллаб бориб келарди-да, яна тўшакка ёнбошлаб, ортда қолган кечаги кунларини эслар, ширин ўй суриб, ўзини овутиб ётарди. Томас билан соҳил бўйидаги ишқий лаҳзаларни унуголмасди. Йигитнинг кенг кўкраги остида эшилиб, тўлғаниб ётиш унга бир олам ҳузур ато этганди. Бу қадар иссиқ мижозли йигитни шу пайтгacha учратмаганди. Қолаверса, Зафар Афғоний ҳам бағрига босиб, аввал пешонасидан, шу баҳона дудоқларидан ўпгани ширин тушга айланганди. У билан бир тўшакда ётиш истаги борлиги қизнинг гоҳ қулгусини қистатса, гоҳида газабини жунбушга келтиради. Ўша куни унинг жонига Афғонийнинг йигитлари оро кириб қолди. Эндинина номини тилга оламан деганда Томасни отиб ташлашди. Жасадини олиб, машинага юклаб, қаёқ-қадир олиб кетишгунча бир оғиз индашмади. Кетиши олдидан қонни ювиб ташланг, дейишиди. Хоним Томас уни қандай қийнаганлиги тўғрисида ҳазратга оғиз очмасликларини илтимос қилмоқчи бўлдию, аммо уларнинг авзойларини кўриб, гапи бўғзизда қолди. Бироқ улар бу ҳақда қарияга, албатта, айтган бўлиши керак. Шундай азобга чидаб, номини сотмаганидан ҳазрат мамнун бўлгандир?

Афғонийнинг ишончини қозондим, деб ўйларди

қиз. Бирок нега ундан ҳанузгача дарак йўқ? Нега шу пайтгача излаб келмаяпти? Одамлари орқали бўлса ҳам бир бора хабар олса бўларди-ку? Балки йигитлари Томаснинг қийнаганини айтган бўлишса, қариянинг ҳафсаласи пир бўлдими? Йўқ, Зафар Афғоний уни унупотмайди. Шабнам тирик экан, ундан ҳамиша хавфсираб яшайди. Қачондир бу хонадонга кириб келади, ҳол сўрайди, узрини айтади.

Кутилмагандан Зафар Афғонийнинг одамлари хонимнинг уйига келиб, Шабнамнинг лозимларини ювиб ўтирган Қорачаённи олиб кетишди. Қаёқقا ва нимага олиб кетишаётгани тўгрисида унга индашмади. Ҳазратнинг ёмон ниятда чақирмаганини Қорачаён у билан учрашганда билди. Қария уни ширин сўзлар ила қарши олди.

- Сиздан хабар ололмадим, бутам, - деди у. - Карим Ризо жаноблари сиз ҳаққингизда менга кўп яхши гапларни айтгандилар. Ишларим кўпайиб, сизнинг сұҳбатингизни ололмаганлигим учун каминанинг узрини қабул қиласангиз.

Қорачаён шаънига билдирилган мақтовдан хурсанд бўлди. Миннатдорчилигини қўлларини кўксига қўйиб изҳор қилди.

- Унумаганингиздан хурсандман, ҳазратим, кеч бўлса ҳам учрашдик. Шунинг ўзи мен учун катта баҳт!

Шириңсўзлик, хушмуомалалик, иккиюзламачилик, оз гапириб, кўп тинглаш хислатлари бу йигитда мавжудлигини билган Афғоний ундан яхшигина айғоқчи чиқишини билди.

- Лагерда кўрсатган жасоратларингиз тўгрисида эшигтанман, - деди йигитнинг чақнаб турган кўзларига тикилиб. - Биз сиздек мард ва жасур йигитларни ҳамиша қадрлаймиз. Илгари сиз таълим олган лагерь ганимларимиз томонидан портлатиб юборилганлигидан хабарингиз бўлса керак. Лекин биз бундан руҳий тушкунликка тушганимиз йўқ. Қалби Ватан ишқида ёнган йигитларимиз бор экан, биз

курашни давом эттирамиз. Шу мақсадда бир гурух ватандошларимизни тұплаб, янги лагерь очдик. Эртадан бошлаб ўша ерда иш бошлайсиз.

Күлини құксига босиб турған Қорачаён ҳазрат билдирган ишончдан қувониб, юзларига табассум ёйилди.

- Ишончингизни оқтайман, ҳазратим.

- Биз тұплаган йигитлар турли мамлакат вакиллари. Бирок уларни ягона мақсад йүлида бирлаштириб, тарбиялашингизга тұғри келади.

- Құлымдан келганча топшириғингизни өажара-ман, ҳазратим.

- Шуни эсингизда тутинг, бұтам. Сизнинг одамларингиз биз томонимиздан берилған топшириқларни айттылған жойларға бориб, халқнинг онгига сингдирмоқлари лозим. Улар афсунгар мисоли одамларни ўзларига жалб этмоқлари, зүкколик билан у ердаги камчилик ва нұқсонларни топа олишлари, уларни бұрттириб, әл құзига күрсатмоқлари жоиз.

- Маңқул, ҳазратим.

- Ыз қишлоғингизда биз тарафға үтадиган, бизни құллаб-қувватлайдын ишончли кимсалар борми? Давлатдан норози бұлған одамларнинг исми шарифларини биласизми?

- Албатта, бундай кишилар топилади, ҳазратим.

- Уларнинг исми-шарифини бир парча қоғозға ёзиб беролмайсизми?

- Жоним билан!

Қорачаён ҳазратнинг йигитлари олдига құйған қоғозға ўзи таниған ва билған кимсаларнинг номини ёза бошлади. Уларнинг сони элликдан зиёд зиёд. Улар давлатдан ёки коммунистлардан зулм күрган кимсалар әмас, балки Қорачаён ҳазратта ўзини яхши күрсатиш ниятида номини тилга олған танишлари зиёд.

- Бизни аёллар ҳам қизиқтиради. Улар энг яхши тарғиботчи ҳисобланишади, - деди рүйхаттаға күз югуртириб чиққан Афғоний.

Корачаён рўйхатни давом эттирди. Ўзи таниган ва билган йигирмага яқин аёлларнинг номини ёзди. Уларнинг кўпчилиги ўзининг қариндошлари эди.

- Буларнинг орасидан энг ишончли аёлларнинг номини белгиланг?

Жосус белгилаган аёллар орасида Зулайҳонинг исми ҳам бор эди. Биринчи гадда унинг номи остига чизик тортири.

- Буларни шу ерга олиб ўтамиزم, ҳазратим, - сўради у рўйхатни Зафар Афғонийнинг қўлига узата туриб.

- Бизнинг одамларимиз улар билан учрашади..

- Мана шу аёлни шу ерга олиб ўтишнинг иложи борми?

Корачаён Зулайҳонинг исмига эътиборни қаратди.

- Бу ожиза кимингиз бўлади, бутам?

- Армияга жўнашим олдидан менга унаштириб қўйилган қиз.

- Ҳаракат қиласиз, - ҳазрат бош иргади. - Ишни эртадан бошлайсиз.

Корачаён ўзида йўқ курсанд эди.

## ЛАГЕРДА

Зайниддин барга кириб келганда шом бўлганди. Ичкарида хорижлик журналистлар кўп эмасди. Пайва хоним ўзининг австралиялик ҳамкаси билан учрашиб қолганди. Улар бир столда бир-бирларига қараб ўтиришарди. Пайва ҳамкасига Зайниддинни таништириди. Улар сухбатларини давом эттириши.

- Кўришмаганимизга бир ой бўлиб қолди, қаерларда юрибсан? - сўради Пайва ҳамкасвидан.

- Афғонистонда эдим.

- У ердан қандай янгиликлар топиб келдинг?

- Амин Сардор жанобларидан интервью олгани боргандим!

- Хўш?

- Амин Сардор Формададан бир мил нарида

Жалолободдан унча олис бўлмаган Нингаҳар каналининг апельсинзор ва зайдунзор боғлари орасида тўрт хотини, ўн икки фарзанди, 250 га яқин одамлари билан бирга яшамоқда.

- У томонга ўтдингми?
- Биз Нингаҳар каналининг бўйигача бордик. Бу ерда толибонларнинг 100 зиёд соқчилари туну кун кўриқчилик қилишаркан. Каналнинг нариги соҳилига пашшани ҳам ўтказишмаяпти.
- Нега уни толибонлар кўриқлашмоқда?
- Раҳнамоимиз Амин Сардорни «бизнинг азиз меҳмонимиз», деб эътироф этгандан сўнг унинг хавфсизлигини ҳам таъминлайди-да! Буниси ҳам майли, биз қайтишимизда жангариларга дуч келдик. Улар бу ердан 560 чақирим олисдаги тогнинг ён бағрида ўзлари учун горлардан қўналға қуриб яшашмоқда.
- Улар кимнинг одамлари экан? - сўради Пайва.
- Кимнинг одамлари эканлигини билмадим, аммо кўпчилиги собиқ шўро аскарлари!!

Зайниддинга шу маълумотнинг ўзи етарли эди. Лагерни топса, қолган ишлар ҳал бўлишига ишонарди. Бошлиқлар томонидан айтилган обьект шу бўлиши мумкин эди. Зайниддин ўзи излаган одамларни журналист айтган жойдан топишга умид қилди. Бироқ уларнинг ичига кириш мумкинми? Туни билан шу тўғрида бош қотирди. Ўйлаб-ўйлаб охири бир қарорга келди.

Нотаниш йўллар, нотаниш одамлар, уларнинг нигоҳига тушмаслик учун у факат кечалари йўл юарди. Мамлакатдаги ҳар бир қишлоқнинг ороми бузилганди. Кичик-кичик гурӯҳларга бўлинган тўдалар туни билан бир-бирларини ўққа тутишарди. Ёнаётган уйлардан кўтарилаётган алант узоқлардан кўриниб турарди. Босилган ҳар қадам Зайниддин учун хатардан иборат эди. Тогнинг чўққисидан бир тўда қуролли одамларни кўрди. Таваккал қилиб пастга тушди. Соқчилар уни ўраб олишди. Айтди...

деб сўроқ-савол қилишди. Қўл-оёғини боғлаб, чодир томон судраб кетиши. Тошлар Зайниддиннинг кийимларини йиртиб ташлади, бадани шилиниб, танаси қонга беланди. Уни чодир олдига келтириб ташлашди. Йигирма чоғли жангарилар тутқуннинг тепасига йиғилишди. Ҳамма наша чекавериб қизарип, сузилиб кетган кўзларини Зайниддинга қадашганди..

- Ким экан бу?
- Турқини қаранглар, бу ернинг одамига ўхшамайди.

- Нима бало, ўлиб қолганми?

Жангарилардан бири қўлидаги қайноқ чойни Зайниддиннинг юзига сочиб юборди. У сапчиб тушди. Жангарилар қийқириб кулишди.

- Тирик экан, кўзини очди!
- Айёрлик қилиб ётган-да!
- О, аплаҳей, тулкига ўхшайди-я!!

Бирдан жангарилар ўзларини четга олишди. Зайниддин бошини кўтариб, ачишаётган юзини ўзи томон келаётган одамга бурди. Унинг губор тўлган кўзларига бошига қора салла ўраган, елкасига чакмон ташлаб олган бу одамнинг башараси иссик кўринди. У тутқунга тикилди. Шунда уларнинг нигоҳлари учрашди. Бу Санжар эди. Юзидаги соқолини ҳисобга олмаганда илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди.

- Санжар! - деди у қуруқшаб қолган лабларини қимирлатиб.

Корачаён турган жойида сапчиб тушди. Унинг хақиқий исмини бу ерда ҳали ҳеч ким билмасди.

- Танимадингми, мен Зайниддинман!

Корачаённинг қули белидаги тўппончага югурдию, бироқ тутқуннинг қуролсиз ва беҳол ётганини куриб, шаштидан тушди.

- Бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг?
- Сени излаб келдим!
- Нима, асирга тушганмидинг?
- Ҳа, ўшанда мени ҳам тутиб олишганди.

Қандайдир нотаниш одамларнинг қулида уч ой яшадим. Шерикларим бир иложини қилиб мени кутқариб олишди. Бу ерда, ҳалигидек наша деган нарсага ўрганиб қолган эканман. Уйга қайтганимдан кейин дарё бўйларига наша экиб, тирикчилигимни ўтказиб юрдим. Кимдир ишларимдан хабар топиб, органга айтган экан, мелисалар уйимни тинтиб, яшириб қўйган нашаларимни топиб олишди. Етти йилга қамаб юбориши. Отамни ўзинг биласан, жаҳли тез одам, нашага ўрганганимни эштиб оқ қилди. Турли идораларга Афонда хизмат қилганман, ёрдам беринглар, деб ариза ёздим. Охири раҳм қилишдими ёки афонда хизмат қилганим жонимга оро кирдими ишқилиб, амнистия сабаб, турмадан чиқариб юбориши. Кишлокда қолиш оғир эди. Бир томондан, отам оқ қилган, иккинчи томондан ўзинг билгандек нашага қўнгил қўйиб қолганман. Бошим қотиб, охири яна қайтиб келдим.

- Мен сенга ёрдам беролмайман, - деди Корачаён қўлларини ёйиб. - Бу ерда ҳамма ўзи учун ўзи курашади.

- Тушунаман, лекин сен билан бирга бўлсан дегандим. Ахир бу ерда мени сендан ўзга танишим йўқ! Сафингга қабул қил!

Корачаён кулди.

- Бизнинг сафимизга қўшилмоқчимисан?

- Бошқа қаерга ҳам бораман?

- Унда имтиҳондан ўтишингга тўғри келади, ошна.

Бу ернинг ўз қонун-қоидалари бор. Ҳар кимни ҳам сафимизга олавермаймиз!

- Қандай синов экан?

- Айтсан қўрқиб, ичинг ўтиб, қочиб кетасан-да!

- Айтавер, қўрқкан номард!

- Шундай де!

- Йигит кишида гап битта бўлади, ошна!

- Кейин пушаймон бўлмайсанми?

- Пушаймон булган ит!

Корачаён кулди. У атрофда турган шерикларига

боқди. Унинг юзида заҳарханда кулгу пайдо бўлганди. Хаёлида келгинди бу йигитнинг боплаб додини бериш, ўзини таниган гувоҳни йўқотиш эди.

- Эшитдиларингми, бу боланинг гапини?

Жангарилар қийқириб кулишди:

- Эшитдик!!

- Эшитдик!!

Қорачаён шеригига буюрди.

- Еч қўлини!

Жангари ханжарни олиб, туткуннинг қўл ва оёғи боғланган чилвирни кесди. Зайниддиннинг қўл-оёқлари увишиб қолганди. Ўрнидан туролмай ўтириди. Шунда у жангариларга назар ташлади. Ҳақиқатан ҳам уларнинг турки-тароватидан турли миллат вакиллари эканлиги билиниб туради. Кўзларида инсонга меҳр учқунлари сезилмасди. Улар қўтирган маҳлуққа ўхшарди.

- Ўрнингдан тур! - буюрди Қорачаён ҳамқишлиғининг оёғига телиб. Зайниддин турди.

- Абу Сайд! - қичкирди Қорачаён. Узун бўйли, кенг гавдали, турки-тароватидан одамнинг юраги сесканадиган барваста йигит олдига келди..

- Меҳмонни чиғириғингдан ўтказ!

- Шуни-я?! - масхараомуз тиржайди Зайниддинга юзланиб. - Чуқурроқ нафас чиқарсам, икки метр нарига учиб кетади-ку!

Жангарилар кулишди.

Абу Сайд енгларини шимарди. Жангарилар орталига чекинишиди. Ўртада майдон пайдо бўлди. Зайниддин ҳайрон эди. Уларнинг мақсадларини билмасди. Бир жангариларга, бир ҳамқишлиғига боқарди. Қорачаён иккита ханжарни ерга санчди. Шундагина Зайниддин унинг мақсадини тушунди.

- Омон қолсанг биз билан бўласан, йўқса, охиратда кўрищамиз! - деди кўзини қисиб. - Бирор васиятинг бўлса айтиб кет!

- Яхшиликча бу ердан кет, ёш экансан бекорга ўлиб кетмагин!

- Жаннатдан бизга ҳам жой олиб қўйиш эсингдан чиқмасин!

Жангарилар оғизларига келган сўзларни тилларига чиқариб қичқиришарди.

Абу Сайд ханжарлардан бирини қўлига олди. Кўзларини тутқунга тикканча турарди. Ҳамма жим қолди. Пичоқни олиши олишувга тайёрлигини билдиради. Абу Сайд бир ҳамла билан рақибини тинчитиб ташлайман, деб ўйлаганди. Зайниддинни ўзи томон юришини кутмади. Фалабасига ишонган паҳлавондек рақиби томон бостириб кела бошлади. Шунда уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Ватанга бўлган муҳаббат, хоинларга бўлган чексиз нафрат ва газаб томирларидаги қонни кўпиртириб юборди. Яқинлашиб келаётган Абу Сайднинг кўзларига тик боқди. Бу кўзлар тубида нимадандир ҳадиксираш, ҳайиқиши билан бирга ўзига нисбатан ҳаддан ташқари ишонч борлигини сезди. Жангари яқинлашиб қолганди. У қўлидаги ханжарни ўйнатиб, худди эрмаклагандек Зайниддиннинг кўкраги томон никтади.

- Берироқ кел, қўрқма, сени қийнаб ўтирумайман, бир зарба билан бўйнингни сапчадек узаману бу ёруг дунёнинг азобларидан қутултираман! - деди. Сўнг қаҳ-қаҳ отиб кулди.

Ҳамманинг кўзи ўз ҳаёти учун курашаётган йигитларда эди. Жангарилар бундай томошани кўп кўришган бўлса-да, иштиёқ билан кузатишарди. Абу Сайднинг иккинчи ҳамласида ханжар Зайниддиннинг қорин терисини шилиб ўтди. Жиз этган оғриқдан бадани жимиirlаб кетди. У пайт пойларди. Ўзига ортиқча бино қўйган олифтанинг хатога йўл қўйишини кутарди. Зайниддиннинг чекинишини Абу Сайд қўрқоқлик деб биларди. Ҳамон тиржайганича уни таъқиб қиласди. Кулгудан тўхтамасди. Зайниддин ҳарбийда қўл жанги билан бир йилча машқ қилиб, тажриба орттирганди. Рақибига қачон ва қандай усулда зарба беришни биларди. Ортга чекинаётганининг сабаби шунда эди. Бу орада Абу

Саид яна йигитга ҳамла қилди. Зарбага чап бермоқчи бүлган Зайниддиннинг оёғи тошга қоқилиб, йиқилди. Худди милтиқ гумбирлагандек қийқириқ борлиқни ларзага келтирди. Абу Саид кирза этигини йигитнинг кўкрагига қўйди. Унинг кўзлари ғалабасидан мамнунлигини билдирарди. Жангари ханжарни йигитнинг кекирдагига мўлжаллаб, пастга энгашди. Ҳамманинг нигоҳи қонхўрда эди.

- Ўлдир!!
- Калласини узиб ташла!
- Кўзларини ўйиб ол!
- Қорнини ёр!!
- Тезроқ бўлсанг-чи, ўлишини кўргим келяпти!

Жангариларнинг қийқириқларидан Зайниддиннинг қулоги битаёзди.

Қорачаён ҳам мамнун эди. Томошадан завқ-шавқ олаётгандек атрофдагиларга виқор билан боқарди.

Кутилмаган зарбадан Абу Саиднинг қўлидаги ханжар учиб кетди. Иккинчи зарба иягиға келиб текканди. У чалқанчасига йиқилди. Зайниддин қандай қилиб уни тепди - буни ҳеч ким пайқамади. Бир зум жимжитлик чўккан лагерь яна момақалдироқдек гумбирлаган кулгудан ларзага келди. Абу Саид кўзини очганда, Зайниддин тепасида турарди. Бу ердаги қонунга биноан қўлидан ханжари тушган одам мағлуб ҳисобланарди ва ўлимга маҳкум этиларди. Бироқ Зайниддин бу қонундан бехабар эди.

- Ўлдир!
- Ўлдир!
- Ўлдир!

Чор тарафдан қийқириқлар янгради. У ерда ётган жангарини ўлдиришни истамади. Шу билан синов ниҳоясига етди, деб ўйлади. Кутилмаганда Абу Саид ўрнидан турди ва йигитлар орасини ёриб ўтди-да, қуюндеқ тоф томон чопиб кетди. Ортидан жангарилар қийқириб қолишиди. У тез чопар, изидан қувган одам етолмасди. Қорачаён жангарилардан бирининг автоматини олди ва тоф томон чопиб бораётган

қочоқни нишонга олди. Отилган ўқлар мұлжалға тегмади. Гоҳ әмаклаб, гоҳ чайқалиб бораётган Абу Сайд ўқларга чап берарди. Бу орада улкан тошлар олдига етиб борганди. Ўзини уларнинг панасига урди.

- Қувинглар! Тириклай тутиб келинглар! - қичқирди Қорачаён шерикларига қаратса. Жангарилар улоқчилардек қийқиришиб қочоқнинг изига тушишди. Шомга қадар излашди, бироқ топишолмади. Ҳаммалари дилгир кайфиятда қайтишди. Лагердан тирик одамнинг қочиши мумкин эмасди.

Эртаси куни Қорачаён Зафар Афғонийга қўнғирок қилиб, Зайнiddин тўғрисида унга сўзлаб берди. Кекса жосус уни текшириб кўриш лозимлигини, ҳозирча қўз-қулок бўлиб туришни тайинлади. Афғоний одамларига сим қоқиб, Зайнiddин тўғрисида маълумот жўнатишни тайинлади. Орадан икки кун ўтгач, Афғоний одамларидан маълумотнома олди. Улар ҳақиқатдан ҳам Зайнiddиннинг наша билан қўлга тушиб, қамалганини, отаси "оқ" қилганини тасдиқлаб, туман газетасида чоп этилган "Оқпадар" сарлавҳа остида берилган мақолани ҳам қўшиб жўнатишганди.

- Шеригингизга ишонишингиз мумкин, - деди ҳазрат Қорачаёнга. - Ҳақиқатдан ҳам унинг гаплари рост экан. - Бироқ ҳушёрликни йўқотманг, бутам. Қўзингиздан қочирманг, синааб кўринг! Ишончингизни қозонса, ўзингизга ёрдамчи қилиб олинг!

Қорачаён ҳазратнинг кайфияти яхшилигидан фойдаланиб, Абу Сайднинг қочганини ҳам айтди.

- Нега отиб ташламадингиз? Зудлик билан топинг, у узоққа кетолмайди, ўша атрофда яшириниб юрган!  
- деди бироз асабийлашиб.

- Бугуноқ уни тутиб, бошини ўзим дорга иламан!

- Дор ясад овора бўлиб юрманг, бутам. Битта ўқни пешонасига жойланг қўйинг!

Қорачаён машғулотларни тўхтатиб, Абу Сайдни қидиришга киришди. Бироқ жангариларнинг бир ҳафталик уриниш самара бермади.

## ПОКИСТОН

Жон гарчи ҳамкасбининг қотили тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмасада, асосий шубҳаси Шабнамдан эди. У билан учрашиб сұхбатлашса, бундан Зафар Афғоний огоҳ бўлиб қолиши ҳамда ўртадаги муносабатнинг кескинлашуви эҳтимолдан узоқ эмасди. Шабнамнинг соч толасини қўлга киритган бўлсада, юртига жўнатишга шошилмади. Қотиллик тасдиқланадиган бўлса, Шабнамни Германияга ёки бошқа бирор давлатга қандайдир баҳона билан жўнатишга тўғри келарди. Афғонистонда ташкил этилган ҳазратга карашли лагернинг разведка бошқармаси билан келишилмай ва уларни хабардор қилмасдан очилиши ҳам Жоннинг шубҳасини кучайтирганди. Улар билан алоқада бўлган кимсалар нафақат Афғонистондаги, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ташкил этилаётган бундай лагерларни, албатта, разведка бошқармаси билан келишилган ҳолда очиши керак эди. Улар орасидан танлаб олинган жосуслар биринчи галда разведка бошқармасининг манфаатлари йўлида хизмат қилиши, уларнинг топширикларини бажаришлари лозим. Жон қўлидаги қочоқлар рўйхатини унга беришга қарор қилганининг боиси ҳам шунда эди. Ҳазрат хиёнат қилди. Жоннинг телефон қўнгироқларига жавоб бермай қўйди. Жон у билан ҳисоб-китобни кейинга қолдирди. Бошқарманинг топшириги билан Афғонистонга жўнашга мажбур бўлди. Унинг мақсади Амин Сардор жойлашган манзилни аниқлаш ҳамда бу ҳақда марказга маълумот жўнатиш эди. Жўнаш олдидан Жон бу мамлакатда хизмат сафарида бўлган ватандоши журналист Том билан учрашиб қолди. Сұхбат чоғида у Зафар Афғоний томонидан ташкил этилган лагернинг қаерга жойлашганлигини айтиб берди. Эртаси куниёқ Жон кийимларини алмаштириб, эски чакмон остидан «М-16» автомат тўппончасини осиб,

йўлга отланди. Икки кун юрди. Пурвиқор тоғлардан ошди. Қўлидаги харитага қараб, манзилга қийинчиликсиз етиб келди. Узоқдан лагерни кўрганда чарчоқларини унугтандек бўлди. Тошлар орасида нафасини ростлаб, сўнг пастликка тушишга қарор қилди. Тошга бошини қўйиб, қўзи илинди. Қанча ухлаганини билмади. Қулоғига пастга тушаётган тошларнинг овози чалиниб, уйғониб кетди. Қўлига автомат-тўппончани олди. Тепалик сари кимдир тирмашиб чиқарди. Боцини пастга қаратиб олганлиги боис унинг юзи куринмасди. Жон унинг яқинлашишини кутди. Жон талвасасида тепаликка чиқаётган одам ўзининг пешонасини автоматнинг учига уриб олганда, пастга юмлаб тушишига бир баҳя қолди.

- Кимсан?

Бу Абу Сайд эди.

- Мени ўлдиришмоқчи бўлди, - деди қочоқ.

- Ким?

- Пастдагилар!

- Улар кимлар?

- Одамхўрлар!

- Нега сени ўлдиришмоқчи бўлишди? Жазога лойиқ айб қилгандирсанда?

Савол Абу Сайдни довдиратиб қўйди. Милтиқ ўқталиб турган бу одамнинг кимлигини билмасдан унга «ёрилиб» бўлмасди.

- Сиз кимсиз?

Жон унинг саволини эшитмагандек:

- Лагердагилар кимнинг одами? - деб сўради.

- Зафар Афғонийнинг!

Жон бу ерни тўғри топиб келганлигидан мамнун бўлди.

Абу Сайд қочиш сабабини яширмади.

- Энди нима қилмоқчисан?

- Ўзим ҳам билмайман, - деди қочоқ бироз ўйланиб.

Жон хаёлига келган фикрни айтди.

- Бу ердан қочиб ҳеч қаёқقا кетолмайсан.

Шерикларинг тутиб олса гүштингни майда-майдың ки-  
либ ташлайды. Ҳамма томонни Афғонийнинг тараф-  
дорлари ўраб олишган. Мен сени Қорачаён билан  
яраштириб қўяман. Аммо бир шарт билан! - қо-  
чоқнинг қўзларига тикилиб деди у.

- Айтинг!

- Лагерда бўлаётган ишлар тўғрисида менга хабар  
бериб турасан!

- Шу холосми?

- Ҳозирча шу, бошқа топшириқ чиқиб қолса ўзим  
маълум қиласман.

- Мана телефон, ҳафтанинг сесланба кунлари  
кечки пайт қўнғироқ қиласан. Агар садоқат билан  
хизмат қиласанг, сени ўзим билан олиб кетаман.  
Муҳим ахборотлар учун минг доллар ҳақ тўлайман.  
Ўртамиздаги суҳбатни ҳеч ким билмаслиги керак.  
Ҳатто Афғоний ҳам. Тушундингми?

- Тушундим, - деди Абу Сайд Жоннинг қўлидан  
телефонни олар экан, минг доллар ҳақ тўланишини  
эшитиб ўзида йўқ курсанд бўлиб кетганди.

Жон лагерга тушди. Ўзини журналист деб таниш-  
тиргани учун соқчилар унга қаршилик  
кўрсатишмади. Жонни Қорачаённинг ҳузурига олиб  
боришиди.

- Сиз ҳақингизда яхши гапларни эшитганман, -  
деди Жон Қорачаён билан кўришар экан.

- Кимдан? - ҳайрон бўлди Қорачаён.

- Карим Ризо жанобларидан!

- Сиз у кишини танийсизми?

- У жаноб билан дўстлигимиз бор эди.

- Карим Ризо тирикмилар? - ҳайратдан қўзлари  
катта-катта бўлиб кетган Қорачаён Жонга яқин  
келди.

- У киши ҳозир Европада яшаяптилар. Бу ерга  
келиб қолишлари ҳам мумкин.

- Мен у кишини бедарак йўқолган деб эшит-  
гандим.

Жон унинг ишончини қозониш мақсадида ўзи

билган воқеани сўзлаб берди.

- Ҳазрат илгариги лагерда кўрсатган жасоратингиз, айниқса қочоқ бир йигитни жазолаганингизни мароқ билан бизга сўзлаб бергандилар. Ҳақиқатан ҳам мен сизнинг жасоратингизга қойил қолганман!

- Бундай ишлар лагерда бўлиб туради, - деди мақтовлардан талтайиб кетган Қорачаён. - Аслида у йигитни тириклай ўтда ёкиш керак эди.

Кетиш олдидан Жон унга мақсадини айтди.

- Сиздан бир илтимосим бор, биродар.

- Бош устига, жаноб!

- Абу Саид исмли йигитни танийсизми?

Қорачаён анграйиб қолди.

- Нечун сўроқлаяпсиз?

- Уни йўлда учратиб қолдим. Олдингизга келаётганимни эшитиб қўп ялинди. Озгина қўрқоқлик қилибди. Бир қошиқ қонидан кечсангиз. Бечора бу тошлар ичидага қаерга ҳам боради? Тофу-тошларда бўриларга ем бўлиб, ўлиб кетгандан кўра шу ерда хизматингизни қилгани маъқул эмасми?

- Ўзи қаерда?

- Ҳув баланд тошнинг ортида беркиниб ётибди.

- Айтганингиздек, у қўрқоқлик қилди. Бундай куён юраклар сафимизда бўлмаслиги керак. Лекин сизнинг ҳурматингиз учун майли, уни қайтариб оламан! - ваъда берди у.

- Сизга ишонсам бўладими?

- Суз бераман, ҳеч ким унга тегмайди!

- Ташаккур!

Жон лагерда ўзига хизмат қиладиган ишончли одам топганидан мамнун эди. Абу Саид билан яна бир бор суҳбатлашиб, уни нималарга эътибор беришини уқтириб, Жалолободга йўл олди.

Жон Амин Сардорнинг лагеръи жойлашган қишлоқни қийинчиликсиз топиб келди. Бироқ Нингаҳар каналининг сўл томонида тошлардан қурилган биноларда тиш-тирногигача қуролланган сокчилар «журналист»ни ичкарига қўйишмади.

- Амин Сардор жаноблари ҳеч кимни қабул қилмайдилар! - дейиши посбонлар журналистнинг илтимосларини рад этиб. - Сизга маслаҳатимиз – бу ердан тезгина йўқолинг. Акс ҳолда зиндонга ташлашлари мумкин.

Жон ортига қайтди. Гарчи излаб келган одами билан учрашолмаган бўлсада, қайсиdir жиҳатдан ўзига топширилган вазифани улдалаганди. Унинг ўткир кўзлари худди кино тасмасидек атроф-теваракни, соқчилардан бир чакирим олисдаги зайдунзор ва хурмозорлар орасидан кўзга ташланиб турган чодирларнинг жойлашишини, улар оралиғидаги масоғани, тахминий ўлчовларнинг ҳисобини олишга ултурганди. Ортига қайтганда математик ўлчамлар бироз чалкаш бўлса-да, Амин Сардор яшаётган лагернинг топографик харитасини чизди. Вазиристонга қайтганда харитани ўз идорасига жўнатди. Орадан бир ойча ўтиб, Судандаги кимёвий қурол ишлаб чиқарувчи фабрика вайрон қилинди. Кения ва Танзаниядаги элчихоналар портлатилди, Тинч океанидаги лайнер чўктирилди. Буларнинг барчаси разведка бошқармасининг Амин Сардорга бўлган шубҳасини кучайтирди. Кўпорувчилик ишларида Амин Сардорни айблашди ҳамда ундан ўч олиш йўлларини излашди. Орадан кўп ўтмай унинг Жалобободдаги лагерьига «Томогавк» ракеталари ёғдирилди. Ракеталар Жон томонидан берилган маълумотлар ва ўлчовларга асосланиб отилганди. Координат аниқ бўлмаганлиги сабабли Амин Сардор ва унинг одамлари талофат кўрмади. Бироқ ракеталар тушган жойлар дўзахга айланганди. Зайдунзор ва хурмозорлар ўрнида куйиб, кора кулга айланган тупроқ қолганди. Бирорта тирик жонивор омон қолмаганди. Амин Сардор зудлик билан ўз манзилини ўзгартиришга мажбур бўлди. Одамларнинг тирик колиши Жоннинг жиддий хатоси эди. Разведка бошқармаси ноаниқ маълумот жўнатгани учун унга

ҳайфсан эълон қилди. Мана шу воеа сабаб бўлиб, бир пайтлар меҳмон тариқасида қабул қилинган Амии Сардорнинг толибонлар билан бўлган муносабати кескин ёмонлашди. Оддий афғонлар «Амин Сардорнинг шум қадами билан юртимиз бошига қўпгина кулфатлар тушди», деб ҳисоблашарди.

## МАРЖОНБУЛОҚ

Хорижлик меҳмонлар орасида Зафар Афғонийнинг одамлари ҳам бор эди. Улар асосан шаҳар ва қишлоқларга келишарди. Ўзларининг «қариндошларини, ург-аймогларини» излаб, ота-боболари яшаган юртнинг тупроғини тавоб қилиш ниятида эканликларини айтишарди. Аммо уларнинг бу ерда на ург-аймоғи, на ота-боболари яшаганди. Улар асир тушган кимсалардан олган маълумотларга таяниб, лагерда тушибутирилган ахборотларни мияларига қўргошингдек қўйиб келишганди. Маҳаллий аҳоли, айниқса, қариялар фалон йиллари бу қишлоқнинг номи бундай эди, бу ерда фалончи бой яшаганди, уни шўро ҳукумати қулок қилиб, Ватандан бадарга қилганди, дейишганда росмана ишонишарди ва меҳмонлар учун ўз йиларидан жой беришарди. Меҳмонлар қишлоқда ҳафталаб ҳамда ойлаб қолиб кетишарди. Ўзлари билан олиб келган пулларни гараз мақсадларга сарф қилишарди. «Саховатли» инсон эканликларини кўрсатиш мақсадида масжидлар қуришарди. Ўз гояларини тарғиб қилишарди. Диний низоларни келтириб чиқариш учун миш-мишлар тарқатишарди. «Оталари яшаган» бу юртни обод қилиш, бу ерларда ҳам завод-фабрикалар қуриш тўғрисида гапиришарди. Ўзларининг ён дафтарчаларида исми-шариғлари кўрсатилган кишиларнинг йиларига боришар, уларнинг давлатга бўлган муносабатини ўрганишарди. Қўлга тушиб, қамалиб чиққан амалдор, мансабдор кимсалар келгиндишларнинг энг яқин маслаҳатгўйига айланганди. Уларни асосан шу тоифадаги кимсалар

құллашарди. Бундан ташқари, келгиндилар қишлоқ ёшларини «ұз юртлари»да үқитиш ва тарбиялаш максадида уларнинг исми шарифларини ёзib олишарди. Энг «ишончли» одамларнинг фарзандларини үzlари билан хорижга олиб кетишга тайёрлашарди.

Зулайхоларнинг уйига ўрта ёшлардаги аёл кириб келди.

- Келинг опа, - останада уни қизнинг үзи қарши олди.

- Зулайхоларнинг уйи шуми, айланай?

- Шу, - қиз аёлни ичкарига таклиф килди.

- Мен узокдан келдим, синглим.

Қизнинг юраги шув этди, узокда уларнинг қариндоши йўқ эди-ку? Ким бу?

- Қадамингизга ҳасанот, опа, хуш келибсиз.

- Мени олдингизга якин одамингиз жўнатдилар.

- Ким экан?

- Орамиздаги сухбат сир бўлиб қолиши керак, синглим.

Қиз баттар хавотирланди.

- Хотиржам бўлинг опа, мен оғзи бўш қизлардан эмасман.

- Шундай-ку, олдингизга жўнатган одам бу сухбатимизни сир сақланишини қаттиқ тайинлаганлар. Ҳар эҳтимолга қарши мана бу нонни қўлингизга олиб, бирорвга айтмайман, деб қасам иссангиз, бирбиrimизга бўлган ишонч мустаҳкамланади-да.

Зулайҳо иккиланди. Бу қадар сирли сухбат ким учун керак бўлиб қолдийкин, деган уйга борди.

- Мендан хавотир олманг опа, гапингизни айтиверинг, нон ушлашим шарт эмас.

- Ишончли бўлгани яхши-да, ўргилай.

Зулайҳо ноилож нонни олди ва пешонасига суртди.

- Мана энди айтсам бўлади, ўргилай.

- Тезроқ айта қолинг, опажон, юрагим ҳовликиб кетяпти!

Аёл орқасига қараб олди ва қизнинг қулоғига

· шивирлади.

- Сизга салом олиб келдим.

- Кимдан?

- Санжарбекдан!

- Санжарбекдан?! - Зулайҳо сесканиб тушди.

- Ҳа, айланай ўзингиз унаштириб қўйилган Санжарбекдан!

- Уни душманлар билан бўлган жангда ўлиб кетганига тўрт йил бўлди, опа.

Аёл кўзларини олиб қочди.

- Бахтингиз бор экан, синглим, қайлифингиз отишма пайтида яраланиб, беҳуш бўлиб қолган. Шериклари уни «ўлди», деб ташлаб кетишган экан. Бахтига афғон йигитлари Санжарбекнинг нафас олаётганини сезиб колишиб, ёрдам беришибди. Уч-тўрт ой даволаниб, ўзига келибди. Ҳозир тирик!"

- Ёнгон гапирияпсиз? Ахир унинг ўлигини қишлоқка олиб келишган. Ўзимизнинг қабристонга кўмишган.

Аёл орқа-олдига қараб олди.

- Тобут ичига бошқа одамнинг ўлиги солинган.

- Мени алдаманг!

Меҳмон ёнидан қофоз олиб қизга узатди.

- Бу Санжарбекнинг сизга ёзган хати! Бунга ҳам ишонмасангиз, мана суратлари.

Зулайҳо хатни ҳам, суратларни ҳам таниди. Санжарнинг бироз озиб кетганлигини ҳисобга олмагандан ҳеч ўзгармагандек эди.

- Агар йигитингизда кўнглингиз бўлса, уни яхши кўрсангиз, сизни ўзим билан олиб кетаман. Бечора йигит кечаю кундуз сизни ўйлаб, ранги-рўйи сомон бўлиб, чўпдек озиб кетган. Муҳаббат деганлари ёмон дард экан, айланай. Ҳажрингизда куйиб адo бўлди бола бечора. Раҳмингиз келсин. Бир-икки ҳафтага вақт топиб, олдига ўтиб келмасангиз бўлмайди!

- Ўзи келавермабди-да?

- О, синглим-а, ахир одамлар нима деб ўйлаши мумкин. Элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди? Мелиса билса, қамаб қўяди. Гулдек йигитнинг умри

турмада ўтсинми?

Зулайҳо ўйланиб қолди. Унинг тириклигига, кутаётганига ишонди. Боришим керакми, деган савол бошини қотирди. У бир зум ўйланиб қолди ва каршисида турган аёлнинг кузларига бокиб:

- Қачон кетасиз? - деб сўради. Унинг товушидан мойиллиги сезилиб туарди.

- Сиз тайёр бўлсангиз ҳозир жўнаймиз ўргилай...

- Унда жиндай кутиб туринг!

Зулайҳо уйга кириб кетди.

## АФГОНИСТОН

Зафар Афғоний ташкил этган янги лагерда жангариларга асир тушган ўттизга яқин собиқ шўро аскарлари тўпланишганди. Шундан олти нафари Покистон ва Араб Амирликларидан келган ажна-бийлар эди. Улар икки тоифага - «В» ва «С» гуру-ҳига ажратилганди. «В» гуруҳидаги йигитлар, асосан, одамларнинг онгини заҳарлаш, уларнинг дунёқара-шини ўзгартириш, бир-бирига гиж-гижлаш, ички низоларни келтириб чиқариш, Афғоний томонидан ишлаб чиқилган ғояларни тарғиб қилиш билан шуғулланса, «С» гуруҳидаги жангарилар қўпорувчи-лик сирларини ўрганишарди.

Корачаён қисқа фурсатда ўзини кўрсатди. У йигитларни тинимсиз машқ қилдиарди. Саид Муста-фо лагерда қандай тартиб ўрнатган бўлса, у хам шундай интизомни жорий этди. Зафар Афғоний Корачаённинг ишларидан хушнуд эди. Ўринини боса-диган ворис топилганидан боши осмонга етганди.

Жоннинг мақсади лагерни ўз тасаррӯфига олиш эди. Йигитларни қандайдир диверсия ишларига эмас, балки айғоқчилик санъатидан боҳабар қилиш, уларни ўз идорасининг манфаатлари йўлида ишлатиш, қайнок нукталарга жўнатиш ва вазиятни издан чиқаришдан иборат эди. Ҳазрат ўзи бошлаган ишга Жоннинг суқилишини хушламасди. Якка ўзи

хукмроцлик килиш истагида эди. Қариянинг Жонга ён бермаганлигининг ўзга омили ҳам мавжуд эди. У Туркияда Амин Сардорнинг элчиларидан бири билан сухбатлашганди.

- Биз одамларинизни қурол-аслача, кийим-кечак, озиқ-овқатлар билан етарлича таъминлаймиз. Бунинг учун сиз разведка бошқармаси билан алоқани узингиз, факат бизга итоат этишингиз шарт. Жанобларининг ўзлари ҳам бу ташкилотдан юз ўғирдилар. Тарих ўз саҳифаларидан шўро давлатини ўчириб ташлади. Энди дунёнинг барча мамлакатлари биз билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур, - деди элчи. - Афғонистон бизнинг қўл остимиазда. Бу давлатнинг эгаси бизмиз. Унинг эртанги кунини биз белгилаймиз. Толибонлар раҳнамоси мулла Муҳаммад Умар ҳазратлари Амин Сардор жаноблари билан биродарлик ва қариндошлиқ ришталарини ўрнатганлар. Ўз қизларини Амин Сардор жанобларига шаръий никоҳлаб берганларидан огоҳдирсиз. Шундай бўлгач сиз ҳам биз билан ҳамкор бўлсангиз ёмон бўлмасди.

Бу таклифдан ҳазратнинг боши осмонга етди.

- Амин Сардор жаноблари биздек ожиз қулларига шундай ишонч билдирган эканлар, албатта, бундан бошимиз фалакка етгусидир. Муборак таклифлари шу соатдан эътиборан ижобат бўлгусидир. Ул зоти шарифга менинг беадад саломим бирла хизматларига туну кун ҳозир эканлигимни билдирасиз, деган умиддаман!

Зафар Афғоний Туркиядан қайтгач, ўз одамларига Афғонистоннинг турли бурчакларида дайдиб юрган ватандошларини тўплашни буюрди. Таниш-билишлари ёрдамида хорижлик йўрикчиларни ҳам таклиф қилди. Корачаённи уларга бош килиб кўйди. Ўзи ишлаб чиқкан гояларни уларга таништира бошлади. Амин Сардорнинг одамлари ваъда қилинган қурол-аслача, кийим-бош ва озиқ-овқат маҳсулотларини келтиришди. Ажнабий йигитлар келиб кўшилди. Бундан хабар топган Жон қандай килиб

бўлсада уртадаги муносабатни бузишга ҳаракат кила бошлади. Аммо Жон ўзига уни қанчалик яқин олмасин, барибир ҳазрат лагердаги ишлар тұғрисида оғиз очмади. Жосус билан учрашиб юрган кезлари Амин Сардорнинг одамлари яна қарияни бевовта қилишди. Улар лагердаги ишлар хусусида қизиқишишмади. Фақат аввалги топширикни эсига солиб кетишиди.

- Разведка бошқармаси ходими билан алоқани узасиз, бугундан бошлаб учрашувни тұхтатасиз!

Зафар Афғоний Жон билан аввалги муносабат девори бузилганлигини айтишни истамади. Үларнинг асоси борки, бу таклифни ўртага ташлашмоқда. Шу боис сабабини суриштирмади.

- Шу ойнинг охирида Амин Сардор жанобларининг энг содик дұстларидан бири лагерга ташриф буюрмоқчи, - деди унинг олдига келган вакил. - Тай-еरгарлик кўриб қўйишинғизни маслаҳат бераман!

- Ўринсиз саволимній менинг қизиқишим деб қабул қилгайсиз, жаноб, - деди Зафар Афғоний Амин Сардорнинг вакилига, - у кишининг бу ерга келишларидан мурод недур?

Вакил андак ўйга толди. Айтмоқчи бўлган фикрини хаёлан жамлаб олди.

- Ўз одамимиз бўлганлигингиз боис, сиздан яширадиган сирим йўқ. Хаттоб жаноблари Чеченистон сафарига отланмоқдалар. Шул сабаб ул зот ўзлари билан бир гуруҳ йигитларни олиб кетмокчишлар!

Зафар Афғоний умидлари пучга чиққални тушунди. Шунча қилган меҳнатлари, сарфлаган маблаглари кўз олдига келди. Улар бежиз унинг одамларини қурол-аслаҳа, озиқ-овқат билан таъминлаганини тушунди. Ахир у йигитларини узоги билан бир-икки ой ичиде Ўрта Осиё республикаларига киритмоқчи эди-ку! Ўйлаб юрган режалари нима бўлади? Ҳазрат миясига болға мисоли урилаётган бу саволлардан довдираб қолди. Йигитлари ҳозир ўзига ҳаводек зарурлигини тушунтироқчи бўлди.

- Тәксир, - деди у вазминлик билан, - хабарингиз бордирки, камина күпдан бўён Ўрта Осиёни ўз тасар-руфимга олиш мақсадида лагерни ташкил қилиб, юртпарвар йигитларни тўплагандим. Уларни ватандошлиарим кўзлари тўрт бўлиб кутишмоқда.

Вакил ҳазратнинг мақсадини тушуниб етди.

- Бундан ташвишланманг, ҳазрат. Марказий Осиё жумҳуриятларини босиб олиш биз учун муаммо эмас. Худо хоҳласа узоги билан беш-олти ой ичидан сиз Туркистон үлкасида ўз ҳукмронлигинизни бошлай-сиз.

- Иншооллоҳ, - деб юборди ҳазрат.

\* \* \*

Абу Сайд Жонни алдамаганди. У берган ваъдаси-нинг удласидан чиқди. Ҳафтанинг белгиланган кунлари Жоннинг ён телефони жирингларди. Абу Сайд тоғлар орасида бўлаётган воқеалардан уни огоҳ қилиб турарди. Амин Сардорнинг одамлари лагерга қанча қурол-аслаҳа ташлаб кетганини айтганда Жон ҳазратнинг бежиз ўзини олиб қочмаётганлигини тушунди. Демак, «яширинча Амин Сардорнинг одамлари билан алоқа қилиб юрган», деган хулосага келди. Орадан кўп ўтмай унинг айгоқчилари Зафар Афғоний «Ал-Қоида» гуруҳининг Покистондаги бўлимига чақирилганидан ҳам хабардор қилишди. Бошқарма Зафар Афғонийдан умидини узганди. Кекса агент Жонга хизмат қилишдан очикчасига бош тортди. Бошқарма қарияни Покистон махфий хизмат маҳкамасига сотилган, деган хулосага келди. Уни ўзларининг биринчи рақамли душмани, деб билишди. Бу орада Абу Сайд яна бир бор Жоннинг телефонини безовта қилди. У қисқагина қилиб, шу ойнинг охирида лагерга Хаттобнинг ташриф буюришини айтди. Жон учун кутилмаган янгилик эди бу. Ўша заҳотиёқ у ўз бошлиғига ушбу маълумотни юборди. Бошқарма кекса жосус билан Хаттобнинг учрашувига йўл қўймасликни Жоннинг гарданига юклади. Жосус

Зафар Афғонийни йўқотиш режасини ишлаб чиқди. Ёлланган қотил топиш масаласида бош қотирди. Лекин ишончли одам топилмади. Шундан кейин ишни ўз зиммасига олди. Ҳазратнинг машинасига кичкинагина қўлбола бомба қўйиши режалаштириди. Ўша кунлари Афғонийнинг кўнгли ниманидир сезибми, ўзининг яшаш жойини тез-тез ўзгартириб, шаҳарнинг турли бурчакларидағи квартиralарда тунаб юрарди. Одамлари билан ҳам кам учрашар, муҳим ишларни ёрдамчилари бошқариб турарди. Жон уни шу атрофдалигини билса-да, қайси уйида яшаётганлигидан бехабар эди. Орадан бир ҳафта ўтиб, Зафар Афғоний ўзининг доимий яшаш уйига қайтиб келганини эшитиб, ҳазратнинг изига тушди. Режасини амалга ошириш учун тонг саҳарда ҳазратнинг кўча эшиги олдига кутига жойлаштирилган портлагич мосламани қўйиб, гойиб бўлди. Эшик очилиши биланоқ бомба портлаши лозим эди. Орадан ўн дакиқа ўтиб, ўша даҳшатли портлаш юз берди. Бирок кўча эшикни Жон кутган одам эмас, балки унинг хизматкори очганди. Тасодиф туфайли Афғонийнинг жони омон қолганди. Режасининг амалга ошмаганидан Жон каттиқ афсусланди. Саросимага тушган ҳазрат соқчиларининг сонини кўпайтириди.

Боши қотган Жон бундай ишларни Шабнамнинг кўли билан амалга оширишга қарор қилди ва унинг уйига йўл олди.

- Келганингиз яхши бўлди, Жон, бу ерда ёлгизликдан ўлиб қоладиганга ўхшайман. Ҳолимдан хабар оладиган одамим йўқ. Имкон қилиб, ҳозироқ мени Германияга жўнатиб юборинг. Худо хайрингизни берсинг!

- Жоним билан сизга ёрдам бераману, аммо бир ишда сизнинг кўмагингиз лозим.

- Гапиринг, ҳар қандай ишга тайёрман, факат мени жўнатиб юборсангиз бас!.

Жон гапни узокдан бошлади.

- Томаснинг қотилини аниқлашда ёрдам берасиз?

Қизнинг юзидан қон қочди.

- Қийин ишни айтдингиз...

- Ахир сиз бундан хабардорсиз-ку! - жиддий оҳангда сўради қизишиб кетган Жон.

Хоним қалтираб кетди. Жосус ундаги ўзгариши пайқади.

- Нега бундай деяпсиз?

- Менинг қўлимда инкор этиб бўлмайдиган маълумотлар, ҳатто гувоҳларим бор. Уларни юзлаштиришим мумкин!

Жоннинг дадил сўзлари, бунинг устига хонимнинг кўзига тикилиб гапириши Шабнамни адо қилганди. Руҳий ҳужум енганди. Қолаверса, «гувоҳларим бор», деганда хонимнинг кўз олдига Зафар Афғонийнинг югурдаклари келди. Зоро, улар ўзларини ҳазратга содик қилиб кўрсатсалар-да, пул учун муҳим маълумотларни, ҳатто ўз хўжайинларининг кирдикорларини сотишга тайёр кимсалар эканлигидан Шабнам огоҳ эди.

- Мени мажбуrlашди, Жон! - қиз юзини чангallаб йиглаб юборди.

- Ким?

- Афғоний. У Томаснинг овқатига заҳар қўшишини буюрганди. Унинг айтишича, отамнинг қотили ўша аплаҳ экан.

- Буни сиз кимдан эшитдингиз?

- Афғонийнинг ўзи айтди!

Жоннинг бу ерда қиладиган биргина иши қолганди. Ёнидан куролини чиқарди. Шабнам қичқириб юборди.

- Жон, Жон, бундай қилманг, отам иккимиз сизларга содик эдик, хиёнат қилмаганимиз. Қанчадан-канча ўз миллатдошларимизнинг яширин ишларидан сизларни воқиф қилганимиз-ку!

Отилган ўқнинг овози қизнинг қичқириғини босиб тушди. Шабнам ўқ тешиб ўтган кўксини чангallаб, ҳамон дод соларди. Жон қизга масхараомуз жилмайди. У иккинчи ўқни отишни истамади.

Кизнинг кийналиб, азобланиб ўлишини истади.  
Хонадан чикиб кетишдан олдин шу сўзларни айтди:

- Қачондир отангнинг куни сенинг ҳам бошингга тушиши керак эди, қанжик! Ўлиминг олдидан билиб кўй, сенек ватангдолар ҳеч қачон бизга дўст бўлмаган! Вақти келиб, сени ҳам итдек отиб ташлашимиз керак эди! - Жон куролини қўлтиги остидаги гилофга жойлаб, ортига бурилди. Унинг айтган сўзлари қизга оғир ботди. Сўниб бораётган кучини тўплаб, мадорсиз оёкларини зўрга судраб диван олдига келди. Конга ботган, қалтироқ қўлларини ёстиги остига чўзди. Жосус эшик олдига етганда ортидан узилган ўқ уни остонаяда қулатди...

## МАРЖОНБУЛОҚ

Адҳам Собирович мамлакат ичкарисига ноқонундай йўллар билан диний адоватларни келтириб чиқаришга даъват этувчи варакаларни тарқатишида айбланаётган тўрт нафар фукаро устидан жиноий иш қўзгатганди. Тергов ҳаракатлари олиб борилаётган кунлар ҳонасига ўрта ёшлардаги йигит кириб келди. Пўрим кийинган, қўринишидан анчагина маданиятли ва ўқимишли қўринарди.

- Сиз жиноят иши қўзгатган тўрт йигитни бугуноқ озод киласиз, - деди худди томдан тараша тушгандек. Прокурор унинг сўзларидан ҳайрон қолди.

- Нега, ахир улар давлатга қарши варакалар тарқатишида айбланганд, гувоҳлар бор.

- Йигларнинг бирортаси қамалмасин, - деди йигит бепарволик билан. - Қанча сўрасангиз ташлаймиз.

Прокурор ўйланиб қолди. Йигитнинг «қанча сўрасангиз ташлаймиз», деган сўзи қулогига шу қадар ёқимли эшитилдики, ҳатто ўтирган ўрнида кимирлаб қўйди. Лекин ушбу жиноят иши юкори идораларнинг назоратида бўлганлиги учун бойлик илинжида ёнган юраги шу заҳотиёқ музлади.

- Мен бундай қилолмайман, улар килмишларига

яраша жазосини олиши керак. Одамларни Ватанга ва осуда ҳаётимиизга қарши исёнга даъват этувчи варақалар тарқатишида айбланишган. Маслаҳатим бундай одамларнинг ўртасига тушмаганингиз маъқул.

- Адҳам Собирович, сиз қамоққа олган бу йигитларнинг ҳаммаси яхши одамларнинг болалари. Ўзингизга жабр қилиб қўйишингиз мумкин.

- Нима, бу шантажми?  
- Аксинча, сизни огоҳлантириши.  
- Огоҳлантириш? Нимадан, кимдан огоҳлантириш? - ҳайрон бўлди прокурор.

- Бу йигитлар қамаладиган бўлса сиз утирган курсингиздан, шунча йилдан бери топган обрўйингиздан айрилиб қолишингиз мумкин.

- Сиз кимсиз? - прокурорнинг аччиғи чиқди.  
- Мен оддий фуқароман.  
- Менга қаранг, фуқаро, сизга менинг ишимга аралашмаслигингизни маслаҳат бераман. Сиз айтган йигитларни қамайман. Улар камида ўн йилга озодликдан маҳрум этилади.

- Шундай денг? - йигит прокурорнинг кўзларига тикилди.

- Шундай!  
- Кейин пушаймон буласиз?  
- Ўрнингиздан туриңг-да, хонамдан чиқиб кетинг!

Меҳмон ёнидан бир даста суратларни олиб, прокурор-нинг столига ташлади. Адҳам Собирович бир йигитга, бир суратларга қаради. Ерга тиз чўктирилган одам-ларнинг бўйнига пичноқ тираётган, қонига беланиб ётган мурдалар тепасида турган одам кўзига таниш туюлди. Суратларнинг ҳар бири кўрқинчли эди. Одамнинг юрагига ваҳима соларди.

- Менга бу суратларни нега кўрсатяпсиз? Кўрқитмокчимисиз?

- Асло, мен сизни қўрқитиш фикридан йироқман. Сиз суратдаги одамларни азоблаб ўлдираётган йигитга дикқат билан разм солинг!

Адҳам Собирович яна суратларга разм солди.

Қўлидаги қонли ханжарни маҳкам ушлаганча кўзларини бакрайтириб, юзида совуқ табассум билан боқиб турган кимсани таний олмади.

- Бу суратни менга алоқаси йўқ, - деб уларни бир четта суриб ташлади.

- Хотирангиз ўтмаслашиб қолибди, чоги, Адҳам Собирович. Начора ёрдам бериб, ёдингизга солиб қўяман. Қўлида ханжар тутган бу йигит сизнинг ўғлингиз Санжарбек бўлади.

Прокурор қотиб қолди. Бир сониядан сўнг ўзига келди.

- Ёлғон! Менинг ўғлим жангда қаҳрамонларча улган. Уни ўз қўлим билан тупроққа қўйганман!

- Бироқ тобутини қўйгансиз, шундайми? Очиб ичиди жасад борлигини қўрганмидингиз, Адҳам Собирович?

- Тухмат қилаётганлигинг учун ҳозироқ мелиса чақириб қаматаман!

- Чакиринг, мени қамоққа олиб кетадиган мелиса аввал сизни қамамасмикин, Адҳам Собирович? - деди меҳмон пинагини бузмай. - Суратдаги йигитни ўғлингиз эканлигига шубҳа қилаётган бўлсангиз, мана бу суратларни ҳам томоша қилинг-чи, зора таниб қолсангиз.

Меҳмон иккинчи чўнтағидан беш-олтита суратларни олиб, прокурорнинг олдига ташлади. Адҳам Собировичнинг кўзлари чақчайиб, ранги бўздек оқариб кетганди. Расмлар орасида Санжарнинг Зулайҳо билан бирга тушган суратлари ҳам бор эди. Киз билан қачон ва қаерда учрашишди? Наҳотки, у ўғлингиз олдига борган бўлса?

- Ўғлим қаерда? - тилга кирди ниҳоят вужудини совуқ тер босган прокурор.

- Хавотир олманг, у эртанги баҳтли кунимиз учун курашмоқда. Мана шу сиз қамоққа олган йигитларни қўлидаги варақаларни ўғлингиз тайёрлаб, бу ердаги юртдошлирига тарқатишни буюрган. У жангарилар тайёрлайдиган лагернинг бошлиғи.

Адҳам Собирович нотаниш кимсага нима де-  
йишини билмай қолди.

\* \* \*

Зулайҳо хориждан қайтиб келгач, маҳалласида яшаётган хотин-қизларни ўз атрофига тўплаш билан банд бўлди. Ҳазратдан қизларни жамлаш тўғрисида буйруқ олганди. Бундан ташқари, варакалар келиши биланоқ, ана шу ишончли аёллар ёрдамида уларни қишлоққа ва маҳаллаларга зудлик билан тарқатиши лозим эди.

Зафар Афғонийнинг одамлари Зулайҳони чегарадан олиб ўтишгач, уни Қорачаённинг олдига олиб боришиди. Кизнинг назарида севгилиси кимсасиз тоғлар орасидаги қандайдир чодирларда эмас, балки кошона, каср уйларда яшаётгандек туюлганди. Аҳволини кўриб, дили вайрон бўлди. Ортга қайтишнинг иложини тополмади. Йиллаб юрагини ўртаётган соғинчми ёки пешонасига тушган қисматнинг юкими уни йигитнинг қучогига бош қўйишга мажбур қилганди. Қорачаённинг юрагини бир четида тугунга айланиб қолган Ватанга бўлган соғинч ҳислари типирчилаб, уйғоқлигини билдириди. Ота-онаси, дўстлари, таниш-билишларининг тақдиди билан қизиқди. Отасининг туман прокурори бўлиб ишлаётганидан қанчалик кувонган бўлса, онасининг жасадсиз қабр тепасида афғон чекиб, охир-оқибат хаста бўлиб қолганидан қайғурди.

Зулайҳо Қорачаённинг чодирида бир ҳафта яшади. Биринчи кун қиз йигитнинг тўшагида ўзининг бокиралиги билан видолашган бўлса, иккинчи кундан тики кетгунига қадар қайтиб унинг қучогига кирмади. Улар бошқа-бошқа жойда ётишди. Зафар Афғоний кизни Покистонга олиб кетди. Уйида бир ҳафта ушлаб турди. Соҳибжамол бу жонон қариянинг юрагини безовта қилганди.

- Сизнинг вазифангиз ўз атрофингизга бизга содик, вафодор аёлларни топиш. Гуруҳингизга кў-

шилган ҳар бир аёлга юз дөллар ҳақ тұлайсиз. Уларға қимматбаҳо тилло буюмларни совға қилинг. Пулнинг юзига қараманг. Мұхими - одамлар сизга әргашсин. Улар гурухингизга аъзо бўлгач, албатта эрларини ҳам бизга хизмат қилишга мажбур қилишади, - деганди Зафар Ағфоний у билан учрашган куни. Шундан сўнг кекса жосус қизни ўзига ром этиш мақсадида унинг олдига бир даста пулни ташлади. - Одамларимиз сиздан хабар олиб туради. Хар ойда пул билан таъминлашади!

Дийдорлашув баҳона Ағфоний қизга олтин сирға, узук ва бошқа кўплаб қимматбаҳо совғаларни инъом қилди. Зулайҳонинг кўзлари яшиаб кетди. Зафар Ағfonий тилло буюмларни бекорга инъом этмаганди. Кечки пайт хонасида танҳо қолишгач, қизни тұшагига таклиф қилди. Зулайҳонинг кўз олдига севимли ёри келди. Олти кун унинг ёнида бўлганини, аммо ёри тунда қизнинг истакларига муштарак бўлолмаганини эслади. Санжар ўзини «вактинчалик бетоб» қилиб кўрсатди. Қизнинг эса хумори ёзилмай, юрагига зулмат чўкканди. Отасининг ёшидан улуғ бўлган кимса уялмай муҳаббат изҳор қилганда хаёлида ўша видолашадиган тунги лаҳзалар жёнланганди. Қалбининг тубида мудраб ётган аёллик ҳирси жунбушга келганди. Аммо Зулайҳо ўзини қўлга олди. Қариянинг таклифиға қошларини чимириб, кўз қараашлари билан норозилик ифодасини баён қилди.

- Мен унаштирилганман, - ёримга бевафолик қилолмайман, - деди. Бироқ кекса ошиқ қизнинг овозида кескин ва қатъийлик оҳангини сезмади. У ўрнидан турди ва темир сандиқдан бир тизим садафни олиб, ўз қўли билан қизнинг оппоқ бўйнига тақиб қўйди.

- Ярашди, - деди жилмайиб. - Ойнага боқинг-чи?

Зулайҳо кўзгу олдига бориб қолганлигини сезмади. Садаф ҳақиқатдан ҳам унга ярашганди. Қўллари билан ушлаб кўрди. Букилган жойларини тўғрилади. Зафар Ағfonий қизнинг ортида туради.

Пишиллаб олаётган қайноқ нафаси Зулайҳонинг соchlари орасидан ўтиб, бўйнига урилиб турарди. Қария титроқ қўллари ила қизнинг елкасидан силади.

- Муборак бўлсин, оппоғим!

Зулайҳонинг мамнун бўлганини унинг ойнада куриниб турган аксидан билди. Шундан сўнг қария соchlарини, кейин баданини силади. Зулайҳо танасида ҳаракатланаётган қўлларга қаршилик кўрсатишга куч тополмади. Қария елкасидан қучиб, юзини ўзи томон бурганда ички бир куч унинг елкасига бош қўшишга мажбур қилганди.

Зулайҳо Афғонистондан қайтгандан сўнг Зафар Афғоний томонидан берилган топшириқни бажаришга ўзида мажбурлик ҳиссини туйди. Зудлик билан атрофига қиз-жувонларни тўплади. Ҳазрат берган маблагни уларга сарфлади. Тилла тақинчоқлар совға қилди. Зулайҳо топшириқни бекаму-кўст адo этиб юрар экан, вужудидаги ўзгаришни анча кеч ҳис этди. У ҳомиладор эди. Ҳомиласи тўрт ойликдан ўтиб қолганди. Буни ота-онасига сездирмасликка қанчалик уринмасин барибир юзидағи доғлар, қорнининг кун сайин дўмбайиб бориши сирини ошкор қилиб қўярди. Ҳомила беш ойликдан ўтганда қизнинг кўнгли шўр ва аччиқ таомларни тусай бошлади.

Санжарнинг олдига бориб келгандан сўнг у қабристонга чикмай қўйганди. Экилган райҳонлар куриб, қовжираб, ер билан битта бўлиб, тупроққа коришиб кетганди. Кифоят опа туман марказига қучиб кетганди. Ўғлининг қабрига ойда бир келарди. Синиб кетган ёдгорликни қоровул бир амаллаб тикка қилиб қўйганди. Чўкиб бораётган қабр атрофини тиканаклар босганди.

Санжар Зулайҳо билан учрашгандан сўнг ақли кўп нарсаларга етмай, боши қотганди. Қандай қилиб ўлмаган, жасади топилмаган одамни уйига тобут жўнатишдийкин? Қайси жасорати учун қаҳрамонга чиқариб қўйишганига ҳайрон бўларди. Мактаб биносига ҳайкалини ўрнатишганидан қотиб-қотиб куларди.

- Ҳали буниси нима бўлибди, вакти келиб, миллий қаҳрамонга айланаман. Ўшанда одамлар менинг ҳайкалимни мактабга эмас, бутун бир вилоят марказига ўрнатишади, - дерди ғуурланиб.

Зулайҳо кечаларни уйқусиз ўтказарди. Юрагини шу қадар қоронгулик босгандики, бечоранинг кўнглига кил ҳам сифмасди. Ўзига топширилган ишларни ҳам бир четга йиғишириб қўйди. Келаётган аёллар билан учрашмасди ҳам. Уйда ёлғиз ўтиришни ёқтиради. Бўйидагини ота-онаси ҳам сезиб қолишиганди. Бироқ оғир оёқли қизларидан боланинг отаси кимлигини сўрашга ботинишолмасди. Уни ранжитиб қўйишдан қўрқишарди. Ўша куни тўлғоқ тутишдан бир соатча аввал Зулайҳо бошига рўмолини ташлаб, уйдан чиқиб, қабристон томон жўнади. Кўчаларда одам кўринмасди. Эл уйқуга кетганди. Аёзли кеча ойдин эди. Қизнинг юрагини алам ўртарди. Қилган хатоларини бугун тушуниб етганди. Нега у Покистонга борди? Нега Ватанига хиёнат килган йигитга номусини топширди?! Нега унинг юзига қараб тупурмади? Нега ватангадоларнинг топширигини бажариб юрибди? Нега ўз элига, ўз ватанига хиёнат қилишни ихтиёр айлади? Бундан кўра қаро тупроқ остига тириклий кириб кетгани яхши эмасмиди? Корнидаги норасида гудакдан вакти келиб, «кимнинг боласисан», деб сўрашса нима деб жавоб беради? Нега уни қорнида борлигини сезганда олдириб ташламади? Нимага ишонди? Унинг ёлғон ваъдаларигами? Юртни ўзгаларга топшириш учун қилаётган хизматигами? Аслида у ким? Қизнинг йўл-йўлакай ўйлаб келаётган ўйлари худди юраётган йўллари каби узун, адоқсиздек туюларди.

Зулайҳо аста-аста қадам ташлаб, Санжарнинг қабри тепасига келди. Совуқ тупроқ устига ўтириди. «Мен ит бўлдим, сендеқ Ватан хоинига номусимни топширдим-а. Эй Худо, ҳозир жонимни олсанг ҳам мингдан-минг розиман, - деб гапириб туриб, сочини икки кўллаб чангallади. - Мени кечир, болажоним,

сенинг умрингга зомин бўлдим. Сенинг отанг мард, эл севган инсон бўлиши керак эди. Мен адашдим. Хиёнат килдим», - деган қичқириқ юрагидан отилиб, совук ерга юзтубан қуладию, бошини ерга уриб, ҳўнграб йиглай бошлади. Худди шу пайтда Зулайҳонинг корнидаги боласи кўзғалиб «билқ-билқ» этиб, икки-уч марта тениб қўйди. Киз қорнини ушлаб қўйди. Уни қайта тўлғок тута бошлаганди. Вужудида уйғонган оғриқдан юзлари кўкариб, кўзлари олайиб, нафас ололмай ҳиқиллаб дод соларди. Дақика сайин тўлғоги кучайиб, беш букилиб, беш ёзилиб одам чидай олмайдиган товуш билан чинқираради. Унинг кийимлари билчиллаб қонга ботганди. Зулайҳо ҳамон чираниб, қайта бувланиб, бақириб «онажон, айланиб кетайин онажоним, менинг гуноҳимни кечиринг, бевош қизингизни лаънатламанг, не қилайки, кўнглим кўчасига кириб, иродам бўшлик қилиб шу кўйга тушдим, онажоним. Ичим куйиб, ўлиб боряпман. Хосиятингиздан айланиб кетай онажоним, нега ўшанда сизнинг сўзларингизга кулоқ солмадим?! Нега сиз танлаган йигитга рози бўлмадим?! Лаънати уруш бўлмаганда мен шундай бўлармидим?! Ахир мен ҳам тирик жонман-ку, аёлман-ку! Бу дунёнинг роҳатини кўрмай кетдим. Чимилдик ичига кирмай кетдим-а? Худо мени жазолади, шу кўйга солди, кечиринг, кечиринг, онажон», деб додларди. Жон талашган, қийналган кўзлари худди косасидан иргиб чиқадигандек каттайиб кетганди. Оғриқ яна тутди. Зулайҳо чалқанча ётиб, кучаниб, қорни яна сиқила бошлади. Боланинг қўли чиқиб қолганди. Қон билан суюклик ҳамон оқиб турарди. «Инга» деб қичқирган бола товуши ила, ўлиб бораётган онаси билан видолашаётгандек йиглади. Кизнинг кўзи олайиб, тепага битиб, музлаб қолди. Ажал билан ҳаётнинг тўқнашган онида осмонда чараклаган юлдузлар бирин-кетин сўниб, энг охири порлаб турган ёлғиз Чўлпон юлдузи қолиб, у ҳам аста-секин узоқлашиб, гойиб бўлди.

**Биринчи китоб тугади.**

## МУНДАРИЖА

Афғонистонда .....	3
Қисмат .....	17
«Қорачаён»нинг ўтмишии .....	28
Лагерда .....	32
Покистон .....	47
Маржонбулоқ .....	48
Хазина дардида .....	62
Карачи .....	74
Вазиростон .....	84
Маржонбулоқ .....	94
Москва .....	107
Маржонбулоқ .....	111
Вазиростон .....	122
Қасос .....	129
Карачи .....	130
Океан ортида .....	141
Покистон .....	143
Вазиростон .....	146
Лагерда .....	149
Покистон .....	156
Маржонбулоқ .....	161
Афғонистон .....	165
Маржонбулоқ .....	171

Алабий-бадиий нашр

Исҳоқжон НИШОНОВ

# ҚОРАЧАЁН

1

*Роман*

Муҳаррир: Нурбек Абдуллаев

Дизайнер: Отабек Камолов

Мусаҳҳих: Улугбек Умаров

2011 йилнинг 4 майида теришга берилди. 2011 йилнинг 27 майида босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 10,5 босма табоқ.

Адади 500 нусха. 137 – сонли буюртма  
Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,  
Навоий кӯчаси, 36- уй.

«Сайхун» ХҚҚ матбаа бўлими босмахонасида  
газета қофозига оғсет усулида босилди

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,  
«Чорбог» кӯчаси, 17 уй.



7000

Исҳоқжон НИШОНовнинг “ЖУМЛА  
Хўмистаҳ Жаҳон” ва “ЎҲ Олимийчи  
Отишамлоим” детектив асарлари сотувда.

### “ЖУМЛА Хўмистаҳ Жаҳон”

Оқшом чоги автобусга чиқсан йўловчилар сафида талаба қиз ҳам бор эди. Қоронгулик тушади. Йўловчилар бирин-кетин ўз бекатларида тушиб қолишади. Талаба манзилига етиб бориши учун яна беш чақирим масоғани юриши лозим эди. Йўлнинг икки томони қум тела. Йилт этган чироқ кўзга ташланмайди...

Шу кечак қиз уйига қайтмайди. Милиция уни ўн саккиз йил давомида излайди. Чўпанилардан бири пода боқиб юриб саксовул остидан сумка топиб олади. Ичидаги буюмлар бедарак йўқолган қизга тегишли эканлигини билдиради. Наҳотки уни ўлдириб кетишган бўлса? Унда қотил ким?

“ЖУМЛА Хўмистаҳ Жаҳон” детектив хикоялар тўпламини ўқисангиз изқуварларнинг ўта оғир жиноятларни очищдаги касб маҳоратига қойил қоласиз.

### “ЎҲ Олимийчи отишамлоим”

Афғон олимлари бир неча асрлар давомида ер остида қолиб кетган беш миллиард долларлик бойликни топиш мақсадида бир қатор хорижий мамлакатлар олимлари билан ҳамкорлиқда ишлашади. Махфий хизмат идоралари хазина билан қизиқиб қолишади ва ўз одамларини гурӯҳ ичига киритади. Лекин бойлик топилмайди. Ниҳоят қазилма ишларига руслар таклиф қилинади. Ўн олти кишидан иборат экспедиция йўлга чиқади. Жосусга экспедиция аъзолари ичida ўз одамлари борлиги маълум эди. Хазина топилгудек бўлса, ўн олтинчидан бошқаси отиб ташлансин, деган буйруқ олади.

Хазина топиладими? Ўн олтинчи ким эди? Сиз бу саволларга “ЎҲ Олимийчи отишамлоим” детектив асаридан жавоб топасиз.

ISBN 978-9943-371-92-7

9 789943 371927